

ҚАМЧИБЕК КЕНЖА

КҮНГИЛ КҮЧАЛАРИ



ҲИКОЯЛАР

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг
«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти


Тошкент — 1979

Қамчибек Кенжа «Яшил барг» номли илк ҳикояси биланоқ тилга тушди. Унинг ишлаб чиқаришдаги эиддиятларни пайқай олиши ва уларга дадил қўл уриши ўқувчиларнинг эътиборини тортди.

«Кўнгил кўчалари» тўпламига кирган ҳикояларининг мавзуи ранг-баранг. Уларда қишлоқ одамлари, уларнинг содда ва беғубор қалби, инсонийлик ва гўзаллик, муҳаббатнинг ғамзалари ва ошиқ кўнгил изтироблари, ёшликнинг бебаҳо ва бетакор дамлари қаламга олинган.

X 432 304 235
635
К $\frac{70303-37}{356(06)-79}$ 47—79

© Издательство «ЕШ ГВАРДИЯ»—1979



БАЛИҚ ОВИ

Мен биринчи синфга қатнардим. Акам еттида ўқирди. Отам колхозда хўжалик мудирини эди. Ўйимизга тез-тез меҳмон келиб турарди. Ҳар сафар ҳар хил кишилар: ориқ, семиз, новча, пакапа, мўйловли, мўйловсиз... Уларнинг кўпини танимасам-да, ўзимда йўқ севиниб кетардим. Чунки меҳмон келса акам иккимиз албатта балиқ овига жўнардик. Қишлоғимизнинг кун ботар томонида тўқай бўлиб, ҳали зовурлар қазилмаган, захоб сувлар қуритилмаганди. Катта-кичик булоқларда, айниқса Димариқда (димланиб оққани учун шундай дейиларди) балиқ мўл эди. Сув кўпайганда ҳатто тўқай ичидаги шолিপояларга ҳам балиқ чиқиб қоларди. Шанба-якшанбада бу ерга болалар тўлиб кетарди. Қим қармоқ кўтарган, ким тўр судраган...

Мен акамнинг балиқ тутишини кўришга ишқибоз эдим. У балиқ овлашга уста эди. Тўрдаям, санчиқдаям бир зумда бир пақирини илнтирарди. Ҳатто қўлдаям. Сув остига шўнғиб, балиқларни ўз камаридан тутиб чиқарди. Ҳеч нарсадан, илондан ҳам қўрқмасди. Илон кўрдими, тамом, уни думидан ушлаб айлантириб-айлантириб отиб юбормагунча кўнгли жойига тушмасди. Қиргоқда кулала бўлиб, мудраётган илонлар шарпамизни сезди дегунча жилиб қолишар ё ўзларини сувга уришарди.

Ўртоқларимнинг ҳаваси келар, мен керилиб, «акам қарагайнинг акаси шунақа», деб кўкрагимга урардим. Болалар чувиллашиб акамнинг изидан эргашиб юришар, ундан илон ушлаб кўрсатишни сўраб, ялиниб-ёлворишарди. Акам кўпинча уларга йўқ демасди. Бундай вақтда болалар акамнинг қўлидаги илоннинг ҳавода доира ясаб, чириллаб айланишини узоқдан, бир-бирининг пинжига кпришганича, қўрқа-писа томоша қилишарди. Илон ўт-тиз-қирқ қадам нарига шалонлаб тушгач, ўша ёққа чопишар, сулайиб ётган газанданинг ўлганига ишонч ҳосил қилишгандан сўнггига унга яқинлашишарди. Бпронта юраклиси (у ҳам иложи борича ўзини орқароққа олиб) илоннинг думига ҳадиксираб қўл узатарди. Шундан кейин бошқалар, мен бир айлантирай, мен бир ушлаб кўрай, деб талашиб кетишар, сўнгра муроасага келишиб, тўқай ўртасидаги кенг чимзор майдонда навбатма-навбат, ким узоққа отади, ўйнардилар.

Акам уларга қўшилишимга рухсат бермасди. Бирпас ўксиниб турардим-у, акам саёз жойга, қуруқликка притган зогора балиқнинг жон ҳолатда сапчиб-сапчиб тутишини, сувнинг чуқурроқ ерига интилишини, тангаларининг офтобда ялт-ялт қилишини кўриб, аразни эсдан чиқарардим. Кейин акам тол ё юлғиндан кесиб берган илмоқли чивикқа балиқларни тизиб, шолипояларнинг энсиз полида лангарсиз дорбозлардай лапанглаб, акам қаёққа борса, орқасидан кўтариб юрардим. Кўп ўтмай

болалар сувни шалолатиб югуриб келишар ва яна ҳар-хашасини бошлашарди. Акам тагин илон қидириб кетар, лекин энди уни ушлаб, болаларни қувиб қоларди. Уларнинг ҳарёққа тирақайлаб қочишини кўриб, қотиб-қотиб қулардим.

Ушанақа пайтларда мен жуда яйраб кетардим. Шунинг учун ҳам меҳмоннинг қорасини кўришим билан иргишлаб, похол ёядиган каттакон айри ёғочга ипдан тўқилган кичкинагина, бир кишилик тўр турадиган баланд сўрига чопардим. Акам бўлса, менга хўмрайиб, биқинимга секингина бир мушт туширар, такага ўхшаб иргишлама, деб жеркиб берарди. Попултиригим пасайиб, кўзимни енгим билан ишқалаганча индамай уйнинг орқасига ўтиб, ўтириб олардим. Бирпасдан кейин акамнинг ўзи чақирарди:

— Ком! Тўрни ол, кетдик.

Тўрни елкамга ташлаб, акамнинг олдига тушардим.

Биламан, балиқ овлаш акамнинг жонига тегиб кетган. Шунинг учун эшикдан бегона товушни эшитса пешанаси тиришарди. Аммо, тўқайгача суст борарди-ю, сувга тушди дегунча ҳамма нарсани унутиб, ишга жон-жаҳди билан киришиб кетарди. У балиқни меҳмонларнинг сонига қараб тутар, чамасига етмагунча сувдан чиқмасди.

Меҳмонлар одатда учта-тўртта бўлиб келишарди. Кўпинча уларни отам ўзи бошлаб кирар, бироқ отамнинг йўғида ҳам келишаварарди. Фақат бир киши ҳамisha отам билан келарди. Фақат шу одамгина менга ёқмасди. Гавдаси бесўнақай, ранги совуқ, чақчайган шубҳали кўзларига қарашга юрагим дов бермасди. Мўйлови ҳам бошқаларникига ўхшамас: лабининг икки четида осилиб турарди. У менга доим ҳиссиз, дағал овозда: «Ҳа, Қоровой, юрипсанми», деб қўяр, пешанамга тушган калта, тартибсиз пат-сочимни қўйнинг жунини чамалаб кўргандай ғижимлаб, эркалаган бўларди. Бошим зирқираб, кўзларимдан ёш чиқиб кетай дерди. Лекин сир бой бер-

мас, гапиға ҳам жавоб қайтармай, ерга қараб туравердим. Кейин у қизларнинг майда сочидай ингичка ўрилган ва учи боғичли қилиб тугилган, юлғин сопи йилтиллаб кетган қамчинини: «Ма!»—деб узатарди. Мен уни айвон устунидаги михга илиб қўярдим. Балиқдан кейин палов ҳам ейилиб бўлгач, у мени чақирарди: «Қоровой, қани, қамчинини онке-чи». У панжалари орасидан сизиб тушаётган ёғни қамчин дастасига суртиб-суртиб, яна менга қайтариб бергач, кафтини чарм этигининг қўнжига ишқалай бошларди. Сўнг товоққа чой қуярди-да, айлантириб-айлантириб бир кўтарарди ва хўрда ичгандай хўриллатиб, симириб юборарди. Ҳаммасидан ҳам унинг балиқ ейишини томоша қиладиган эди. У балиқни кўп ва жуда тез ер, бироқ кам нушқут чиқарарди. Нима бало, қилтаноғини ҳам ютиб юборармидин, деб ҳайрон бўлардим.

Мен отамнинг ёнида ўтириб, унинг балиқни ошалаб ейишини ҳайрат билан кузатар, айрим ҳатти-ҳаракатларини кўрганимда бошимни отамнинг панасига эгиб, секин кулиб олардим. Кекирганида ҳиқилдоғи ўйнаб чиқар, учи ингичка ва узун мўйловлари балиқ қилтаноғига илашиб ҳадеб оғзига кириб кетар, у чайнашдан тўхтамаган ҳолда бош бармоғи билан чиқариб қўярди.

Дастурхонга фотиҳа ўқншгач, отам: «Қани, Комронбек!»—дерди. Меҳмоннинг орқамдан: «Шу ўғлингиз эпчил, чаққон, улоққа тушадиган йигит бўлади-да», деганини эшитиб, қадамимни тезлатардим. Балиқхўр кишининг оти дарвозахонамизда турарди. Эгар қошига илланган қора, йилтироқ корзинкани бир сакрашда олиб, зум, ўтмай отамга етказардим. Отам пиширилмасдан олиб қўйилган балиқларни қоғозга ўраб унга жойлаштиради. Мен эсам қамчинни олиб, физиллаганимча, отни дарвозахонадан кўчага етаклаб чиқиб, ушлаб турардим.

Акамнинг-ку, уни кўришга кўзи йўқ эди-я, ҳатто опам ҳам: «Яна кепти балиқхўр киши», деб қўярди. Ўчоқ бошидан жилмайдиган онам хурсандми ё хафами — бунни

билолмасдим, тўғриси, энди эсласам, қизиқмаган экаи-ман. Фақат бир марта опам ғудраниб тандирга ўт қўяётганида унинг: «Қовоғингни оч, Саломат, отанг сезиб қолса ҳали ҳаммамизни қақшатади, у отангнинг хўжайинларидан», дегани қулоғимга чалинган.

«Балиқхўр» бизни кига охири сафар келганида тахминан эрта баҳор эди. Қаттиқ келган қишнинг ҳали заҳри кетмаганди. «Балиқхўр киши» биринчи марта кўпчилик билан келди. Шериклари ҳам ўзига ўхшаган қориндор-қориндору, фақат мўйловлари йўқ эди, холос.

Отам меҳмонларни катта уйга жойлаштириб, тезда ҳаммамиз тиқилиб ўтирган даҳлизга қайтиб чиқди-да, паст овозда иш тақсимлай кетди:

— Онаси, дарров суюқ ошга урин, қўй ёғидан кўпроқ тўрғамчилаб, жазла. Саломат, баланд сўридаги узум, анордан олиб туш, қовунданам, эски чакмонга ўраб қўйганман. Кейин қўшнилардан қатиқ топ, кўпроқ, ҳа, сарёғам. Бўла қол, оёгингни қўлингга ол. Комил, укангни бошла тўқайга. Мўлроқ тутиб келинглари. Судралмай илдамроқ қимирла.

Акам анграйиб отамга, кейин кўзларини мўлтилла-тиб онамга қаради.

— Шундай совуқда-я...— онам акамдан кўз узмай, юрак ютиб, аммо журъатсизгина шундай деди.

— Ҳеч нарса қилмайди, тўрда овлашади. Атайлаб балиқхўрликка келишган. Қани, нонни опке, чойни тезлаш-тир.— Отам онамнинг олди-га борди-да, унинг қулоғига бир нарсалар деб шивирлади. Бу гап онамга ёқмади шекилли, пешанасини тириштирди.

Акам ҳамон жойидан қимир этмас, кўзларини ўчоқда гувиллаб ёнаётган оловга қадаганча киприк қоқмай ту-рарди. Ўша пайтда унинг хаёлидан нималар кечгани менга ҳозиргача қоронғи. Катта уйга кириб кетаётган отам кўлини эшик тутқичига узатганча тўхтаб қолди, кифти оша акамга қаради ва анча силлиқлашган товуш-да: «Иссиқроқ кийинвол, ўғлим»... деди-ю, нигоҳини тез-

да қайириб олиб, шахд билан тутқичга ёпишди. Лекин ичкаридан эшикни оҳиста ва зич ёпди. Назаримда у эшикка суяниб бир оз туриб қолгандай туюлди.

Човгундан чойнакка қайноқ сув қуяётган онам: «Шу пайтда зарилаканми?.. Кимга нима қайғи... Сал кун илиганда келишсаям бўларди, тўқайга ўт тушиб, балиқ қирилиб кетмасиди...» деб ғудранди. Кейин у бизга зўрлаб икки пиёладан иссиқ чой ичирди, қалин кийинтирди.

Тўғриси, шу пайтда балиқ овига менинг ҳам ҳеч боргим йўқ эди. Акам оёғига илашган тош-кесакларни жаҳл билан тепиб кетар, ўзича минғирлар, мен қунушганча унинг орқасидан индамай тўр судраб борардим.

Ариқларнинг бўйларида, марзаларда кўклам нишонаси — ялпизлар бодроқ-бодроқ бўлиб чиқа бошлаган, бақаларнинг «вақ-вақ»си авжида, чимзорлардаги кузда ўт қўйиб куйдирилган ажриқларнинг томирларидан чиққан янги, кўм-кўк гиёҳлар ер бағридаги ҳаётнинг қайтадан жонланганидан далолат берарди. Сўппайган қовжироқ қамишлар изғиринли кўклам шамолида бир-бирига урилиб, нохуш овоз таратарди. Икки лаби кўкариб қолган Димариқ ҳали ҳеч ким ва ҳеч нима лойқалатиб улгурмагани учун тип-тиниқ, билинар-билинемас, майин чайқалиб ётарди. Сув остида онда-сонда майда-чуйда балиқлар кўзга ташланиб қоларди.

Акам Димариқнинг торроқ жойига тўр солди. Мен ариқнинг тепароғига бориб, узун калтак билан балиқларни ҳайдай бошладим. Сув бир зумда қоп-қора бўтанга айланди. Акам тўрни кўтарди. Ҳавода бир неча майда чавақ ялт-юлт этди-ю, чўлп-чўлп қилиб сувга тушиб кетди. Қайтадан тўр солдик. Бу сафар ирмигаям биронга илнмади.

— Ҳали балиқлар камаридан чиқмапти,— деди акам тўнғиллаб.

— Энди нима бўлади?

— Нима бўларди, камарга тушаман-да.

— Совуғу ака, совқотмайсизми?

— Нима қиламан! Балиқ топиб бориш керак бари бир.

Акам отамнинг гапини икки қилмас, бошлаган ишини албатта охирига етказарди. «Фалон нарса битмай қолди» ё «йўқ экан» деганини билмайман. Бундай бўлишига отам йўл қўймасди ҳам.

Яна бир марта уриниб кўрганимиздан кейин акам тўрни қўриққа отиб юбориб, ечина бошлади. Акамга Димариқдаги, умуман тўқайнинг ҳамма булоқ ва ариқлардаги балиқ камарлари беш қўлдай маълум эди. У Димариқнинг чуқурроқ жойини, балиқнинг камарини мўлжаллаб шўнғиди. Сув тиниқ бўлгани учун унинг ҳаракатлари аниқ кўринарди. Тўғри бориб пўсти қолмаган, сув ялаб ўтаётган яиасқи тол тўнкаси остига қўл суқди. Амфибия одамдай сув остида ҳар замонда оёқларини силтаб, муаллақ ҳолда анча туриб қолди, кейин орқасига тисарилиб, сув бетига отилиб чиқди. Унинг икки қўлида бир ярим-икки қарич келадиган иккита зогора балиқ типирчиларди. Акам балиқларни қирғоққа ирғитиб яна шўнғиди. Кейин яна... Афтидан улгуржи балиқ топиб олганидан у ҳам ўзида йўқ хурсанд, совуқни ҳам унутган эди. У ҳар гал балиқни менга ташлаётиб «нечта бўлди» деб сўрарди-ю, лекин жавоб кутмай шўнғиб кетарди. Ун бештага борганда акам сувдан чиқди. Бадани қорда ишқалангандай қип-қизариб кетган, дағ-дағ қалтирар, тишлари бир-бирига тегиб такилларди.

Уйга етгунча югургилаб келдик. Акам даҳлизга кирди-ю, ўзини сандалга урди. Онам: «Бечора болам-эй», деб унинг юзларини, кўкракларини, қўлларини ишқалади, иссиқ чой ичирди, устига якандозлардан ташлади, сандалга яна икки хокандоз ўт солди. Акам совқотиб кетяпман, жунжикиб кетяпман, деб бир оз ётди-ю, ухлаб қолди.

Балиқни опам нккаламиз айвонда тозалаб бериб турдик, онам қовуришга тушди. Отам тайёр бўлганини пеш-

ма-пеш пчкарига олиб кириб кетарди. Меҳмонлар жуда хурсанд хохлашар, айниқса «балиқхўр киши»нинг кулгиси момагулдиракдай уйнинг деразаларини зириллатиб юборарди.

— Бўронбекнинг ўғли қишда муз тешиб бўлсаям балиқ тутиб беради, демадимми сизларга!

— Отасини ўғли-да. Мард, улфат одамнинг фарзандиям мард, улфат бўлиши керак-да.

— Ҳа, ҳамма гап отасида.

Қизиқ гап бўлмаса ҳам қийқириқ, кулги кўтарилди.

— Мана энди бундан буёғи балиқ сайли,— яна «балиқхўр киши»нинг овози эшитилди.— Қачон десанглар келаверамиз, хўжалик мудиримизнинг эшиги ҳамиша очиқ.

Меҳмонлар қоронғи тушганда қўзғалишди.

Эшик тарақлаб очилиб, остонада «балиқхўр» кўринди. У чайқалиб кетишдан ўзини аранг тутиб турар, қулочини кериб, икки қўли билан эшик кесакиларидан маҳкам ушлаб олганди. Унинг пашша қўнса сирғалиб кетадиган силлиқ бошида тер ялтирар, гўштдор, қора юзлари чўғдай қизариб, кўзларининг оқи жигарранг тусга кира бошлаганди.

— Келин! Раҳмат... Аммо балиқни зўр қовурибсиз. Бу... бизи... қаҳрамон кўринмайди?.. Ие, ухлаб қопти-да, ҳа, майли, дамини олсин.

У эҳтиёткорлик билан қадам ташлаб сандал ёнига келди. Энгашмоқчи бўлганди, азбаройи тўйиб кетганидан эгилолмади. Амаллаб қўлини акамнинг жағига етказиб, эркалаган бўлди.

— Шоввоз йигит, ботир йигит... Ўғилдан хўп берганда, сизларга... Мана шу Комилбек бор деб келамиз-да, биз... Яшаворсин азамат. Балиқни зўридан тутибди. Маза қилдик...

Меҳмонлардан бири уни қўлтиғидан суяб ташқарига етаклади.

Бу пайтда онам ўчоқ олдида бошини ҳам қилганича юзини ярим яшириб турар, отам эса пиширмай олиб қўйилган балиқларни қора корзинкага жойлаш билан банд эди.

Меҳмонлар телва-тескарн босишиб кўча томон юришди. Пичан еяётган отларини тимирскиланиб аранг ечишди-да, сувлигини ҳам солмай эгарга ёпишишди.

От туёқларининг «тақа-туқ»и анчагача эшитилиб турди.

Қайтиб кирганимда уйнинг деразалари ланг очик, онам огзини дока рўмол билан тўсиб олиб, дастурхонни йиғиштирарди.

— Камрон, манави савил қогур шишаларни йўқат кўзимдан нарироққа,— қичқириб қолди у менга,

Хона димиқиб, панирос тутунларн шифтнинг тўсниларн орасида сийрак булутга ўхшаб сузиб юрар, тахир, ачимтир, қўланса таъмлар, балиқ ҳиди, нос иси аралаш-қуралаш бўлиб кетганди.

Уйни тозалаб бўлиб печкани қайтадан ёқдик-да, унинг яқинига жой қилиб, акамни уйғотдик. Онам: «Тур, тур ўғлим, ичкарига жой солиб қўйдим, иссиққинна, кириб ёт», деб эланар, акам бўлса унинг гапларини эшитмагандай нуқул: «А, а нима?» дерди. Хуллас уни бир амаллаб тургаздик. Лекин у карахт одамдай жойидан жилмас, қовоқларини зўр билан кериб очган кўзлари юмилиб кетарди. Онам унинг тирсагидан тутиб ичкарига бошлади. Акам ўринга кирдию устига кўрпани тортди. Онамнинг: «Чой ичиб олмайсанми, овқат есанг-чи», деган илтижолари жавобсиз қолди.

Отам меҳмонларни кузатиб қайтганида биз ҳаммамиз акамнинг бошида ўтирардик. Онам уни кўрдию тутоқиб кетди:

— Қайси гўрда қолдингиз? Йўғ ердан балиқ топиб сийлаганингизам етарди-ю, уйларигача обориб қўйма-сангиз энди! Бола қийналиб кетди! Духтур топиб келиш керак!

Қамчинни эттигиға уриб келаётган отам таққа тұхтаб, онамға ғазаб билан тикилди, лекин кўзлари нурсизланиб, рангги оқариб кетган эди. Кейин шитоб келиб акамнинг ёнига чўнқайиб, кафтини унинг манглайига қўйди.

— Комил! Комилжон!

Акам жавоб бермади. У қисқа, аммо тез-тез пафас оларди. Отам онамға юзланди:

— Овқат-повқат едими?!

— Туз тотгани йўқ болам шўрлик,— жавоб берди онам йиғламсираб.

Отам чнқиб кетди. Кўчада от туёқларининг тасир-тусири эшитилди.

Опам акамнинг оёқларини уқалаб, пиқиллаб йиғлар, онам эса унинг пешанасига оқ дуррачани қайта-қайта хўллаб босар, мен нима қилишимни билмай бир чеккада уларнинг хатти-ҳаракатини, онамнинг ҳолатини кузатиб ўтирардим. Онам ҳар замонда: «Вой онагинанг ўргилсин-эй, вой томогинга қилтаноқ тиқилгурлар-эй, бирор сафар балиқ емай кетишса нима қиларди-я, бадани ёняпти буни, қўлни куйдиради-я»,— деб уф тортар; акам бўлса ўзи билан ўзи овора бўлиб, иситма билан олишар, алаҳларди. У хаёлида нуқул менга гапирарди, «Комиш, топдим! Балиқни конини топдим! Икки қаричли сазан... Ол! Ушла, сувга тушиб кетмасин!.. Нечта бўлди... Ҳозир, ҳозир чиқаман...»

Қачон қандай ухлаб қолганимни билмайман. Эрталаб турсам, акам энди тинчиб ором олаётган экан. Кечаси доктор келиб укол қилибди, хавфли эмас, сал совуқ ўтибди холос, деб кетибди. Чиндан ҳам акамнинг иситмаси пасайди, озроқ овқат еган ҳам бўлди. Лекин бари бир алаҳсирайверди. Ҳаммамиз унинг атрофида парвона эдик. Айниқса отам олдидан бир қадам ҳам жилмади, десам бўлади. Ўзи мажбурлаб озгина шолғом шўрва, қатиқ пчирди. Устини бирдай ўраб турди. Бир-икки марта киприкларида нимадир йнлтиллаганини кўриб қолдим. Ҳаммасидан ҳам опам иккимизни «сиз»лагани ға-

лати туюларди менга. Ғайратн терисига сифмайдиган, чаптаст ва жангари одам бир кеча-кундузда чўкиб, хаста, снниқ қарияга айланиб қолди. Назаримда бир соатда бир энлик этидан тушаётгандай эди.

Онам бўлса кунн бўйи қовоғини очмади. Ҳар замонда ўзича ғудраниб қўярди.

Акам кундузи тез-тез безовталаниб ётди-ю, кечга бориб иситмаси яна кўтарилиб кетди. У ўқтин-ўқтин қалтираб-титраб кетар, лаблари пирпираб учиб-учиб қўяр, тилини чапиллатиб тамшанарди. Алаҳсираши кучайди. Узук-юлуқ гапларидан худди ниманидир қувалаётгандай, кимдандир нажот кутиб, мадад сўраётгандай бўларди. Ярим кечага борганда тинчиб ухлаб қолди. Шундан кейин биз ҳам ётдик.

Қаттиқ дод-войдан уйғониб кетдим. Онам билан опам акамнинг устига ётиб олишганича ҳўнграб йиғлашар, отам бир қўлида акамнинг жағини ушлаб, иккинчи қўли билан ҳадеб унинг қовоқларини ишқалар, «ҳиқ-ҳиқ» қилганида елкалари титрар, икки юзидан шовуллаб ёш қуюларди. Мен аввалига ҳеч нарсага тушунмай анграйиб қараб қолдим. Кейин юрагим совуқ бир нарсани сезиб, акамнинг устига ўзимни ташладим. Мук тушганча, тушунибми, тушунмайми — узоқ йиғладим. Ўзимни тугтолмас, нимадир мени йиғлашга мажбур қиларди. Лекин бари бир бола эдим-да. Бир оздан сўнг акам эсимдан чиқди. Ҳовлимизга кираётган одамларнинг кўплигини кўриб оғзим очиларди. Ҳатто тўйимда ҳам бунча одам келганмас, деб ўйлардим ўзимча.

Отам гангиб қолгандай, ким гапирса ўшанинг оғзига қарарди. У нуқул мени бағрига босар, ёнидан жилдирмасди.

Биз отам билан дарвозахонамизда турардик. Баъзилар отамни қучоқлаб йиғлашар, биров сўрашиб, бошқаси бош қимирлатганча индамай ҳовлига ўтиб кетарди.

Бир маҳал келаётганлар орасида «балиқхўр киши» кўриниб қолди. Мен ҳозир патимдан тортқилайди, деб

Ўзимни отамнинг орқасига яширдим. Агар қўл чўзадиган бўлса шартта қочиб кетаман деб мўлжаллаб турдим. Лекин у менга эътибор ҳам бермади. Ҳатто бошини ҳам кўтармасди. Отамнинг олдига келиб тўхтади-да, бир нималар деб пичирлади. Мен фақат «бандачилик-да, бандачилик...» деганни эшитдим. Отам тескари ўғрилди...

...Шундан бери баллиқни кўрсам сесканиб кетаман.

ОҚ ТЕРАКЛАР

Мамасоли идорадан таъби тирриқ бўлиб чиқди. Мевасиз дарахтларни, ҳатто Ўзун кўчадаги теракларни ҳам кесиб ташлаб, ўрнига мевали дарахт экиш керак эмиш! Эътироз билдирмоқчи эди, раис оғиз очирмади.

— Нимага энди дарахтларга, яна ҳосилсиз дарахтларга раҳм еб қолдингиз? Қозикдай сўппайиб турадиган теракдан, қинғир-қийшиқ шохлари тарвақайлаб ётадиган, ўргимчаклар уя солиб ташлаган қапа нусха толдан олма ё шафтоли минг марта афзалмасми? Ўтган-кетган бола-чақа мевасидан баҳраманд бўлади. Ўзимиз ҳам... Савоб дегандай... Иннайкейин мен ҳаммасини бирваракайига қириб, яксон қилиб ташланг, деяётганим йўқ. Фақат йўл бўйларидagi, пахта майдонларининг чеккаларидagiни кесиш керак, холос.

— Гапингиз тўғри, ўртоқ раис, мевали дарахт албатта яхши. Лекигин, минг марта шукур, қишлоқда нозиматдан камчил жойимиз йўқ. Ҳар бир ҳовлида меванинг истаган туридан топилади. Қолхознинг эса, бирмас, учта боғи бор. Егани одам йўқ: таги билан битта бўлиб, сасиб, чириб ётади. Ундан кейин, ахир, мевасиз дарахтнинг ҳам керакли жойи чиқиб туради. Ферма-сермага... дегандай... Қолаверса, йўл бўйларидаги тераклар, салқинини айтмаганда ҳам, қишлоғимизнинг кўрки...

Раис қўлидаги йўғон қизил қаламни бахмал ёпилган столга бир маромда тўқиллатиб уриб, кулимсирай бошлади. Мамасоли янги раиснинг феълига сал-пал тушуниб қолган эди. Унинг кулимсираши «бехосият» эканлигини фаҳмлади, бироқ ғишт қолипдан кўчган эди.

— Менга қаранг, Собиров,— раис қошларини чимириб, Мамасолига тикилди, кейин сўзларни чертиб давом этди.— Мен ҳам колхознигизга тўғри тоғдан тушиб келганим йўқ. Кўрк-пўрк деган нарсаларга ям анча-мунча ақлим етади. Фаросатим ҳам бировдан қарз оладиган даражадамас. Аммо бу гапларни мен ўзим ўйлаб чиқарганим йўқ.— Раиснинг овози кўтарила бошлади.— Шунақа кўрсатма бор! Буйруқ эса муҳокама қилинмайди!

Раис «гап тамом», дегандай қаламини столга сўнгги марта «тақ» этказиб урди-да, ўмганини тираб ўтирган гададонни қорни билан суриб-ёпиб ўрнидан турди.

Мамасолига раиснинг чуваккина гавдаси бирдан йўғон тортгандай, иссиқ истараси тундлашиб, ёқимтой, дилкаш кўзларида ҳароратсиз, ҳиссиз бир учқун чақнагандай туюлди.

Мамасоли шу куни анчагача ухлай олмади. «Битта кўчатни экиб, кўкартириб, қаторга қўшиш осонми? Қишлоқда неча минг туп тол, терак бор! Танасп бошқа дард билмас, деб шунга айтишади-да. Кеча келиб, ўзича ўзгартириш ясамоқчи шекилли-да. Тавба, ҳаммаси шунақа-я, ҳаммаси бир нарса ўйлаб топади. Бирови эшик билан деразанинг ўрнини алмаштиради, иккинчиси ўтирадиган жойини ўзгартиради — хонанинг тўрини пойгакка, пойгакни тўрга айлантиради. Яна бошқаси... Бунисиники энди тоза ошиб тушди. Кўрсатма бор эмиш. Кўрсатма фақат бизнинг колхозга эмасдир ахир. Нимага энди биринчи бўлиб биз бошлашимиз керак? Олдин бошқаларни кўрайлик. Бу, кўрсатма дегани ҳавога қараб ўзгариб турадиган нарса...»

У туш кўрибди. Ёлғиз ўзи улкан бир теракни арра-

лаётган эмиш. Терак унинг устига йиқила бошлармиш. Мамасоли қочармиш, терак ҳам унинг орқасидан чўзилиб келаверармишу лекин арраланган жойи узилмасмиш. Бир маҳал каттакон ариқ ёқасига келиб қолибди. Шунда терак ҳам тўхтаб, нуроний мўйсафидга айланармиш-да, Мамасолига қараб аянчли жилмаярмиш ва ҳадеб бош чайқармиш...

У нонушта пайтида отасига шу ҳақда гап солди. Кўрган туши тўғрисида ишдамади.

Ота оғзидаги луқмани у лунжидан бу лунжига ўтказиб, бир оз чайнаб ўтирди. Кейин совиб қолган чойдан бир хўплаб, ютинди-да, салмоқлаб гап бошлади.

— Бунга сиз кўп бош қотирманг, ўғлим. Илгаридан қолган «подшонинг амри вожиб» деган гап бор. Раис колхознинг подшоси. Ёлғиз ўзингиз куйиб-пишганингиз билан бир иш чиқаришингиз гумон. Бекорга номингизни ёмон отлиққа чиқариб олманг, ўғлим. Дунё шунақаки, биттаси кестирса, бошқаси келиб эктиради. Аслида чоллар билан бир кенгашса бўларди. Модомики шуни лозим топмабдими, назаримда ўз билгича иш тутадиганга ўхшайди.

— Шунақа кўрсатма бор, дейди,— Мамасоли бу гапига нима деркин, маъносида отасига кўз қирини ташлади.

— Улманг, ўғлим, унда кўпга келган тўй экан бу. Рансингизни ҳам айблаш ўринсиз.

Мамасоли колхозда олти йилдан бери ҳисобчилик қилади. Қишлоқнинг баланд-пасти, дов-дарахти унга беш қўлдай маълум. Каттаю-кичикка таниш. Ҳар йили ҳовлиларни (ўзидан-ўзи ерга ер қўшилиб қоладигандай) камида бир-икки марта ўлчаб чиқади. Бирон хонадонга бошқа юмуш билан кириб қолса ҳам дастлаб еримизни ўлчагани келди, деб ўйлашади. Фақат ернигина эмас, кимникида қайси мевали ё мевасиз дарахтдан неча туп борлигигача ёд билади. Ахир ҳисобот беришга, хўжалик аъзоларининг даромадини апиқлашга керак-да!

Мамасоли элининг таъна-дашномига қолмишдан қўчир-
ди. Негаки, кўча бўйига, пахтазор яқинига жойлашган
ҳовлиларнинг этагида ҳам албатта терак бор-да. Болта
кўтариб киринг-чи, қайси бир тушунгани қўлини кўксига
қўйиб кутиб оларкин. Буюрган эмас, ижро этган кўзга
хушук, ёмон кўринадди.

Мамасоли ўйлагандан ҳам баттар бўлди. Ранс унга
бутанг, деса таг-томпри билан қўпориб ташлайдиган ол-
тита норгул болтаканини қўшиб берди. Лекин бошлама-
сига ишнинг пачаваси чиқди. Биринчи галда хонадон-
лардаги теракларни кесни буюрилганди. Мамасоли мў-
мингина Жўра қассобникидан бошлашга қарор қилди.
Бироқ Жўра қассоб остонадаёқ унинг паттасини қўлга
тутқизди:

— Ҳе, ўша экинчи қўйган!.. Ўзинг ҳовлимдаги қа-
риб-чириб кетган бир туп тутни колхозники деб ўн йил-
дан бери кестирмайсан-у... Новдасидан бир тутам барг
чиқмайдн, танаси бутун агаратимга кўланка солиб ту-
рибди!

«Пулини тўлаймиз, ошнинг билан берамиз», деган
таваллоларга, ранснинг буйруғи бу, деган таҳдидларга
қассобнинг мўйлови ҳам қимирлаб қўймади.

Хуллас, кўчалардаги, колхозга қарашли тераклардан
бошлашдан бошқа чора қолмади. Олти норгул йиғи
парвозга шай турган ракеталарни эслатувчи олтита адл
қадли теракка қулочкашлаб болта солишганда, Мама-
соли сесканиб, тескари ўгирилди. Ҳар бир болта қарсил-
лаганда у бир иргиб тушар, кўзларини юмиб оларди.
Тушида кўрган терак, мўйсафид хаслдан нари кетмас-
ди. Чндамади. «Сизлар кесаверинглар», деб жўнаворди.

Мамасоли секин-аста кўннқди. Лекин навбат Узун
кўчага келганда юраги яна зириллай бошлади. Кўча ўз
номи билан узун, қарийб бир чақиримча бўлиб, у кол-
хозни қўшни қишлоқдан ўтадиган автобус йўли билан
уларди. Йўл шунақа тўғри тушган эдики, икки тарафда
кириқдай бир текис саф-тортган теракларнинг учлари

эгиллѳ, бир-бирига тегай-тегай деб турган бўлишига қарамай, кўчанинг нариги чеккаси бемалол кўринарди.

Тераклар... Йўғонлиги ва бўйи бир-биридан деярли фарқ қилмайдиган, таналари силлиқ ва ошпоқ, майин ва беозоргина чайқалиб турувчи барглари тиниқ яшил ва носраниг тераклар... Бу йўлда тонгдан чошгоҳгача, пешиндан кун ботгунча юрсангиз елкангизга тангадай офтоб тушмайди. Фақат, йўл жануб-шимол йўналишини бўйича кетганлиги сабабли, шунда ҳам саратонининг айши туш чоғида кўчанинг ўртасига тўкилувчи энсизгина бирок, қайноқ нури йўл четроғидан юришга мажбур қилади, холос. Новдаю япроқларнинг бир маромда шовуллашини дилда ажиб бир кайфият, ёқимли ҳислар уйғотар, уларнинг оҳангида гоҳ қувноқ, гоҳ бир оз ҳазин куй садолари эшитилгандай бўлар; қишлоққа таширф буюрувчиларни маҳалланинг мўйсафид оқсоқолларидай таъзим билан, ассалом, ҳуш келибиз, деб кутиб олишаётгандай, бағрини очишаётгандай, қишлоқдан чиқувчиларни «яхши борини, кўришгунча...» деб узатиб қолишаётгандай... Бир чақирим масофани қандай босиб ўтганингизни сезмай ҳам қоласиз. Айниқса ойдин кечаларда бу кўчанинг малоҳати янада бошқача бўлади. Аёзнинг намчил шабадасида бугдой бошоғидай бир ёнга хиёл эгилиб тебранаётган повдалар янада ўзгача шовуллайди. Сиз билан измаиз, япроқдан-япроққа сакраб ўтаётган ой акси шудрингда юзини чайиб, тобора тиниқлашиб бораётгандай, узукнинг гавҳар кўзидай ялт-юлт қилади. Юлдузлар худди япроқлар орасидан устингизга тўкилиб келаётгандай...

Болталарининг кетма-кет қарсиллаши Мамасолини ҳушига келтирди. Йигитлар бараварига енг шимариб ишга тушиб кетишган эди. Кўчадан йўловчилар ўтиб туришар, Мамасолининг назарида ҳамма терак кесаётганларга, эмас, унга, ҳа, фақат унга нафрат билан қарашаётгандай туюлар, уларнинг: «Ҳорманглар!» деган сўзи қулогига: «Хор бўлгурлар!» бўлиб эшитиларди. «Одамлар ҳам қизиқ-да, пана-панада мингир-мингир қилишадн-ю,

мундай бир кўкрагини очиб чиқиб гапиршмайди. Фақат девор орқасидан бошини кўтармай кессак отишадн...»

Айниқса, биронта одам юракдан, чакки бўпти, демасдан сўнг Мамасолининг ҳафсаласи илр бўлди. Тўғри, баъзан қариялар: «Эҳ аттанг, эҳ аттанг», деб бош чайқаб қўйишарди-ю, бари бир улар ҳам Мамасолининг кўнглига тасалли берадиган гап айтишмасди. Қим билсин, балки улар бунақа савдоларни кўравериб бош чайқашдан нарига ўтмайдиган бўлиб қолишгандир. Шуларни ўйлагач, Мамасоли ҳам бор-э, менга нима, деб қўл силтарди-ю, аммо улкан, салобатли тераклар елкадан ошириб ташланган маглуб полвондай тош йўлга гурсиллаб тушиб, осмонга қуюндай чанг кўтарилган пайтда асаби таранглашиб, мияси лўқиллай бошларди. «Ё тавба! Бутун бир правление мажлисида қирқ чоғли одамдан биронтаси қандоқ бўларкин демаса-я! Йилгилишдан кейин ҳамманг кўчада сўкинишиб кетдинг. Ҳе, номардлар, қоронғида сўкинишдан нима фойда? Қирқта қўлмас, қирқта болта кўтарилди-я! Улар ҳам дарахтлар билан, дарахтларнинг эгалари билан Мамасоличалик муомала қилишгандаю ҳатто бир туп шохлининг ҳам қадрига эгадиган бўлиб қолишарди-я... Вой чиллашир Рўзи-эй, пахтага кўланка қилиб ётибди тераклар, дейди-я. Ҳа, ҳамма гапиргандаям, сен жим тур. Ўзинг ҳовлининг азор-узумга тўлдириб олгансан-да! Бошқаларнинг тол-тераги билан ишинг йўқ-да, а? Бошқаларга ўхшаб Узун кўчадан қон орқалаб, илқиллаб ўтмайсан-да, а? Колхознинг машинаси юкиниги бозорга тушириб беради. Вой кўланканинг қадрин ўтмаган номард-эй!..»

Тракторлар теракларни иккита-иккита қилиб боғлаб судраб кетаётганда Мамасолининг юраги баттар ачишди. Раҳми келди. Тошларга тегиб ўтаётган теракнинг ошпоқ қобиғлари арчилиб, шилинган жойлари қорайиб борар, ҳали-ҳозирча дарахт танасидаги намдан озиқланиб, сўлимоққа изн бермаётган япроқлар бир-бирига, новдаларга, ерга шалоплаб ўрилиб тупроққа беланар,

улар энди шовулламас, гарамга босилаётган шох-шаббадай шитирлар, бу шитирлашлар эса нолакор оҳангга тўла эди.

Тераклар кесиб, ташиб бўлиниди. Улар ўрнида саҳродай бўшлиғу ҳиссиз, ўтиндан бошқа нарсага ярамайдиган тўнкаларгина қолди холос. Энди улар кеч кузда пахта йиғиб-териб олиниб, ер шудгор қилинаётган маҳалдагина таг-томири билан қўпориб ташланади. Тўнка чеккаларидан сизиб турган сутга ўхшаш қуюқ ва оппоқ сув ҳам ҳадемай қуриб қолади.

* * *

Эрта баҳор тўнкалар ўрнида олма, ўрик, шафтоли кўчатлари пайдо бўлди. Қишлоқ аҳли, айниқса Мамасолининг кўнгли хийла таскин топди. Ниҳоллар кундан-кунга улгайиб, куртак чиқариб, барг ёзиб, кўчага файз киришар, ҳатто Мамасоли кўчатларининг келаси йил бўлмаса, ундан кейинги йил мевага кириши, мактабга кетаётган болаларнинг дувиллашиб, чугурлашиб, олма, шафтолиларга ёпишишлари, шоша-пиша сумкаларига солишаётганини кўз олдига келтирганда мамун илжаяр, «тўғри бўлибди шекилли» деган мулоҳаза ҳаёлида мустаҳкамланиб борарди.

* * *

Кўчатлар мевага кирди. Шу йили ранс ўзгарди. Мамасоли яна идорага чақирилди.

— Гап бундоқ, оғайни,— Мамасоли эшикдан кирар-кирмас кенг яғрили, дўнг пешана, бир оз чўтир, лекин қип-қизил юзли, бурун, оғиз бичимлари бежирим, сочлари мош-гуруч, қуюқ қошларига ҳам битта-иккита оқ оралаган, кулранг кигели эғнига ёпишиб турган ранс гап бошлади.— Ўзини кўчадаги олма-ўрикларни кесишга тўғри келяпти. Нима дейсиз? Ўзингиз қўриб турибсиз,

болалар иккинга-учта гўр шафтоли деб, гўзани пайҳон қилиб юборишяпти. Қоровул қўйиб ҳам удла қилолмаямиз. Бундан ташқари болаларнинг ўзи заҳарланишяпти. Кеча ҳам иккитасини касалхонага жўнатдик. Бу ҳол давом этадиган бўлса...— Хонада у ёқдан-бу ёққа юраётган ранс дераза ёнида тўхтаб, ташқарини кузата бошлади. Бироқ у Мамасолининг жавобини кутаётганди. Янги ранс ҳам ҳисобчининг дарахтпарварлигидан, терак кесми машиналаридан хабар топиб улгурган эди. Етказмай қўйишади дейсизми!

Мамасоли рансининг очиқчасига гапираётгани, унинг фикрини сўраётганидан хурсанд бўлса ҳам, ҳали бу одамнинг совунига кир ювиб кўрмагани учун ҳадиксираброқ турарди. Ҳадеганда калласига жўялпроқ гап келмади. Рансини махтал қилиб қўйиш ҳам ярамайдди.

— Ортиқча шоҳларини бутаб, сув сепиб турсак-чи?

Ранс турган жойида шунақа «хохо»лаб кулиб юбордики, боши орқага эгилганидан олдинга чиқиб кетган қорни силкиниб, деразага тегай-тегай деб қолди. Мамасоли беъмани гап айтганини ўзи ҳам фаҳмлаб қолиб, изза тортди. Анча-мунчага ҳам бўлмайдиган боши қўйи тушиб, қўллари бенхтиёр жой излай бошлади. Ранс унга ўгприлиб, кулгидан тўхтади. Лекин ҳамон жилмаярди.

— Вой содда дўстим-эй, сув сепиб турсак, денг? Ахир йўлдан ҳар ярим, бир соатда машина ўтиб турса, у йўлдан унча-мунча чанг чиқсаям гўрга эди. Унда биласизми, ҳар битта дарахтга бир одамни боғлаб қўйиш керак бўлади. Минг туп дарахтга мингта одам! Қолхозчиларимизнинг ўзи беш юзнинг нари-берисида-ку...

Мамасоли ранс уни масхаралаб кулмаганини тушуниб, дадиллашди.

— Бўлмаса, йўлни асфальтлаш керакмикин?

— Бу гапингизда анча жон бор. Пинчоққа ярайди.— Ранс жиддийлашди. Мамасоли ҳам бир кўтарилиб қўйди.— Йўлни-ку асфальтлашни кўнглимга тугиб қўйганман,— давом этди ранс,— аммо масаланинг бошқа томо-

ни ҳам бор-да. Дарахтлар гўзага соя ташлаб турибди. Кеча райоидан келган вакил «ҳаммаёқни чакалакзор қилиб юборибсизлар-ку», деб кетди. Чиндан ҳам ҳар икки томондан ўртача беш метрдан ер кўланкада қолса, бу, йўлнинг этагигача бир неча гектар деган гап! Бир гектардан қирқ центнердан мўлжалланса, қанча тонна пахта ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетганини ҳисоблаб олаверинг. Кузда бир кило пахта учун тикка турнига тўғри келишини, ҳовлима-ҳовли юрини, биринчи синф ўқувчисининг қўлига ҳам мўлтираб турнишимизни мenden кўра яхшироқ биласиз.

Раис тин олди. Мамасолининг боши қотди.

— Бўлмаса, гап бундоқ оғайни. Қишлоқнинг обрўли оқсоқолларини бир йиғсак-да, маслаҳатлашсак. Ҳар қалай, йўқ дейишмас...

Оқсоқоллар йўқ дейишмади...

Яна баҳор келди, куз... Яна.... Узун кўчанинг қиёфаси кўп ўзгарди. Йўл асфальтланди. Чинор экилди, кейин тут.. Бироқ ҳеч қайси дарахт шовуллаб турган оқ тераклар ўрнини босолмади. Ҳеч қайси дарахт улардай муқим ва узоқ яшай олмади. Ҳеч қайси дарахт ва ҳеч қандай ҳолат Узун кўчага оқ тераклардай файзу тароват бахш этолмади.

Сирасини айтганда, одамлар ҳам энди теракларни унутиб юборишган эди.

ТОЛЕ ЮЛДУЗИМ

Сиртқи бўлимларга кириш имтиҳонлари бўлаётган пайт. Мени навбатчиликка тайинлашган. Аввалига роса жигибийроним чиқди. Ҳамма курсдошларим таътилда, ўз она юртларининг соя-салқин богларида дам олиб, дарёларда чўмилиб, баллиқ овлаб юришса-ю...

На чора, навбатчиликка киришдим. Чорсудаги ҳуқуқшунослик факультети биносида абитуриентлар иншо ёзи-

шарди. Мен билaгимда қизил боғич, пойлоқчилик қилгандай серрайиб турибман. Гоҳо у ёқдан-бу ёққа юриб қўяман. Вазифам имтиҳонга алоқаси йўқларни, абитуриентларнинг қариндош-уруғ, ёр-биродарлари, ҳайбаракалчаларини ичкарига киритмаслик. Эшикни маҳкам тамбалаб қўйганман. Остонада бетоқат турганлар эшик ойнасидан ичкарига мўралашиб чуғурлашади, нималариндир илтимос қилишади. Ҳатто баъзилари «бир минутга» деган ишора билан мени имлашади. Мен кўрсаткич бармоғимни лабимга тикка қўйиб, «тинч бўлинг» деган ишора билан жавоб қайтараман. Чунки, уларнинг нима демоқчи эканлиги маълум: «Қанақа тема тушди?», «Мени киритворинг...» Аслида уларнинг кўзига балодай кўринаятганим, аммо понложликдан илтимос қилишаятгани, мулоимлик, хушфеъллик билан мурожаат этинаятганини сезиб тураман. Қийналаман. Бунинг устига домлалар кириб-чиқиб туришади, эшикни очиб беришим, орқаларидан беркитишим керак.

Аранг икки соатни ўтказдим. Ғала-говурда миям говлаб, кўзларим тиниб кетаёзди. Бунинг устига кун иссиқ, мен турган коридор эса дим. Артинавериб, рўмолчам сувга пишиб олгандек бўлиб қолди. Қўйлагим баданга ёпишиб кетди. Жуда хунобим ошиб турган эдим, иккинчи қаватдан зина панжарасини ушлаганича секин-секин тушиб келаётган бир қизни кўриб қолдим. Юрагим аввалига самолёт бирдан пастлаган пайтдагидай «шувв» этиб кетди. Кейин гупиллаб ура бошлади. Бу — ўша, мен хаёлан чехрасини, қадди-бастини тасаввур қилиб, қўмсаб, излаб юрган қиз эди. Бахмалдай қоп-қора қош-кўзлари, «кўксига соя солган» кириқлари, иккита қилиб ўрилган узун, қалин сочлари, лўппи-лўппи яноқлари мени бутунлай шошириб қўйди. Мен ҳамон унга термилиб турардим. У эса лоқайд бир тарзда, менга парво ҳам қилмай эшик томонга ўтиб борарди. Пазаримда маъюсроқ, хафароқ кўринди. У имтиҳондан биринчи бўлиб чиққан эди. Яхши ёзолмабди шекилли, билмайдиган темаси тушганга ўх-

шайди, деб ҳаёлимдан ўтказдим. Лекин нима бўлса ҳам ҳозир унга бир нарса дейишим, лоақал танишишга замин ҳозирлашим керак эди. Бироқ нима дейишимни билмасдим. Жаҳли чиқиб турган бўлса, «тошингизни теринг», деб шарманда қилса-чи?.. Ўйлашга вақт йўқ. Эшикни очиб бериш учун йўналар эканман, таваккал қилмоқчи бўлдим:

— Ҳорманг, яхши ёзиб чиқдингизми?— Бор журъатимни йиғиб шу сўзларни айтдим, юрагим янада қаттиқроқ уриб кетди. Ҳадик билан унинг жавобини кута бошладим. У гўё шундагина ёнида одам борлигини пайқагандек, менга ялт этиб қаради, оҳистагина, ҳали мен умримда эшитмаган майини ва жозибадор овоз билан «рахмат», деди. Кўзларида, моҳир рассом чизган суратдагидай лабларида бир лаҳза енгил табассум қалққандай бўлди. Эшикни қандай очганим, қизининг қандай чиқиб кетгани эсимда йўқ. Фақат ташқаридагиларнинг уни ўраб олишганини кўрдим, «нима тушди?», «ниманн ёздингиз?» деб сўроққа тутишгани қулогимга чалинди.

Шу кундан эътиборан ҳаловатимни йўқотдим. Навбатдаги имтиҳон бир ҳафтадан кейин бўлиши керак эди. Кунларни илк бора учрашувга ваъда олган ошиқдай бениҳоя бетоқатлик, сабрсизлик билан ўтказдим. Унинг сурати-ю, билинар-билинемас табассуми кўз олдимдан кетмасди.

Ниҳоят, ўн биринчи август ҳам келди. Шу куни жуда эрта турдим. Соқолни қайта-қайта қиртишладим. Кечқурун юниб, дазмоллаб қўйган шим-кўйлакни кийдим. Имтиҳон бўладиган жойга ҳаяжон билан етиб бордим, лекин ҳали ҳеч ким йўқ эди. Вақт ўтказиш учун қаватдан-қаватга, коридорининг у бошидан-бу бошига юриб турдим. Абитурентлар бирин-кетин кела бошлашди. Бироқ мен кутган одамдан дарак йўқ. Имтиҳон ҳам бошланди. У ҳамон кўринмасди. Шундан кейин ҳар хил хаёлларга бордим. «Ишодан «икки» олган бўлса кетиб қолдиммикин-а? Ўша куни бекорга маънос кўринмаган экан шекил-

ли-да». Бундоқ сўраб-сурштиришнинг ҳам нложи йўқ. Ахир унинг исм-фамилиясини билмасам... Иншодан ўтмаганларнинг деворга осиб қўйилган рўйхатига кўз югуртираман. Айрим фамилияларни ўзимча таҳмин қилиб кўраман. Иккинчи кўзим эшикда. Тез-тез ташқарига чиқиб, тўллашиб турганларни бирма-бир кўздан кечираман. У эса йўқ. Домлалар тушликка ҳам чиқишди. Энди унинг иншодан йиқилиб кетиб қолганига ишонч ҳосил қила бошладим. Лекин юрагимнинг бир чеккасида кечроқ бораман деб, қайси бир паркда ўқиб ўтиргандир, тушдан кейин келиб қолар, деган умид ҳам йўқ эмасди. Бир-иккита абитуриентлар мени тушликка таклиф қилишиб, унамаганимга қўймай судраб кетишди. Факультетнинг шундоққина орқасида жойлашган «Роҳат» ошхонасига бордик. Абитуриентлар менга хушомад қилиб, овқат, коньяк олиб келишди. Мен ҳам ортиқча такаллуфни кутиб ўтирмай, ўзимни қўлга олиш учун озроқ ичдим.

Қайтишда қизик бўлди. Факультет яқинидаги дўконча олдида иккита қиз сув ичиб туришган экан. Менга таниш бўлган иккинчи ўрим сочи кўрдим-у, юрагим ҳаприқиб кетди. (Одатда сочи узун қизларнинг ҳусн жиҳатдан бундайроқ бўлишини кўп кузатганман. Назаримда у табиатнинг бу қонуниятидан мутлақо мустасно эди.) Биз уч-тўрт киши кулишиб бораётган эдик, бирдан қизлар биз томонга ўгирилиб қолди. Чиндан ҳам менинг кўзларим янглишмаган экан. Уларнинг бири ўша эди. Унинг ёнидаги ихчамгина жуссали, оқ-сарикдан келган, нозиккина қиз тилла тишларини кўрсатиб жилмайганича биз томонга юрди ва «кечирасиз, бир минутга мумкинми?» деб менга ишора қилди. Ўзим нима қилишимни билмай келаётган эдим, унинг таклифи айни муддао бўлди. Худди табиб ўз оёғи билан келгандай. «Марҳамат», дея уларга яқинлашдим. «У» билан саломлашар эканман, қўлларим титраётганини ҳис қилдим.

— Уэр, исмингизни билмаганимиз учун нима деб му-

рожаат қилишни билмадик,— ўзини оқлай бошлади менн чақирган қиз.

Мен исминини айтдим.

— Меники Наима,— қиз яна жилмайган эди, тилла тишлари қуёш нурида ялтираб кетди. Лекин мен шеринининг исми кўпроқ қизиктирар эди. «У» бошини бир томонга хил элганча, кўзлари билан ер чизиб турарди.

— Дугонангизиники-чи?— сўрадим Наимадан.

— Биз ҳам ҳали танишганимиз йўқ, ҳозир учрашиб қолдик. Ўзи айта қолсин.

У яна ўша кунги одати бўйича менга ялт этиб қаради ва шивирлагандай исминини айтди, бироқ бу шивирлаш назаримда жон олгувчи қудратга эга эди.

— Дилбар...

Унинг кўзлари ҳамон ғамгин боқарди. Кўзлари кулса ҳам, вужуди кулмаётганини сезиш мумкин эди. Эҳтимол характери шунақадир ё бирон сир бордир...

Улар имтиҳонга тезроқ киритиб юборишнинг илтимос қилинмоқчи экан. Бажонидил розилик билдирдим.

Имтиҳон бошланди. Наимани имтиҳонга киритиб юбордим-да, Дилбарни сиз кейинроқ кирарсиз, деб олиб қолдим. Уримга бир болаин тайинлаб қўйиб, иккимиз бўш аудиториялардан бирнга кирдик. У ёш боладай итоаткорлик билан эргшиб борарди. Мен унга озроқ консультация бермоқчи эдим. Лекин у мендан кўпроқ нарса билладигандай туюлди, назаримда. Нимани сўрасам тўхтамасдан, аммо шошмай, дона-дона қилиб жавоб берар, грамматик таҳлилни ҳам беҳато бажарарди.

— Консультацияга ҳожат йўқ шекилли,— ҳазиллашдим.

— Ҳадеб имтиҳон топширавергандан кейин уста бўлиб кетаркансиз-да,— кулди у.

Маълум бўлишича, бу йил учинчи марта университетга кириш имтиҳони топшириши экан. Икки йил кундузгига ҳаракат қилибди. Бўлмабди. Ҳар гал конкурсдан ўтмай қайтиб кетар экан. Бундан икки ой бурун отаси

вафот қилибди. Шунинг учун бу сафар сиртқиға топширибди. Ўзлари Фарғонанинг чекка бир қишлоғида туришаркан. Мен бу йил албатта ўтасиз, деб унга таскин бердим.

— Сиз ёрдам берсангиз...

— Албатта, қўлимдан келганича...

О, унинг шаҳло кўзлари... Ўзи кулмаса ҳам кўзлари табассум билан порлар эди. Ҳозир ҳам узун-узун киприкларини орасидан ёш сизиб, миждаларини намлаб турибди-ю, аммо кўзлари кулимсираяпти. Мен бу қадар жозибали кўзларни ҳеч қачон учратмагандим.

Мен унга продали бўлиш керак деб насихат қилган бўлдим. Тарихдан, шоирлардан мисоллар келтирдим. Чеҳраси ёришди. Шу билан орамизда қандайдир яқинлик юзага келгандай бўлди.

— Мана, роса тайёрландик,— дедим мен кулиб, эшикка йўналар эканмиз,— энди бемалол, баланд руҳ билан кираверсангиз бўлади. Ҳа айтгандай, тўрт қониктирдими?

— Агар тўрт бўлиб қолса... у ёғини кейин айтаман...— у ҳам кулди.

— Бўпти, келишдик.

— Мен чиққунча кетиб қолманг яна, ҳар замон-ҳар замонда кўриниш бериб туриг, далда бўласиз.

Дилбар кириб кетгач, эшик ойнасидан кузатиб турдим. У стол устига тескари қилиб қўйилган билетлардан бирини олиб, ўтирди. Чеҳраси очиқлигини кўриб, кўнглим равшан тортди. Шундай бўлса ҳам, «бардам бўлинг» дегандай нмо қилдим. У шаҳло кўзларини чиройли юмиб очди-да, бошини аста қимирлатиб, «хотиржам бўлаверинг» деган ишора билан жавоб қайтарди. Унинг кўз юмиб-очиши шунақа чиройли, шунақа жозибали эдики, бутун вужудим ёқимли ҳисларга тўлиб, беихтиёр энтикиб юбордим. Ҳа, ўша дамлар жон ўртовчи лаҳзалар эди. Унинг киприкларини учида ўйнаган табассум жилваларини ҳали ҳамон эсласам қалбимни ларзага солади. Ушан-

да унинг ичкаридан қандай отилиб чиққани, қанчалик хурсанд ва бахтиёрлигини кўрганингиздами... Табриклаш учун узатган қўлимни шундай қаттиқ қисдикни, бармоқларим қисирлаб, зирқираб кетди. Оппоқ, юмшоқ бармоқларда шу қадар куч мужассам бўлажасига ҳанузгача ақлим бовар қилмайдн. Тўғриси, қучоқлаб олишига ҳам сал қолганди ўшанда, одамлардан истиҳола қилди. Кейин «ҳай-ҳай»лашимга қарамай қўлимдан тортиб пастга судраб кетди. У беш олган, худди «ўқишга қабул қилиндингиз» деган буйруқни эшитгандай ўзида йўқ шод, тўлқинланиб, тўлиб-тошиб сўзларди. Унинг чиройи очилиб, янада гўзаллашиб кетганди. Кулганда садафдек текис, чинидай оппоқ тишлари кўз қамаштиргудай ярқираб кетарди.

Чорсу бозори орқали Пушкин боғига жўнадик. Йўл-йўлакай суҳбат жилловини у бошқариб борди. Фақат оиласи ҳақида ган очилганда яна бир оз маънос тортиб қолди. Ёлғиз онаси унинг йўлларига кўзи тўрт бўлиб ўтирганини айтиб хўрсиди. Мен ҳазил-ҳузул билан мавзунн ўзгартиришга уриндим.

— Неччига кирдингиз?

— Неччига кирганга ўхшайман?

— Дастлаб кўрганнмда ўн олти-ўн еттиларда бўлсангиз керак деб ўйловдим, лекин уч йилдан бери нмтиҳон тоншираман деб ҳайрон қилиб қўйдингиз.

Дилбар яшнаб, мароқланиб, пфтихор билан кулди.

— Шунақа ёнга ўхшайманми?— у бошини бир томонга хнёл эгиб, самимий айёрона ҳам ошкора мамнунлик билан менга тикилди.

— Ёш ҳам ганми, энди очилай-очилай деб турган қизил гул гунчасининг ўзгинаси.

— Вой-бўй, жуда ошириб юбордингиз-ку. Шонрмас-мисиз ишқилиб?

— Анча-мунча ёзиб тураман.

— Ҳа, шунақа денг. Унда муболагага ортиқча эрк

бериб юборманг-у, тўғрисиини айтиб қўя қолай: йиғирма
икки ёшдаман.

— Йўғ-э.. Мактабни ўн еттида битирган бўлсангиз...

— Икки йил ишлаганман.

— Э... Бари бир ўз фикримда қоламан. Мен учун ўн
етти ёшдасиз.

Биз боғнинг бир чеккасидаги ўриндиқда ўтирардик.
Дилбар сочининг бирини олдиға ташлаб ўйнаб ўтирар,
сочининг жингалак учлари ерга тегай-тегай деб турарди.
Мен унинг аскардай саф тортиб турган кириқларига,
оппоқ бўйнига, момикдай билакларига, бежирим бурни,
силлиқ ва тарап, нимранг лабларига тез-тез ўғринча қар
аб қўярдим. Дилбарнинг мунис ва меҳрибон боқиши,
болаларча соддалик билан кўзларини жавдиратиб тури
ши, тўла, келинган қомати, суратдай чеҳраси мени тамо
мла лол қилиб қўйган эди.

Боғнинг пастки томонида оқаётган ариқ бўйига туш
дик. Сув сенишдик, қувалашдик. Бир маҳал у қўлини
мушт қилиб олди-да, «агар очиб олсангиз, кафтимда сизга
ағалган бир парса бор», деб қолди. Бироқ мен ҳар қан
ча уринмайин, бармоқларини ёза олмадим. Тўғриси, но
зик ва латиф бармоқларига озор етказиб қўйишдан чў
чиб, ортқича куч ишлатгим келмади. Охири ўзи очди.

— Ҳеч парса йўқ-ку?

— Агар ўзингиз очиб олганингизда кўрардингиз,—
у мугамбирона жилмайди.— Энди кетдик.

У Горький кўчасида, узоқ бир қариндошлариникида
яшаётган экан. Кузатиб қайтдим.

Ҳар куни йилдай туюлган яна бир ҳафта ҳам ўтди.
Ўшанда вақтинг кечини қанчалик қийин бўлганини ёл
ғиз ўзимгина биламан. Мен ўзимга ўхшаган бекорчилар
ни топиб олиб, кул бўйи шахмат ўйнаш, кунлар орасидаги
масофани қисқартириш учун кечқурун барвақт ётиб, эр
талаб кеч турмоқчи бўлардим. Аммо аксига олиб,
алламаҳалгача уйқум келмас, азонлаб уйғониб кетар
дим.

Бу гал у меңдан олдин келибди. Унинг факультет эшиги ёнида бир ўзи, бир қўлида китоб-дафтар, иккинчи қўлида банди узун қизил гулни айлантириб ўйнаганича, йўл қараб турганини кўриб юрагим орзиқиб кетди. Менга кўзи тушиши билан унинг ҳам қуралай кўзлари чақнагандай бўлди. Қадрдонлардай қўл бериб кўришдик. Назаримда у бугун тамоман очилиб кетгандай эди. Гулли оқ крепдишин кўйлагига ўйнаётган қуёш нурининг акси юзларига жило бераётганидан яноқлари яна ҳам оқариб, тиниқлашгандай, оқ ранглар ичида қош-кўзларининг қоралиғи янада бўртиб тургандай эди. У мени бениҳоя мулоғим ва майин, фароғатбахш табассум билан кутиб олди. Бу табассум жуда самимий ва табиий эди. Оддий кийиниши, ўзининг соддалиғи, бўёқсиз лаблар ва кўзларнинг латофати, жозибаси безовта қалбим қаърида тилпирчिलाётган туйгуларимни жўштириб юборди. Шундагина Дилбарнинг мени мафтун қилган фазилатлари — ундаги соддалик ва табиийлик эканлигини сезиб қолдим. Йигирма икки ёшгача гул юзларига губоринмаганлиги, ўйноқи ҳисларининг тиниқ ва мусаффолиғи унинг ёшлик, гўзаллик бир умр тарк этмайдиган қизаёллар тонфасидан эканлигидан далолат берарди.

Мен ана шундай маъсума қизнинг меҳрига ва ҳурматига сазовор бўламан деб сира ўйламаган эдим. Ҳозир унинг менга майли борлигини кўп йиллардан бери ана шундай соҳибжамолга орзиқиб юрган ошуфта йигитлик юрагим баралта сезиб турарди. Мен ана шу лаҳзанинг ўзидаёқ унга дилроз этишга тайёр эдим. Лекин ҳали эрта, деган мулоҳазага бориб ўзимни тийдим.

Дилбар тарихдан «тўрт»га топшириб чиқди. У ҳаяжонланар, бахтиёрлигидан ўзини қўярга жой тополмаётгани аён эди. Томирлари гуп-гуп уриб турган ва қизиб кетган кафтларини авайлабгина қисдим. Бир сония нигоҳларимиз тўқнашди. Унинг дилбар кўзлари кўп, жуда кўп нарсаларни ваъда қилаётгандай, ўзининг бутун ҳароратини бағишлашга ҳозирдай эди. Мен бу нигоҳлар-

дан пазокат ва нафосат, ҳаёт ва муҳаббат китобиини ўқигандай бўлдим.

Биз сўзсиз юриб кетдик.

Шу кунн узоқ айландик. Даставвал Инқилоб хилбоянига ўтдик. У ерда учта гул — иккита очилган ва битта гунча сотиб олдик. Дилбар «нега учта олдингиз» деб сўраган эди, мен «ўзингиз ўйлаб тоингиз» деб жавоб бердим. У қизарибди... Гулларни тўйиб-тўйиб, симириб-симириб ҳидлади, сўнг менга тутди. Кейин пилда машҳур ошиқлар сайргоҳи Анхор бўйига келдик. Дилбар ариққа қуюлаётган булоқни кўриб, сув ичгиси келиб қолди. Қиргоқ тик бўлиб, пастга тушини мушкул эди. Бир амаллаб тушдим-да, ҳовучимда сув олиб Дилбарга тутдим. У бир қўли билан кўйлагини барини орқага тортиб энгашган эди, бир ўрам сочи елкаси узра ошиб тушиб билангига, пешонасидаги яккам-яккам зулфин юзларимга тега бошлади. Баданим жимирлаб кетди, қўлларим қалтираб, сувни тўкиб юбордим. Лекин у меннинг ҳолатимни сезмади, атай қилди деб ўйлади.

— Алдоқчи! Боринг, ичмайман сувингизни.

Мен атай қилмаганимга аранг ишонтирдим. Бир неча марта ҳовучимни тўлдириб сув олдим. У мириқиб ичар, мен эса унинг гавдасини бир оз олдинга ташлаб, қанотларини ёзиб парвозга шайланган қушдай туришини, хазинак олмадай бўртиб турган каптар бўйин томоғининг килкиллашини завқ билан томоша қилардим. Охири сафар ҳовучимдаги сувнинг ярмини ичиб, қўлимни силтаб юборган эди, сув кўйлагимга тўкилди. У қиқирлаб қочди. Мен қўлимдан тортиб қўйини илтимос қилдим. Дилбар қўлимдан тортди-ю, аммо қирғоққа чиқишим билан қўйиб юбориб яна қочди. Мен жаҳлим чиққандай жойимдан жилмай туравердим. Дилбар йиғирма қадамча нарида тўхтади.

— Қани, етиб олинг-чи.

Индамай, жўрттага қовоғимни солиб олдим.

— Қичқиласини сувга ташлаб юбораман,— Дилбар

гулчага ишора қилиб, қиргоққа яқинланди. Чопиб бориб қўлдан ушлаб қолдим.

— Нега каттасини эмас, кичкинасини ташлаб юбораман дедингиз?

- Шундай демаганимда чопиб келмасдингиз-да.

— Ташласангиз, иккитасини ташланг эди...

— Йўқ, ташласам учовини ташлайман.— Дилбар сўзларининг қанчалик таъсир этганини билгани мақсадида кўзларимга тикилди. Бундай пайтда нима ҳам дейиш мумкин? «Қандай яхшисиз, қандай ақллисиз-а», дейишдан бошқа муносиб сўз тополмадим.

* * *

Кейинги учрашувларимиз ҳам ана шундай фароғат тўла дамларга бой, нашидали ўтди. Иккимизнинг айтарли жиддий ташвишимиз йўқ эди. Фақат Дилбар аҳён-аҳён муштипар онасини эслаб қўмсар, унинг ёлғизгина фарзанди, кўзининг оқу қораси эканлигини айтиб соғинар, хавотирланар, мандат комиссиясининг чўзилиб кетганидан ранжиб қўярди. Албатта, юрагининг бир чеккасида «яна олдинги йиллардагидай бўлмайди» деган ҳадик ҳам йўқ эмасди. Мен эса унинг ўқишга кирашига юз фоғиз ишонар ва ўзини ҳам ишонтирдим. Ахир учта фандан ўн уч балл олиш ҳазил гап эмас. Бундай натижа билан ҳатто кундузги бўлимга ўтиш мумкин! Шунинг учун мен хотиржам ва мандатнинг чўзилганидан бир қадар мамнун ҳам эдим.

...Мана, бугун йигирма бешинчи август. Мандат комиссияси бўлиши керак. Эрталаб Дилбар билан юрфак бинноси олдида учрашдик. Қабулхонада делоларни тартиблаштиришга озроқ ёрдам берган бўлдик. Мандатнинг соат ўн бирдан иккига қолдирилганини маълум қилишгач, кўчага чиқдик. Дилбар яна безовталана бошлади, оҳиста хаёлчан қадам ташлар, кўзлари ҳам сал хира тортган, шўхлиги, жўшқинлиги йўқолган эди. Дам-бадам

дили ғашлигини айтиб зорланарди. Мен унга таскин бериш, кулдириш учун анча ҳаракат қилдиму лекин дуруст натижа чиқаролмадим. Дилбар ўта қатъиятли қиз эди — сал нарсага жаҳли чиқиб, салга очилиб кетавермасди. Соат иккида қайтиб келдик. Бироқ мандат яна сурилган — соат бешга кўчирилган эди. Ўтириб кута бошладик. Дилбарнинг энди ҳеч қаёққа жилишга райи йўқ эди. Бино ичи тўс-тўпалон. Ғала-ғовур. Абитуриентлар бири уёққа, бири буёққа югурган, нималарнидир ўзларича муҳокама қилишган, ўтамизмикин-а, дея бир-бирларига савол беришган, мандатнинг бўлавермаганидан жиғибийрони чиққан, айримлари ҳатто сўкинган... Ҳаммасининг юраги така-пука, кўзлари бесаранжом, овозларида саросима. Баъзан бир нечаси тартибсиз тапир-тупур қилиб коридорнинг у бошидан бу бошига ўтишади, қабулхонадагилардан: «Мандат нимага кечиктирилди?», «Қачон бўлади», «Бўладими ўзи?» деб сўрашади. Қабулхонадагиларнинг баъзилари ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлади, айримлари эса бақириб, останада нари кетишларини талаб қилишади, эшикни тарақлатиб ёпиб қўйишади. Яна очишади, яна сўрашади, яна ҳайдашади...

Мандат соат бешда ҳам бошланмади. Яна икки соат кейинга қолдирилди. Лекин еттида ҳам бўлмади. Кўпларнинг очликдан силласи қуриди. Кўнгил бир ёқли бўлмагунча овқат ўтадими? Айниқса ёш-ёш жувонлар безовта бўла бошлади.

— Эмизикли боламни ташлаб келувдим.

— Овқат пиширишим керак эди.

— Хўжайин бугун улфатларини чақирмоқчийди.

Афсуски, «ҳолинг нима» дейдиган кимса йўқ эди. Биз ҳам уларга ҳар замон-ҳар замонда ачиниш билан назар ташлаб қўярди-гу, ҳамдард бўлолмасдик. Дилбар ҳам уҳ торта бошлади. Суҳбатимиз унча қовушмай қолган эди. Бунинг устига айрим абитуриентлар мендан ҳам мандатнинг нега бўлмаётганини сўрашар, сиз айтсангиз-

чи, деб илтимос қилишарди. Уларга мен ҳам, қабулхонадагилар ҳам оддий, кичик одамлар, уларнинг раҳбарлари, катталари келиши керак, шуларнинг дараги йўқ деб, изоҳ беравериб безор бўлдим. Лекин секин-аста гўё бу ишда менинг ҳам айбим бордек, хижолат бўла бошладим. Дилбарнинг сўзсиз илтижолли нигоҳларидан кўзимни олиб қочишга уринардим. Бу нигоҳлар сизнинг қўлингиздан ҳеч нарса келмаслигини, оддий студент эканлигингизни тушунаман, хижолат бўлманг, деяётгандай туюларди менга.

— Сиртқиларга шунақа наст назар билан қарашадими? — бирдан сўраб қолди у.

— Ҳар доим бунақа бўлмайди. Фақат шу сафар...

— Мен уч йилдан бери кўряпман-ку...

Мен жавоб ўрнига аламли кулмисираб, сўзларимни қисқартирдим. Дилбар гапида давом этди:

— Қабул қилиши шунақа бўлса, ўқини қандай бўларкин?

— Уёғи ҳар кимнинг ўзига боғлиқ,— мен жавобнинг ўрни келиб қолганидан анча дадиллашдим. Аммо у обдан ўйлаб, пишитиб гапирмоқда эди:

— Бари бир ўқитувчилар дарс бериши, ниманидир ўргатиши керак-ку? Ҳар ким ўзи ўқиб, ўрганиб олаверадиган бўлса шунча қийинчилик, азобу изтиробларнинг нима кераги бор? Фақат диплом олиш учунми?

Мен «эҳ, бунчалар соддасиз, Дилбар...» демоқчи бўлдим-у, аммо бусиз ҳам ҳилвираб турган руҳини тушириб, кузги баргдай титраётган қалбига зарба бергим келмади. «Ҳа, диплом учун...» деб қўя қолдим. Дилбарнинг жавобимдан қониқмаганини сезиб турибман. У ишдамай қолди. Деразадан кетаётган-келаётган одамлар тўдасини томоша қилмоққа тутинди. Бироқ, аслида унинг кўзлари маъносиз боқарди. Энди унинг ҳолати менга ўтди. Юрагим қисила бошлади. Мен «ҳозир келаман» деб ўрнимдан турдим-да, биринчи қаватга тушдим. Бир йиғитдан сигарет сўраб олиб, энди туташтирган эдим, эшикда Дилбар

кўринди. Мен унга чекмайман деган эдим, яширишининг нложи бўлмай қолди.

— Мени алдагани уялмадингизми, — эркаланиб гапирмоқчи эди-ю, овози ўзи истамаган ҳолда бошқачароқ чиқди, табассуми ҳам ярим очилган лабларининг икки четида поёнига етмай қотиб қолди. — Иродангиз меникидан ҳам бўшми дейман, — у яна ҳазилни давом эттирмоқчи бўлди, аммо сохтагарчиликни эплай олмаслиги сезилиб қолди.

— Жуда бошим оғриб кетди, — баҳона қилдим мен. Кейин қўшиб қўйдим: — Ҳозир чиқаман. — Бу — мен бир оз холи қолдиринг, деганим эди. У тушунди.

Бир неча кундан бери чекмаганим учун сигарет жуда ширин татиб кетди. Симириб-симириб, лекин бамайлихотир чекиб, анча туриб қолдим. Дилбар яна тушди.

— Бўлди, ташланг энди. — У менинг ташлашимни ҳам кутмай, тугаб қолаёзган сигаретни қўлимдан олиб, папирос қолдиқлари уюлиб ётган бурчакка ташлади-да, сутранг туфлисининг учи билан эзгилади.

— Қани, юринг энди.

Мен итоаткорлик билан унга эргашдим.

— Мени хафа бўлади деб ўйламанг, бунақа кутишларга, бунақа изтиробларга кўнгикиб қолганман. Фақат сизни қийнаб қўйганимдан хижолатман. Бошингиз ҳалиям оғрияптими? Қорингиз ҳам роса очгандир? Кетаверсангиз ҳам бўларкан.

Дилбар осойишта ва хотиржам сўзларди. Аммо негандир, унинг сўзлаш оҳанги менга эриш туюлди. Чунки менинг тасаввуримдаги ўн етти ёшли қиз бундай гапларни шу тарзда айтмаслиги лозим эди. Мен бир нарсалар деб бўлдираган бўлдим.

Ниҳоят, мандат бошланди. Деканининг сиртқи бўлимлар бўйича ўринбосари (исм-фамлияси ёдимда йўқ) мандат комиссиясининг қарорини, сўнг конкурсдан ўтганларнинг рўйхатини ўқиб эшиттира бошлади. Ҳамма юрагини ҳовучлаганча, вужуди қулоққа айланиб, бени-

ҳоя интизорлик, интиқлик билан ўз номларини кутар, умидвор кўзларининг бор куч-қуввати, нури билан декан ўринбосарининг оғзига тикилиб туришарди. Секин-аста енгил энтикишлар, ғурурли томоқ қиришлар, сассиз чапаклар қулоққа чалина бошлади. Ҳадемай қанча фамилиялар ўқилиб кетди. Аммо Дилбарнинг номи чиқмасди. Рўйхат ҳам тугадн. Дилбарнинг юзлари аввал қизарди, кейин бирдан оқариб, турган жойида титраб кетди-ю, бироқ дарҳол ўзини тутиб олди. Қий-чув, тўс-тўполон бўлиб кетди. Номи чиқмаганлар гувиллашиб, қабулхона эшигига ёпирилишди. Дилбар ҳамон карахт бўлган одамдай жойидан қимирламасди. Коридорнинг ўртасида иккимизгина қаққайиб туриб қолдик. Мен унинг кўзларига қарашга ботинолмас, ҳозир йиғлаб юборади-ю, чопганича ўзини қабулхонага уради, деб ўйлардим. Йўқ, у йиғламади, ҳеч қаёққа югурмади ҳам.

— Юринг, кетднк,— у мажолсизгина, қарийб пичирлаб, енгимдан тортди. Шундагина мен ўзимга келдим.

— Шошманг, мен ҳозир суриштириб чиқаман. Бундай бўлиши мумкин эмас! Ахир ўн уч балл билан-а?!

— Менга ҳам шунисн алам қияпти. Ўн, ўн бир балл олган қизлар ҳам ўтишди. Лекин ҳозир фойдасиз. Ҳалиги одам бу мандат ҳали узил-кесил эмас, яна бўлади, деди-ю, ажабмас...

Менинг ҳам бирон нарсасага эришишимга кўзим етмасди. Дилбарнинг фикрига қўшила қолдим. Секин-секин қадам босиб, пастга тушиб кетдик. Йўлда ҳам деярли сўзлашмадик. Мен унинг иродасига, сабр ва матонатига қойил қолиб борардим. Агар унинг ўрнида бошқа қиз бўлганда борми, аюҳаннос солиб, ҳаммаёқни бошига кўтарарди. У эса шундай бўлиши табиийдек, хотиржам, бир маромда одим ташлаб кетяпти. У яна менинг овқат емаганим ҳақида гап очди. Мен бу гал унинг меҳрибонлиги, олижаноблиги, саботлилигини айтишдан ўзимни тия олмадим.

— Умидсизликка тушманг, Дилбар, эртага албатта

сўриштирамиз, сиз албатта ўқийсиз. Бу ерда қандайдир англашилмовчилик юз берган бўлиши керак.

— Эҳтимол... яна ким билади дейсиз... Айтинг-чи, Камол ака, ҳозирги пайтда одам ўқишга ўз кучи билан кириши мумкинми? Қишлоқда менга айтишарди...

— Нега мумкин эмас? Мана, мен...

Бу сўзларнинг оғзимдан қандай чиқиб кетганини билмайман. Эсласам, ҳозир ҳам баданларим увишиб, совуқ тер чиқиб кетади.

Дилбар аввал худди мандат бўлган кундагидай титради, кейин ранги оқариб, шалвираган қўллари билан дераза раҳини ушлаб қолди.

— Сиз бошқа гап...

Дилбар ортиқ сўз демади. Мен ҳам, фақат хайрлашиш олдидан қизара-бўзара, тутила-тутила эртага қабулхонага боражамми айтдим.

Шу оқшом кечаси билан ўзимни койиб, азобланиб чиқдим. Дилбарнинг дилига озор етказганимга, унинг мендан қаттиқ хафа бўлганига ишончим комил эди. Бироқ у эртасига қабулхонага келди. Келганда ҳам, ҳеч нарсга бўлмагандек, очиқ юз билан, хушчақчақ ҳолатда кириб келди. Афтидан кечқурун айтган сўзларимнинг беихтиёр чиқиб кетганини англаган ё хафа бўлса ҳам, кечирган, унутган эди. Мен баттар ўсал бўлдим. Гўё унинг тантанавор кайфияти менинг ожиз ҳисларим устидан кулаётгандек эди. Аслида гумонларимнинг беҳуда эканлигини унинг кейинги муомалалари равшан қилиб қўйди.

Қабулхонада йигирма саккизинчи кун қайта мандат бўлишини айтишди. Шундан кейингина биздаги умид шамол кулини учуриб кетган чўғдай яна яллиғлана бошлади. Орадаги дилхиралик ҳам бир қадар барҳам топди.

Белгиланган кун яна қабулхона-ю, коридорлар абитуриентларга тўлди. Бу гал ҳам ўтган сафардагидек мандат соат ўн иккидан тўртга, кейин кечроққа, ундан сўнг эртасига қолдирилди. Бироқ, эртасига ҳам, индинига

ҳам мандат бўлмади. Биринчи сентябрь куни яна бир-икки кундан кейин мандат бўлиши эҳтимоли бор, дейишди. «Бир-икки кун» олти кунга чўзилди. Ва ниҳоят, олтинчи сентябрь куни мандат комиссиясининг қарори ўзгармаганлиги, мандатнинг бўлмаслигини билдиришди. Шундагина Дилбарнинг киириклариди ёш йилтиллагандай кўринди. Аммо у ўқиниға киролмагани учун эмас, онасини соғиниб, унга ачиниб, кўнгли бўшашиб кетган эди. У яна худди ўқишга киролмаган мендек, менга далда бера бошлади.

— Майли хафа бўлманг, ўқиши қурсин, кирмасам кирмабман-да...

Шундан кейин ётиб қолгунча отиб қол, қабилида иш тутиб, унамаганиға қўймай, уни деканнинг олдига бошлаб кирдим. Декан аввалиға индамай, ганимни бўлмай менга қулоқ солди. Кейин кўзойнагини қаншаридан олиб столға қўйди-да, гавдасини кресло суянчигиға ташлаб, ғуноҳкор одамдай остонада бошини қуйи эгиб турган Дилбарға бошдан-оёқ, бамайлихотир разм солиб чиқди, сўнг юзини менга ўгириб, ниҳоятда совуққонлик ва бепарволик билан деди:

— Бу қиз кимингиз бўлади?

— Ҳеч кимим, фақат шунчаки таниш, домла...

— Шунчаки таниш денг? Муддаонингиз?

— Муддаоним... Шу қизнинг жойлашиб қолишиға ёрдам берсангиз девдим, домла, агар пложи бўлса... Уч йилдан бери келар экан...

— Уч йилдан бери денг, ҳе, беш йил, олти йилдан бери келаётганлар бор, укам. Чидаганға чиқарган.

— У имтиҳонлардан яхши ўтди. Менимча бу ерда қандайдир англашилмовчилик бўлган.

— Англашилмовчилик? Қанақа англашилмовчилик?— Декан ўрнидан қўзғалиб, креслони олдинға сурди ва тирсақларини стол раҳиға қўйиб, менга астойдил ва жиддий тикилди, бароқ қошлари чимчирилиб, лаблари пир-пиради, бурун катакларни кенгайиб кетгандек бўлди.

Мен бир лаҳза саросималаниб қолдим. Бироқ модомики, кўкрак кериб келдимми, энди чекинмаслигим керак. Таваккал қилдим.

— Ахир, домла, ўн бир, ҳатто ўн балл билан ҳам ўтишдию...

— Ўн балл билан? Қим ўтибди?— Деканнинг қошлари чимирилди.

Мен ишни хом қилганимни тушундим. Буёғини яхшироқ суриштириб олмаган эканман. Қаловланиб Дилбарга қарадим.

— Хўш, гапиринг йигитча?— Декан тантана қилаётгандай истеҳзоли кулимсиради. Жонимга Дилбар ора кирди:

— Мен билан топширган бир-иккита қизлар...

— Ҳм...— декан бир оз сукут сақлаб туриб қолди. Мен кўкрагимга шабада теккандай сал дадилландим. «Энди илиндиёв...» деб ўйладим. Декан яна Дилбарга юзланди:

— Қаердан келишган экан?

— Сирдарёдан, Хоразмдан...

— Ўзингиз қаерликсиз?

— Фарғоналикман.

— Ҳм, мана гап қаёқда!— Декан калаванинг учи топилди, дегандай қўлидаги қаламнинг орқасини столга секин уриб қўйди-да, креслога чўкди.— Бу — сир эмас, айтишим мумкин. Сиз, дипломант укам, шу чоққача беҳабар бўлсангиз, билиб қўйинг. Ҳар қандай колхоз, муассаса ёки корхонадагидай бизда ҳам план бор. Ҳар бир областдан белгиланган миқдорда бола қабул қилинади. Ўзимиз билганча биридан ўнта, бошқасидан йигирмата олишга ҳақимиз йўқ. Бу қизингиз ўтолмаптимиз, Фарғона областининг нормаси бажарилган экан. Энди тушунарлидир?

Яна чидаб туrolмадим. Бешинчи курсдаман-ку, энди нима қилга оларди, деган мулоҳаза билан фикримни айтишга жазм қилдим.

— Кечирасизу домла, ахир бир одам имтиҳонларни яхши топширса, уқуви, қобилияти бўлса-ю, пландан ортиқча деб қолиб кетса, кимдир планни тўлдириш учун аранг илашиб ўтса...

Аммо мен яна хатога йўл қўйгандим. Сўзимни тугатмасимданоқ декан ўрнидан сапчиб туриб кетди:

— Ҳой бола, ўзингнинг қандай ўқишга кирганинг эсингдан чиқдими? Ўша илашиб ўтганлардан бири ўзинг-ку! Энди тилинг бийрон бўлиб қолдими?! Агар биз сени ўқишга олиб хато қилган бўлсак, ҳали ҳам тузатишимиз мумкин! Ўқишни ҳам қойил қилиб қўйганинг йўқ! Аллақандай қизлар, хотинларнинг орқасидан элчиб юргунча диплом ёзишни ўйлаш керак! Ҳали олдинда госэкзамен турибди!

Миям лўқиллаб, қалтирай бошладим. Дилбар ҳўнграганича ташқарига отилди. Унинг орқасидан мен ҳам ўзимни эшикка урдим. Аммо кўчага чиққач, Дилбарнинг яшиндан қочгандек чопиб кетаётганини кўриб, тўхтаб қолдим. Ҳозир унга қайси юз билан қарайману, нима дейман? Тўғри ошхонага бордим, икки стакан винони бегазак ичиб юбордим. Ҳаммаёғим қизиб, вужудим ловиллаб ёнаётгандек эди.

Шу куни кечгача кўчаларда тентираб юрдим. Дилбарни декан олдига бошлаб кирганимга минг бор пушаймон едим. Хиёбонларда бошимни чангаллаб у ўриндиқдан бунисига ўтиб ўтирдим, юрдим. Аммо бу афсуснадоматлар энди беҳуда — бўлар иш бўлган эди. Шу куни ётоққа қачон келганим ва қандай ухлаганим ёдимда йўқ.

Эртасига уни излаб бормоқчи бўлдим, яна юзим чидамади. Мен туфайли, бегуноҳ, бокира бу қизнинг ҳақоратланиши, «аллақандай... хотинлар...» қаторига қўшилиши унинг маъсума қалбини вайрон қилган бўлиши турган гап эди. Кейинроқ, сал совугач қишлоғига хат ёзаман, деган тасалли билан ўзимни овутдим. Сабрим чидамади, уч-тўрт кундан кейин унга узундан-узоқ уэр

айтиб, аҳвол сўраб, ором тилаб хат ёздим. Жавоб келмади. Бу орада уч-тўрт ҳафта ўтиб кетди. Ниҳоят қисқагина, ҳиссизгина ёзилган жавоб олдим. Дилбар бундан бир неча кун аввал бир йигитга унаштириб қўйилганини айтиб, бўлажак турмуш ўртоғининг ҳам ўзига ўхшаб ўқимаган, оддий колхозчи эканлигини алоҳида таъкидлаган (шу жойда ручкани босиб ёзганлиги сезилиб турарди) ва энди менинг ортиқча безовта қилмаслигимни сўраган, акс ҳолда ораларига раҳна солиб қўйишим мумкинлигини эслатган эди. Ичимда нимадир узилгандек, юрагим санчигандек бўлди. Бошим айланиб, кўзим тинди, беихтиёр эгилиб қолдим. Шу пайт туйқусдан кўтарилган шамол қўлимдан тушиб кетган хатни хас-хазонларга қўшиб, чирпирак қилиб учуриб кетди. Унинг орқасидан қувишга мажолим етмай, ўтириб қолдим...

Куз шамолининг вазмин ва бўғиқ, аммо таҳдидкорона увиллаши, тепамдаги ҳали қаддини тўла тутиб улгурмаган навниҳол чинор шоҳларининг зорланиб қисирлаши ҳушимни жойига келтирди.

— Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас! Энди курашаман! Декан тушини сувга айтибди. Ундан каттароғига кираман! Беш йилдан бери, йўқ, йўқ, ўн йилдан бери ҳақиқат ҳар доим тантана қилади, деб ўқиймиз. Ҳозиргача шундай бўлиб келяпти. Бу сафар ҳам шундай бўлади. Андишанинг отини қўрқоқ қўядиганларга кўрсатиб қўйиш керак!

Келажагимизга, бахтимизга, севгимизга кўндаланг бўладиган ғовларни мажақлаб, янчиб ташлаймиз, Дилбар!

Мен сени — шунча йиллар ўнгиму тушимда излаб, ногаҳон топган толе юлдузимни ҳеч кимга олдириб қўймайман, ҳеч кимга!

ЕРУҒ ЮЗЛАР...

Соддагина кийинган ўттиз ёшлардаги аёл пештоқига «Бош режиссёр» деб ёзиб қўйилган эшик дастасига қўл

узатган жойида бир дақиқа иккилашиб туриб қолди. Ёни-
верига қаради. Сўнг театр фоесидаги тошойна ёнига бо-
риб, ҳаворанг крепдешин қўйлагининг ёқасини тузатди,
қўлидаги газетага ўроғли семизгина папкани ва сумка-
сини ойна тумбочкасига қўйиб, гулли қора рўмолини
счиб, қайтадан ўради. Эшикка яқинлашдию бироқ яна
юраги дов бермади. Қўзларида саросималик, ташвиш
аломатлари зоҳир эди. Секин ичкарига қулоқ солди.
Ноаниқ товушлар эшитилди. Қўл ураётган иши гуноҳ
экаплигини бирдан сезиб қолган одамдай юраги тез-тез
уриб кетди ва дарҳол ўзини четга олди. «Олдида одам
бор экан, чқиб кетсин, кейин кирарман», хаёлидан ўт-
казди у. Қисқагина коридорда уёқдан-буёққа юра бош-
лади. Орадан анча вақт ўтди. Эшикка қарайвериб унинг
бўйнилари толиб кетди. Коридордан одамлар ўтиб турар,
айрим эркаклар унинг болдирларига, келишган қомати-
га ҳавас билан қараб қўйишар, аёлларнинг баъзилари
эса уни бошдан-оёқ кузатиб, мийиғида жилмайиб ўти-
шарди. Аёл ўз хаёли, ташвиши билан банд бўлгани учун
қараётганларга унча эътибор бермасди. Бир қур қайтиб
кетмоқчи ҳам бўлди. Бошқа куни келарман, деган хаёл-
га борди-ю, аммо бир неча марта келиб, режиссёрни учра-
толмаганини ўйлаб, кутишга қарор қилди. Узоқ жойдан
пул сарфлаб, вақт сарфлаб ҳадеб келаверишга имкон
қайда. Қолаверса бир-биридан шўх, энг каттаси ўн икки-
да бўлган тўртта боласини қўшни кампирга қолдириб
келган. Бечора кампирнинг энка-тинкасини қуритиб таш-
лашгандир...

Аёлга кутиш беҳудадай туюлди. Таваккал қилмоқчи
бўлди. «Бирорта бекорчи билан суҳбатлашиб ўтирган-
дир-да, қанчаям вақтини олардим, нарсамни қўлига топ-
шираману илтимосимни айтиб чиқаманда. Кейин менга
деса кечгача гаплашишмайдими». У шу ўйлар билан
энди эшикка қўл узатган ҳам эдики, ичкаридан қош-қўз-
ларини бўяган ёшгина жувон «лоп» этиб чиқиб қолди.
Пешаналарини бир-бирларига уриб олишаёзди. Аёл бир

қадам орқасига юриб, йўл бўшатди. Жувон қошларини кибор билан кериб унга хўмрайиб қаради-да, ўтиб кетди. Аёлнинг дили ғашланди. Ичкарига қадам қўйди. Дераза ёнида қўлларини шимининг чўнтагига солиб ғоз турган режиссёр ойнадан ташқарини кузатарди.

— Ассалому алайкум!...

Режиссёр кескин бурилиб аёлга юзланди.

— Э-э, келинг, келинг хоним, қадамларн қутлуг келгай, марҳамат, буёққа ўтинг.

Аёл аста юриб режиссёр ўнг қўлини чўзиб кўрсатиб турган ўриндиқнинг бир чеккасига омонатгина ўтирди.

— Хўш, Хайринисо, соғлиқларингиз яхшими? Болаларни қийналмай катта қияпсизми? Андай хафахолроқ кўринасизми?— режиссёр бир дақиқа сукут сақлади.— Ҳа, сизга қийин бўлди, жабр бўлди. Ҳали ўн гулдан бир гули ҳам очилмаган ёш нарса шундай бир мусибатга дучор бўлиб ўтирса-я. Табиатнинг ноодиллигидан ҳам жуда хафа бўлиб кетаман-да, баъзан.— Ярасига туз сепаётган бу гапларни эшитиб, кўнгли бўшашиб кетган Хайринисонинг узун-узун, қора кирикларинда ёш томчилари йилтиллаб бошлади.

— Ҳай, ҳай, Хайринисо, сизга нима бўлди? Йиғламанг, хафа бўлмаг. Йиглайвериб, куюнавериб ўзингизни анча олдириб қўйибсиз. Авваллари кўзларингиз чарақлаб турарди... На чора! Бу ҳаммамизнинг бошимизда бор савдо. Ўлим ҳақ. Табиатнинг азалий ва абадий қонуни. Лекин эрингиз — марҳум Мансур Мўмин ажойиб инсон, талант-ли драматург эди. Биз унинг ҳаётини сақлаб қолишимиз керак эди, сақлаб қола олмадик. У бизга кўпгина пьесалар ёзиб беришни ваъда қилиб юрарди. Репертуаримиздаги биргина «Менинг қишлоғим» драмаси ҳанузгача театримиз обрў-эътиборини таъминлаб келмоқда. У ҳали-ҳамон томошабинларимиз тилидан тушмайди. Ёш кетди раҳматлик, увол кетди! Ўлимга чора йўқ экан. Жаҳон медицинаси ҳозир зўр бериб, бевақт ўлимнинг олдини олиш устида бош қотирмоқда. Лекин, билмадим...

Хайринисо қирра бурнининг икки ёнидан сизиб тушаётган кўзёшларини артиш учун дастрўмол олиш мақсадида сумкасига қўл солди. Аксига олиб, рўмолчаси эсидан чиқиб қолган экан. У юзини кафти билан сидириб ташлади. Унинг бу ҳолатини кузатиб турган режиссёр ёшига ва гавдасига номуносиб эпчил бир ҳаракат билан Хайринисо ёнида пайдо бўлди ва чўнтагидан тахлоғли оппоқ рўмолча чиқариб унга узатди.

— Олинг, тортинманг. Янги. Ишга келаётиб магазиндан олганман. Ҳали тутганим ҳам йўқ эди.

Хайринисо бир рўмолчага, бир режиссёрнинг юзига қараб ҳайрон бўлиб турган эди, режиссёр рўмолчани унинг қўлига зўрлаб тутқазди.

— Унақа қилманг, бу ер идора. Биронтаси кириб қолса... Одамлар ҳар хил. Айрим тушунмайдиган, оғзи билан юрадиганлар ёмон хаёлга бориши мумкин. Қолаверса сиз ёш ва иродали жувонсиз. Худога шукур қилинг, гулдай ўғил-қизларингиз бор, ҳадемай ёнингизга кириб қолишади. Бошингизни баланд тутиб юрсангиз арзийди. Ҳа, бардам бўлинг. Сизга битта акалик насихатим — эрингизнинг руҳини шод қилинг, садоқатли бўлинг.

Хайринисо рўмолчани режиссёрга қайтариб берар экан, эшнтилар-эшитилмас «раҳмат» деб қўйди ва оғир хўрсинди.

— Ҳа, дарвоқе, менга бирор гапингиз бормиди? Мабодо ёрдам-пордам керак бўлса бемалол айтаверинг. Марҳум дўстим ҳурмати қўлимдан келганича ҳаракат қиламан. Қўлингиздаги нима?

— Ҳа, шу... дўстингизнинг охири асари эди. Раҳматли ўлими олдидан: «Мана шу драмани театрга топширсанг, сахнага қўйилиб, халққа етказилса, сендан рози бўлардим», деб васият қилган эди. Шунини кўчиртириб олиб келувдим...

— Ана, айтмадимми, эрингиз ниҳоятда олижаноб, халқпарвар инсон эди. Кўряпсиэми, ўлими олдида ҳам

халқини ўйлаган. Драма ёзаётганидан хабарим бор эди, лекин мен уни чала қолиб кетганмикан, деб ўйловдим. Ҳайтовур битказиб, кўнгли жойига тушиб кетган эканда, раҳматли дўстим. Кўчиртираман деб анча овора бўлгандирсиз. Қўлёзма ҳолида олиб келсангиз ҳам майли эди, ўзимиз кўчиртириб олардик. Анча пул ҳам кетгандир. Қани, буёққа олинг-чи...

Хайринисо «Нимасини айтасиз, эллик сўмдан ортиқ кетди», демоқчи бўлди-ю, «Ҳа, кетди, ҳаммасидан ҳам машинистка топиш қийин бўлди», деб қўя қолди. Сўнг папкани режиссёрга узатар экан, хаёлидан «яхши одам экан, ишим ўнгидан келадиганга ўхшайди, раҳматли эримнинг руҳи олдида юзим ёруғ бўладиган бўлди», деган фикрлар ўтди.

Режиссёр аввал папканинг уёқ-буёғини ағдариб кўрди. Кейин ичини очиб «Воҳ!» деб юборди. Хайринисо бир чўчиб тушди, ёқасини хиёл очиб кўксига «туф-туф»лади. Режиссёр қандайдир илинж билан унинг сийнаси томон бир кўз ташлаб олди (Хайринисо буни сезмади) ва жойлашиб ўтираётгандай ўрнида бир қимирлаб қўйди.

— Дўстим зап мавзуларни топар эди-да!

Режиссёрнинг ҳаяжон билан айтилган бу сўзларидан кейин Хайринисонинг кўнгли жойига тушиб, ишининг баторидан келажагига ишончи орта борди.

— Қаранг,— режиссёр овоз чиқариб, чўзиб ўқий бошлади:— «Васият...» Ажойиб, жуда ажойиб! Икки парда уч кўринишли... Қат-на-шув-чи-лар... Дўстим сизга «Васият»ни васият қилиб кетган эканда... жуда соз, хоним кечирасиз, Хайрихон, буни олиб келиб савобли иш қилибсиз. Виз ҳам ҳаракат қиламиз, хотиржам бўлаверинг. Ўқиб чиқайлик, ўртоқлар танишиб чиқишсин, кейин, бизда бадний совет деган нарсаси бор... Сиз хавотирланманг, ҳар ҳолда, юз фойиз бўлмаса ҳам тўқсон тўққиз фойиз ншонтираман. Мансур Мўминий ёмон асар ёзган бўлиши мумкин эмас.

Хайринисо иккинчи марта «хоним» сўзини эшитиб

пжирганди, аммо бплинтирмасликка уриниб ўрнидан турдн.

— Раҳмат, ўртоқ Розиков, бола-чақангизнинг орзу ҳавасини кўринг, яхшилигингизни унутмайман. Энди мен қайтай, уйда болалар ўзи қолишган эди, ҳаммаёқини тўзатиб юборишгандир.

— Нималар деяпсиз, Хайрихон, қанақа яхшилиқ ҳақида гапиряпсиз? Ахир бу менинг вазифам, дўстим ҳурматн... виждоний бурчим-ку! Майли кеч қолманг, фақат келиб хабар олиб туринг. Маслаҳатлашадиган, сўрайдиган жойлари чиқиб қолиши мумкин.— Розиков папкани ёпиб, бир чеккага сурпб қўйди-да, ўрнидан қўзғалди.

— Қачон келай бўлмаса? — Хайринисо илтижолн ва умидли кўзларини Розиковга тикди.

— Тахминан ўн кунлардан кейин бир хабар олинг. Ҳа, айтгандай, шошманг-чи,— Розиков икки қадам орқага тисарилиб, стол устидаги календарни варақлай бошлади.— Хўш, бугун сешанба, янаги ҳафтанинг жума куни келинг, шу кунларда репетициялар билан жуда ҳам бандман. Тушдан кейин келинг, чунки ўша куни эрталаб ҳам репетициямиз бор.

— Қайтишда кеч қоламан-ку, ўзингиз биласиз, биз томонга автобус кам қатнайди.

— Э, буёғидан ташвиш қилманг, худога шукур, театримизнинг машинаси кўп, олиб бориб қўйишади. Иш битса бўлди. Анча-мунча қийинчиликлар ювилиб кетади. Ҳали пьесага неча минг сўм пул оласиз, эҳ-ҳе...

Хайринисо эътироз билдирмоқчи эди, бир сўзли одам экан, деб индамади, қолаверса катта одамга гап қайтариш одобдан эмас, деб ўйлади, яна ишинг тушнб турган пайтда. «Пул учун келганим йўқ» дейишга чоғландию яна ўзини тийди.

Розиков тавозе билан Хайринисони олдинга ўтказиб, уни эшиккача кузатиб қўйди.

Хайринисо кўчага чиққанида кабоб ҳиди димоғига урилди. Шундагина у очиққанини сизди. Озроқ тамадди

қилиб олмоқчи ҳам бўлди-ю, болаларидан хавотирланиб, бир амаллаб уйга етиб олишга аҳд қилди. Бахтига автобус ҳам тайёр экан. Бўш ўриндиқлардан бирига ўзини бор оғирлиги билан ташлади. «Уф» тортди ва нчида «хайрият-эй», деб қўйди. Автобус силжиди. У хаёлга чўмди. Эри драматург Мансур Мўминовнинг юрак касали туфайли вафот этганига салкам бир йил бўлди. Хайринисонинг бирдан-бир пияти марҳум эрининг сўнгги васиятини мумкин қадар тезроқ амалга ошириш эди. Ҳар хил маросимлар, келди-кетдилар билан бўлиб, шу пайтгача қўли тегмади. Мана, энди бемалол эрининг йиллигига ҳозирлик кўрса бўлаверади. Қарз-ҳавола қилса ҳам ўтказиб олса бўлгани. Драмага пул беришса, қарзларидан қутулиб олади, болаларига яхши-яхши кийимлар олиб беради. Уларни ўқситмаслиги, отаси йўқлигини билантирмаслиги керак. Кейин ўзига ҳам қарайди. Ўзига қараб, нима, тилла тиш қўйдиармиди ё барра пальто олиб киярмиди. Қўпчилик қатори, биров эрмак қилмагудай юрса бўлди-да. Қанча пул беришаркин?

Аёл кейинги фикри учун ўздан жиркангандай титраб кетди. Хаёлини ўзгартирди. «Бечора Ориф ака яхши одам экан». У эри барҳаётлигида театр коллективининг уларникига зиёфатга бориб туриши ва Ориф аканинг уй тўрида ҳаммани оғзига қаратиб қизиқчилик қилиб ўтирганини кўз олдига келтирди. Лекин эри вафотидан кейин борганини эслай олмади. «Йўқ, бир марта борувди. Эҳтимол кейин ҳам боргандир-у, ташвиш билан бўлиб кўрмагандир. Раҳбар одам, иши кўп-да,—ўзига таскин берди у,—ишқилиб инсоф берсин-да...»

Хайринисо белгиланган куни соат учларда Ориф Рознқов ҳузурига кириб борди. Режиссёр унга дивандан жой кўрсатди, ўзи эса хонанинг у бошидан бу бошига юра бошлади. Қуюқ ҳол-аҳвол сўрашшдан кейин асосий гапга ўтди.

— Ҳўш, гап бундай Хайрихон, асарни ўқиб чиқдим. Менга асосан маъқул бўлди. Лекин шу... биласизми, баъ-

зи жойлари саҳнабоп эмас. Анча-мунча ўзгартишлар киритишга тўғри келади. Йўқ, йўқ, сиз заррача шубҳаланманг. Розиков бўлади деган нарса бўлмай қолиши мумкин эмас.— У Хайринисога яқинлашди ва чап қўлини унинг елкасига қўйди.— Ҳа, ҳа, сиз ишонаверинг, буёғи менинг қўлимда. Мен бир сўзли одамман. Марҳум дўстим Мансур Мўмин ҳурмати илтимосингизни бажо келтирмай қўймайман.

Аёл бир дақиқа саросимада қолди, сўнг диванга суянмоқчи бўлгандай гавдасини орқага ташлади. Режиссёр қўлини зудлик билан тортиб олди. У яна кўп гапирди. Мансур Мўминов билан чойхонада паловхўрлик қилишгани, унинг мард ва тантилиги, пок ва ҳалоллиги, бир-бирига нисбатан ниҳоятда ҳурматда бўлишгани, театр коллективи ҳам Мансурдан миннатдорлиги ва бошқа нарсалар тўғрисида узоқ сўзлади. У гап орасида тез-тез жувоннинг оппоқ, каптарнинг бўйнидай юмшоқ ва мулойим туюлаётган томоқларига, мармардай силлиқ юзларига зимдан кўз ташлаб қўярди. Аммо туксиз, бежирим болдирларига ярашмай турган бесўнақай туфлиси унинг бир оз ғашини келтирарди. Кейин у Хайринисодан «шу кунларда нима иш билан шуғулланыпсиз, ҳаётингиз қалай, камчиликлар йўқми», деб сўради. Хайринисо ҳамма нарса етарли эканлиги, эрининг йиллигига тайёрланаётганлигини айтди.

— Жуда яхши, ундай бўлса...— Розиков бирпас тараддуланиб туриб қолди. Кейин чўнтагидан бир неча тахи бузилмаган ўн сўмлик чиқариб жувонга узатди.— Мана буни олиб қўйинг. Биздан озгина ёрдам. Мансурнинг йиллигига сарфларсиз.

Хайринисо пулни олишдан қатъиян бош тортди:

— Йўқ, йўқ, ҳечам кераги йўқ. Ҳамма нарсамиз етарли.

— Олинг, хафа бўламан.— Розиков аёлнинг билагидан ушлаб, пулни унинг қаерига қўйишни билмай каловланиб қолди.— Қарзга бўлса ҳам олинг. Бир кунин-

ғизга яраб қолар. Пьесанинг пулидан қайтарарсиз. Шу пайтгача хабар ололмаганимдан юзим шувит бўлиб юрибман. Ҳижолатга қўйманг мени.

Аёлни режиссёрнинг «қайтарарсиз» деган сўзи икки-лантириб қўйди. Сўнг билагини унинг қўлидан тезроқ чиқариш учун пулни олди. «Бу одам бари бир олмаганимга қўймайди. Озроқ пул етмай ҳам турувди ўзи, пьесанинг пулидан албатта қайтараман», деб кўнглига тугиб қўйди ва ҳижолатдан юзлари қизариб, Розиковга раҳмат айтди.

Мансур Мўминовнинг йиллик маросимида Розиков бош бўлиб турди. Хайринисода унга нисбатан ҳурмат яна бир карра кучайди.

Жувон театрга яна бир неча марта қатнади. Бинога яқинлашган сари юраги орқасига тортадиган, одамлардан ийманадиган бўлиб қолди. Розиков ҳар гал уни қандайдир сабаб-баҳоналар ва нотайин умидлар билан қайтарарди. Бу орада улар қўл олиб кўришадиган ва Розиков аёлни тирсагидан тутиб эшиккача кузатиб қўядиган бўлди. Хайринисо бундай пайтларда қаршилик кўрсатишни ҳам, кўрсатмасликни ҳам билмас, қолаверса бундай муомалага ўрганмагани учун ўзини ноқулай сезар, оёқлари чалишиб-чалишиб кетарди. Кейинчалик, театрда қўлтиқлашиб юрганларни кўравериб, «бу ерда ўзи шундай юришади шекилли-да», деган хулосага келди. Эри тириклигида болалар билан уйда ўралашиб ўтиравергани, шаҳарга кам келганини ўйлаб, биринчи марта ўкингандай бўлди. Шаҳар одамларининг юриш-туриши ва кийинишини кузатиб, ўзиники билан солиштириб кўра бошлади. Ўзига анча-мунча оро беришга ўрганди.

Қатновларнинг бирида режиссёр коллектив таклифига биноан драмани Ёзувчилар союзида муҳокамадан ўтказиб, ҳар ҳолда уларнинг олдидан ҳам бир ўтиб қўйиш зарур эканлигини билдирди.

Республика Ёзувчилар союзи область бўлимининг ходимлари марҳум драматургни ҳурмат билан тилга

олишиб, пьесани зудлик билан муҳокамага қўйишди. Асар бир овоздан маъқулланиб, театр номига тавсиянома ёзиб берилди. Лекин бу орада драма қўлдан-қўлга ўтиб, ҳошияларига ҳар хил фикрлар ёзиб юборилгани, айрим саҳифаларга қалам тортилгани сабабли уни яна қайта кўчиртиришга тўғри келди...

Хайринисо энди бошқа манманаси қолмагандир, деган илтижо қўлёзмини режиссёрга олиб бориб тоширди. Розиков унга йигирма кунлардан кейин келиб, аниқроқ натижани билиб кетиши мумкинлигини айтди. «Энди ўзим астойдил киришмасам иш битмайдиганга ўхшайди, апча овора бўлдингиз»,— деди у ачингандай.

— Илтимос, шундай қилинг. Жуда қийналиб кетдим. Ахир мен ҳам хизматларингизни ерда қолдирмасман.— Хайринисо ниҳоятда мулойим, илтижо оҳангида гапираб экан, азбаройи чарчаганидан, толққанидан унинг кўзлари сузилиб кетди. Розиков бу ҳолни «бошқача» тушуни. Қолаверса, унга аёлнинг худди ана шундай илтимоси керак эди. У жувопни кузатиб қўяр экан, қўллари бир-бирига ишқалаб, унинг орқасидан қараб қолди. Кўзларида қандайдир сирли табассум ўйнади.

Хайринисо яна келди. Репитиция кетаётган экан. Ниҳоят артистлар тарқалишди. Розиков уни ҳар сафаргидан ҳам хурсанд кайфиятда қарши олди.

— Суюнчини чўзаверишг! Пьесанинг тақдирини ҳал бўлиш арафасида. Коллектив маъқул топди. Эртага тасдиқдан ўтказиб келиш учун Тошкентга жўнаяпман. Ҳа, дўстим ҳурмати учун, сиз учун. Албатта сиз Тошкентга бориб, драмани тасдиқлатиб келишингиз жуда қийин. Бир неча кун, қанча пул керак. Сизда эса бундай имконият йўқ, мен буни жуда яхши тушунаман. Қолаверса, сиз у ерда ҳеч кимни танимайсиз, ҳеч қаерни билмайсиз. Менинг таниш ўртоқларим бор. Ишнинг дарҳол ҳал қилиб беришади. Ўзингизга маълум, ҳозир таниш-билишсиз иш битказиш мушкул. Ҳа, дарвоқе, драманинг пулидан

аванс олиб келишга ҳам ҳаракат қиламан. Қисқаси, азп-зим Хайрихон, келаси шанбада келсангиз, узил-кесил маълум бўлади. Лекин албатта келинг, гастролга кетиб қолиш эҳтимолимиз бор. Гастролдан қайтгач, отпускага чиқаман. Кейин икки ой куттишга тўғри келади. Ҳа, айтгандай, арзимас бир нарсани айтиш ёдимдан кўтарплатибди. Агар қаршилик кўрсатмасангиз пьесага мен ҳам соавтор бўладиган бўлдим. Коллектив шундай қарор қилди.

— Кечирасиз, гапингизга яхши тушунолмадим.

— Дарвоқе, сиз театр санъатига оид айрим сўзларимизни билмайсиз. Биз шунақа терминларга ўрганиб қолганимиз. Соавтор деганимиз, бу... яъни... пьеса эрингиз иккаламизнинг номимиздан қўйилади. Пулидан сира ташвишланманг. Гонарарини асосан сизга берамиз. Фақат... нима десам экан... Сизга тушунтириш қийин. Пьеса бошқа, спектакль, яъни пьесани саҳналаштириш бутунлай бошқа гап. Драмани ҳар қанақасига ёзиб ташлайвериш мумкин, асосий масала уни саҳнага қўйишда, ролларга мослаштиришда. Ўзингизнинг хабарингиз бор; эрингизнинг пьесасини эпақага келтириш учун жуда кўп меҳнатим сингди. Айрим ўринларини олиб ташлашга, баъзи кўринишларини эса бутунлай қайта ёзишга тўғри келди. Бу жуда машаққатли иш. Бизда ҳар доим шундай бўлади. Мен, эрингиз яқин дўстим бўлгани учун, сизнинг ҳурматингиз учун қўлимдан келган ёрдамимни аямадим. Пьесани коллективга маъқул қилдириш учун роса жон куйдирдим. Ҳеч қачон бунчалик заҳмат чекмаган эдим. Майли, меҳнатимга ачинмайман. Ишқилиб сиз хурсанд бўлсангиз бас.

— Сиздан жудаям хурсандман, раҳмат сизга, ўртоқ Розиков. Ҳалиги томонларини ўзларингиз биласиз. Сиз нима десангиз шу-да. Менга пьеса қўйилса, бўлди, бошим кўкка етади.

Хайринисо қайта-қайта раҳмат айтиб чиқиб кетди. Уларнинг уйи шаҳар яқинидаги қишлоқларнинг бирида

эди. Шу куни уйига тезда етиб қолгандай бўлди. Анчадан бери биринчи марта хотиржам ва тўйиб ухлади.

Шанба куни, белгиланган муддатда театр биноси томон шошиб келаётган Хайринисони кўрган киши унинг юзларига қизиллик югуриб, анчагина тўлишиб қолганини, енгил бир ҳаяжонда эканини пайқаш мумкин эди. Шу пайтда унинг миясида «пьеса ўтдимкин? Ишқилиб тасдиқланган бўлсин-да!» деган сўзлар чарх урарди. Кейин хаёлига ҳў бир сафаргидай, «қанча беришаркин» деган сўзлар келди. Лекин бу гал жирканмади, титрамади. Чунки у қишлоқ билан шаҳар ўртасида бориб-келавериш пул олишга арзийдиган заҳмат чекиб қўйган эди. Кўз олдидан яшин тезлигида чиройли кийинган, қувноқ болалари ўтди. Ўз эгнида қора «саккиз тепки» атласни тасаввур қилди.

Эшик олдидаги таниш қоровул Розиков уни кутиб ўтирганини айтди. Хайринисо ичида «хайрият» деб қўйди-да, чолга раҳмат айтиб кириб кетди. Лекин бинонинг ичига кириб, ҳаммаёқнинг жимжитлигидан ташвишга тушди. Қадами секинлашиб, қўллари бўшашди, кўзлари хира тортди. Ҳар доим эшитилиб турадиган музиканинг уни чиқмас, узун ва тор йўлак нимқоронги, одам зоти кўринмасди. Хайҳотдай бино аллақандай ваҳимали туюлди. «Гастролга кетиб қолишибди-да, йўг-э, қоровул кутиб ўтирибди, деди-ю, ё Розиков гастролга бормади-микин?...» Ёни-берига олазараклик билан қараб, секин-секин юриб, режиссёр хонасига яқинлашди. Шу пайт юраги дукиллаб ура бошлади. Эшик тутқичига узатилган қўллари муаллақ туриб қолди. Кўнглига ёмон фикрлар келди. Орқасига қайтмоқчи бўлди, аммо шу лаҳзада эшик бирдан очилиб, Розиковнинг башараси кўринди. Хайринисо «вой!» деб юборди.

— Ҳа, нега чўчийсиз? Келдингизми? Қани, юринг ичкарига, юринг, юринг. Сўз бериб қўйганим учун овора бўлмасин деб кутиб ўтирибман. Оббо сиз-эй, қўрқиб кетдим денг-а, юрак ҳам бор экан-да ўзи...— Розиков ичка-

ри юрди. Хайринисо коридорнинг уёқ-буёғига илинж билан кўз югуртириб, ноилож ичкарига қадам қўйди. Қирди-ю, стол устидаги шишалар, меваларни кўриб қарахт бўлган одамдай останада серрайиб туриб қолди.

— Мана, Мансур Мўмин пьесасининг шарафига!.. Ҳа, сизни табриклайман! Пьеса қўйиладиган бўлди. Кеча тасдиқдан ўтказиб келдим. Оғайнилар сўзимни ерда қолдиришмади, барака топкурлар. Мана, энди сиз эрингизнинг сўнгги васиятини амалга оширадиган, мен ҳам дўстим ва сизнинг олдингиздаги ўз бурчимни ўтайдиган бўлдик. Энди иккимизнинг ҳам Мансур Мўмин руҳи олдида юзимиз ёруғ!— Розиков тўхтамай гапирарди.— Ҳозир пьесадаги бош ролларни ўйновчи ҳурматли артистларимиздан Қомил Суяров ва Нозимахоним келишлари керак.— Аёлнинг рангига қон югуриб, енгил энтикканини сезган Розиков сўзида давом этди.— Уларни ҳам атай гастролдан олиб қолганман, сизни бир хурсанд қилайлик деб. Эртага биз ҳам жўнаб кетамиз. Ҳа, айтгандай, пулнинг ҳам бир қисмини олиб келдим. Қани, буёққа ўтинг-чи, диванга ўтира қолинг, юмшоқроқ, ёнингизга Нозимахоним ўтирадилар, биз эркакларга қаттиқ курси ҳам бўлаверади.

Хайринисо стол устидаги нарсалардан кўз узмай бир-бир қадам ташлаб диван томонга ўтди ва унинг бир четига худди тиканакка ўтиргандай эҳтиёткорлик билан омонатгина жойлашди.

— Бу кичкина, қўлбола зиёфат бизнинг ҳимматимиз.— Розиков хонанинг ўртасида тик турганича ҳамон тўхтамай гапирарди.— Катта, асосий зиёфат сизнинг уйингизда бўлади. Унда сиз ҳимматингизни кўрсатасиз. Биз сизнинг олижаноб, қалби очиқ аёл эканлигингизни яхши биламиз, буни кўп синовдан ўтказганмиз.— Розиков дераза томонга ўтди ва йўлга қарагандай бўлди, кейин безовталангандай эшик томонга қараб-қараб, қўлларини орқасига чирмаштириб, хонада уёқдан-буёққа юра бошлади.— Нега буларнинг дараги йўқ-а... Жуда

кечикиб кетпшди-ку... Ўзимиз бошлаб юбораверсак хафа бўлишар, ҳа майли, келиб қолишар, яна бир оз сабр қилайлик-чи...

Розиқовнинг гаплари Хайринисонинг қулогига яхши кирмас, тезроқ келиша қолсайди, дегандай тез-тез эшик томонга қараб, чўғ устида ўтиргандай қимтиниб, юрагини ҳовучлаб ўтирар, режиссёрнинг сўзларига нима деб жавоб беришини билмасди. Бу вақтда қишлоқона содда аёлнинг сакрашга шайланиб турган олмахондай ўтиришидан ҳам завқланиб, ҳам гаши келаётган Розиқовнинг юрак уриши ўзгарганди. Лекин у аёлнинг ишончини обдан қозониб олиш ниятида эди. Бурчакдаги каттакон ойнаванд шкафни очиб, хийла семиз бир альбомни олди.

— Зеркиб қолманг тагин, мана бунни кўриб ўтиринг, марҳум дўстим — эрингизнинг суратлари ҳам бор, мен бир қараб келай-чи.— У альбомни аёлга берди-да, чиқиб кетди. Хайринисо кўз қири билан эшикка қараганича альбомни лоқайдлик билан варақлай бошлади.

— Қаранг, ҳалигача дараклари йўқ, ё тавба, одам деган бир сўзли бўлиши керак. Дунёда кутгандан, куттиргандан ёмони йўқ. Буёқда икки одам нигорон бўлиб ўтирсагу улар қайси кавакда қолишдийкин? Нозима сизни келишингизни эшитиб, жуда хурсанд бўлган эди. Ҳайронман... Қелинг энди, бошлаб тураверайлик, ўзларидан кўришсин,— Розиқов эшикдан жавраб кирди-да, Хайринисонинг қаршисидаги стуллардан бирига ўтириб, пош ушатди.— Қани, келинг, уни қўя туринг энди, кейин кўрарсиз, бу иккови бизни роса хуноб қиладиган бўлди. Қоринлар ҳам жуда очиб кетди. Сиз ҳам узоқ йўлдан келгансиз...— Розиқов олма арчиб, Хайринисонинг олдига қўйди. Хайринисо тортинибгина қўлига бир бурда пош олди. Розиқов қўлини коньяк томон узатар экан, аёлга юзланди:

— Сизга қайси биридан қуяй, коньякданми ё шампанданми?

— Йўқ, йўқ, мен ҳеч қайсининендан ичмайман. Умримда оғзимга олган эмасман,— Хайринисо қўллари билан қаршилиқ ишорасини билдириб жон ҳолатда эътироз билдира кетди.— Сиз ҳам ичманг, улар келишсин, кейин...

— Ахир шундай кунда ичмай бўладими? Аслида ичкиликка менинг ҳам тобим йўғ-у, аммо ҳозир муваффақиятимиз учун озгина ичаман. Майли, сизни мажбур қилмайман, зўрлаганни ёмон кўраман. Уйингизда ҳам сизнинг ичганингизни кўрмаганман. Қолаверса аёлларнинг ичишини мен ҳам ёқтирмайман. Сиз лимонаддан ича қолинг, аёллар ширинликни хуш кўришади-ку,— Розиков шундай деб рангли қадаҳлардан бирига лимонад қуйиб, Хайринисога узатди. Ўзига коньяк қуйди ва бир кўтаришда симириб юборди. «Оҳ-оҳ» деб, кафтларини бир-бирига ишқалаб, бир бўлак олмани оғзига ташлади.

Хайринисо кун иссиқлигиданми, узоқ йўлдан келгани учунми, чанқаган эди, лимонаднинг ярмини ичди. У, албатта лимонадга коньяк аралаштириб қўйилганидан беҳабар эди. Бир-иккида ичиб юрмагани сабабли коньяkning таъмини билмади, фақат лимонад тахир туюлди. «Эскироқ экан шекилли», кўнглидан ўтказди у. Розиков ҳамон сўзлар, овқат ер ва Хайринисони ҳам олиб ўтиришга қистарди. Хайринисонинг ҳам хурсанд, ҳам нотинч кўнгли баттарроқ безовталанарди. Томоғи ҳам қақраб, лаблари қуруқшаб кетаётгандай бўлаверди. Лимонаднинг қолганини ҳам ичиб юборди. Шундан кейин нимадир ичини сидириб кетгандай, ачиштирди. Кўзлари хиёл қисилиб, азои бадани қизий бошлади. У нимадан-дир шубҳаланаётганига тўла ишонч ҳосил қилди ва ўзини қўлга олишга, билинтирмасликка уринди. Бу пайт Розиков аёлнинг ҳолатини зимдан кузатар экан, унинг бир оз хира тортиб қолган сузгун бахмал кўзларининг яна чақнай бошлаганини, лоларангга кириб, таранглашиб бораётган юзларини, тез-тез ва аниқ баландлаб-пастлаётган кўкракларини ошкора завқ билан томоша қилар эди.

Аёл унинг ўзига еб қўйгудай тикилган ҳирс тўла кўзларидан ниҳоятда қўрқиб кетди. Кўнгли қандайдир фалокат юз беришини сезиб, ўрнидан қўзғалди.

— Энди мен кетай, Ориф ака, сизга раҳмат.

— Нега шошяпсиз Хайрихон,— Розиков унинг сўзини бўлди,— ҳеч нарса емадингиз-ку.— У ҳам стулдап турди.

— Едим, раҳмат. Айтган одамларингиз ҳам келишмади. Кеч бўлиб кетади. Бизникига меҳмонга боринглар.— Хайринисо юрмоқчи эди, гандираклаб кетди. Розиков ўзини кўрмаганликка солди.

— Албатта, албатта, ҳа, айтгандай пулингизни олиб кетинг. Ўзим айтмасам, сўрамайсиз ҳам,— Розиков столи томонга ўтиб, тортмасидан қоғоз ва бир даста пул чиқариб, аёлнинг олдига қўйди.— Мана бу жойга қўл қўйсангиз бўлди.— Хайринисо Розиков узатган ручкани олиб, у кўрсатган жойга имзо чекиш учун энгашди. Розиковнинг кўзи унинг пахтадай оппоқ сийнасига тушди.

— Вой-ей, бунча гўзал-а!— Розиковнинг оғзидан портлагандай отилиб чиққан бу сўзларни эшитиб, Хайринисо ўз қулоқларига ишонмай, биринчи марта кўраётгандай унга ҳайрат, қўрқув билан, аини вақтда ғазаб ва нафрат билан тикилди.

— Бу нима деганингиз?!

— Буми, бу... жудаям чиройлисиз, деганим. Нима, нотўғрими, ҳечам-да, биласизми Хайринисо, сиз менга жуда, жуда ёқасиз. Пьесанинг орқасидан ҳам сизни деб югурдим, агар билсангиз...

— Бас қилинг, ўртоқ Розиков! Нималар деб алжираласиз? Мени қанақа хотин деб ўйладингиз?!— Хайринисо бор қаҳр-ғазабини ана шу сўзларда ифодаламоқчи бўлди. Орқага чекинмоқчи эди. Розиков унинг билагидан ушлаб қолди.

— Алжираётганим йўқ, жонидан, ҳақ сўзни айтяпман. Азбаройи чиройингизга маҳлиёи асир бўлганимдан гапиряпман.

— Қўлимни қўйиб юборинг, қўйиб юборинг!— Хайринисо жон-жаҳди билан билагини Розиковнинг омбирдай қисаётган панжалари орасидан чиқариб олишга уринар, типирчилар эди. У зарб билан тортган эди, қўли Розиковнинг панжасидан чиқиб кетди ва икки қўли ҳавога кўтарилганича гандираклаб, орқаси билан столга бориб урилди. Пайтдан фойдаланган Розиков чаққонлик билан унинг белидан маҳкам қучоқлаб олди. Стол ағанади, шишалар, қадаҳлар шарақлаб чил-чил синди, овқатлар тўкилди, мевалар думалаб полга ёйилиб кетди. Розиков аёлни даст кўтарди-да, диванга ётқизиб, унинг кўкракларига ёпишди, пишқириб юзларидан, бўйнидан ўпа бошлади. Хайринисо бошини уёқдан-буёққа ташлар, икки қўли билан Розиковнинг бошига, дуч келган срига муштлар, қўллари оғриганини ҳам сезмас, ярамас, ифтоҳ, йигит ўлгур, дея тинимсиз қарғар, додлар, лекин қўпол гавда остидан чиқиб кета олмасди. Шу маҳал яшин тезлигида хаёлига бир фикр келди. Пайт пойлаб туриб Розиковнинг нозик жойига қаттиқ тепди. Розиков «иҳ!» деб юборди ва сакраб туриб кетди. Жувон ғайритабиий куч, одатдан ташқари эпчиллик билан дивандан ирғиб пастга тушди ва Розиковдан узоқлашди. Сўнг қўлига кирган нарсани ҳали ҳам ўзига келолмай гарангсиз, икки қўли билан сонини маҳкам чангаллаб турган Розиковга ота бошлади. Пулни ҳам унинг башарасига қаратиб отди. Деразада турган сиёҳдонни ирғитган эди, Розиковнинг пешанасига бориб тегди ва юзлари сиёҳга бўялди. Розиков бир қўли билан пешанасини ушлаганча ҳолсизланиб диванга ўтириб қолди. Хайринисо полда сочилиб ётган пулларни тепкилаб, ташқарига отилди. Коридорга чиқиб, ҳўнграб йиглаб юборди...

Сўнгра у мадорсиз қўллари билан зина панжарасига суянганича секин-секин юриб, пастга тушиб кетди.

У тўғри эрининг қабри тепасига борди. Узоқ вақт қимир этмай қабрга тикилганича унсиз йиғлади.

БИР КЕЧА — МИНГ КЕЧА

Дам олиш куни бўлгани учун туришга ошиқмай, эри-
ниб ётувдим. Бунинг устига кеча роса ичганмиз, бошим
гувиллаб, чакка томирларим лўқилларди. Эшик шиддат
билан очилиб, Нусрат кириб келди.

— Яшавор-э, ҳалиям ётибсанми? Пешин бўлди-ю!

Қаравотга тиралиб бошимни кўтардим.

— Тинчликми?

— Отамлар келишяпти экан. Аэропортга кетяпман.
Сен тезроқ бориб, бизнинг хонани сал эпқага келтириб
тургин. Чойни ўша ерда ичарсан, нон, колбаса бор. Ке-
йин... Лилия билан кинога бормоқчи эдик, мабодо келиб
қолса, мени йўқ деб, бир амаллаб қайтариб юборарсан.
Отамларни олдида иш чатоқ бўлмасин... Мен кетдим.

Нусрат ярим чақиримча наридаги ётоқхонада яшар-
ди. Хонага кирдиму димоғимга ароқ, виноларнинг ҳиди
гуп этиб урилиб, кўнглим беҳузур бўлиб кетаёзди. Ўрта-
даги стол устини билиб бўлмасди: бутунлай ва ярим бў-
шаган шишалар, ағанаб ётган катта-кичик стаканлар,
овқат юқи косалар, ушатилган нонлар, колбаса, кўк
пиёз, редиска... Клеёнканинг доғ бўлмаган жойи йўқ,
столнинг тагида эса қошиқ, вилка, мижигланган, депсал-
ган қоғозлар.... Наҳотки кечаси шу аҳволга солиб, инда-
май тарқалишнб кетаверган бўлсак?!

Деразанинг иккала қанотини ланг очиб юбордим.
Худди шуни пойлаб тургандай, ташқаридан гувиллаб
шабада кирди. Енгил ва ҳузурбахш баҳор шабадаси..
Қумга чиқиб қолган балиққа тўлқин олиб келган бир
лаҳзалик сувдан жон киргандай, энтикиб шамолга кўк-
симни тутдим. Кўнглим анча ёзилди. Шундан кейин Нус-
ратнинг эски кўйлагини пешбанд қилиб, йиғиштиришга
киришдим.

Столни тартибга келтиришнинг ўзига анча вақт кет-
ди. Ёйиладиган нарсаларни, идиш-товоқларни тумбоч-
кага, шишаларни шкафга жойлаштирдим. Чиқиндилар-

ин ахлатхонага тўқиб келдим. Каравот раҳида тартибсиз осилиб ётган сочиқ, кўйлакларни бир чеккадаги чамадонга тикдим. Клеёнкани ҳўл латта билан артдим. Навбат полни ювишга келди. Энгашиб олиб каравот остини артаётган эдим, қиз боланинг «Са-ша!» деган овози эшитилди. Ўғирлиб қарадим. Остонада ял-ял ёниб Нилуфар турарди. Мен кўриб, кўзларидаги табассум сўиди. Мен уялганимдан пол латтани чангаллаганча қотиб қолгандим. Қип-қизариб кетдим шекилли.

— Аслан, сизмисиз? Дўстингиз қани?— Нилуфар бир-икки қадам босди. Мен ўрнимдан турдим-да, худди ёш боладай қўлларимни орқамга яширдим, кейин бошимни секин кўтариб қизга жавдираб тикилдим. Баҳона тўқишнинг ҳам иложи қолмаганди. Нилуфарнинг кўзлари чарақлади.

— Менга айтмовди-ку.

— Бирдан, телеграмма келиб қопти.

— Ҳа-а... Шунга тараддуд денг. Чипта супурги йўқ эканми?

— Билмадим, йўқ шекилли...

— Келинг, мен қарашиб юборай, сизга ҳечам ярашмай турибди.

— Йўқ, қўйинг, устингиз...

— Зарари йўқ, пешбадингизни тутиб оламан, сиз сувни янгилаб турасиз. Тогорада, пақир бўлмайди.

Нилуфар от қилидан тўқилган жажжигина қора сумкасидан резина ип олди-да, орқаси билан битта бўлиб, белигача тушиб турган, учлари қўнғироқ сочини тўплаб боглади. Тешик-тешик оқ туфлисини ечиб, йўлакка олиб чиқиб қўйгач, ишга тушиб кетди. Тиззалари остига қуруқ латта ташлаб олиб, чўккалаб полни ишқалай бошлади. Унга қарамаслик учун тумбочка устидаги журналлардан бирини қўлимга олдим.

Нилуфар жуда чиройли ва хушахлоқ қиз эди. Ёлғиз фарзанд бўлгани учун ота-онаси ёшлигидан эркин ўсишига, жисмоний ва ақлий тарбиясига алоҳида аҳамият

беришган, тантиқлик, эркалик хислатлари унга бегона эди. Ўзбеклар ичида яшагани, қолаверса отаси ўзбек бўлгани туфайлими, ўзбекча урф-одатлар, таомилларни яхши билар, миллий таомларга ҳам пазанда эди. Шунинг учун унинг онаси рус аёли эканлигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди. Рус мактабини битирган, аммо ўзбек тилини пухта билар, фақат адабий тилда гапирарди. Унинг тор ва ихчам кийинишигина онасига тортганидан далолат берар, айниқса енгил кийимда шундай ҳам гўзал қомати, келишган оёқлари, таранг кўкраклари яна алоҳида жозиба касб этарди. Оппоқ юзидан ҳамшиша нур ёғилиб турар, кайфияти ҳар доим чоғ юрар, кулганида — бошини орқага ташлаб, елкаларида тўлқин урган зулфини силкитиб, кўзларни чиройли юмиб-очганида, киприклари назокат билан пирпираганида ҳар қандай йигит тугул ҳатто қизлар ҳам энтикиб қўярди. Шундай соҳибжамолнинг меҳрига сазовор бўлган дўстимга ҳавасим келарди.

— Қиз болага шунақа қарайдими, Аслан?— Нилуфарнинг овозидан ўзимга келдим. Шундагина мен журнал оша қизга тикилиб турганимни пайқадим. Узр сўраб, хаёл суриб қолганимни айтдим, бироқ унга маъносиз қараганимни тушунтириш ноқулай ва қийин эди.

— Нусратнинг дадалари мени кўрса нима дейишаркин,— сўраб қолди у.

Мавзунинг ўзгарганидан сал енгил тортдим-у, аммо шу заҳоти Нусратнинг гаплари яшин тезлигида миямда чарх урди. Кейин ўзимга таскин бера бошладим: «Билишса нима, шундай қиз келинликка рози бўлса, жон дейишмайдими... Оқила, чаққон-эпчил...» Лекин кўнглимнинг бир четидан «ҳар қалай келишлари билан олдиларига дастурхон қилмаган маъқул», деган фикр ўтди. Гапни ҳазилга бурдим:

— Қайнота-қайнонангиздан қочмай ўтираверасизми?

— Ҳали билишмайди-ку. Нусрат айтмаса агар...

— Ҳар ҳолда айтмаса керак.

Нилуфарнинг юзидаги ифода бирдан ўзгарди. Қалтис гапириб қўйганимни сездим. Бироқ ғишт қолипдан кўчган эди. Шундай бўлса ҳам тузатишга ҳаракат қилдим:

— Ўзи айтса бўлмас, ўзбекчилиқни биласиз-ку...

Нилуфарнинг кўнгли бир оз жойига тушди чоғи, жилмайди.

— Майли, бир гап бўлар.

Кейин у ишда давом этди. Қиз бола — қиз бола-да, ҳаш-паш дегунча полни чиннидай ярақлатиб ташлади. Тумбочка устида уюлиб ётган газета-журнал, китобларни ғаладонга солди, каравотдаги ўринни қайтадан тузатиб, адёл тепасидан чойшаб ёзди, кейин ёстиқни лўла-лаб шишириб, бир учини ичига уриб киритди-да, тумор шаклига келтириб жойига қўйди. Нусратнинг деворда қийшайиб турган рангли портретини тўғрилаб, артди. Суратнинг икки ёнига ёпиштириб ташланган футболчи, балериналарнинг расмларини кўчириб олди. Дераза раҳини, столнинг оёқларини, менинг хаёлимга келмаган — иситғич батареяни, унинг трубаларини тозалади. Хона одамнинг баҳри-дили очиладиган қиёфага кирди.

— Мана, кечқурунги айбимизни ювдик, Аслан,— Нилуфар пешбандни ечиб, сочбоғини олди, бошини орқага ташлаб, сарак-сарак қилувди, қўнғир сочлари елкалари узра ёйилди.— Қачон келишмоқчи экан?

— Соат тўртда деди, чамамда.

— Ие, бешдан ўтибди-ку, мен ҳозир келаман.

Нилуфар сумкасини билагига илди-да, тез-тез юриб чиқиб кетди. Ҳеч нарсага тушунмадим. Нима қилишимни билмай, полни авайлабгина босиб, уёқдан-буёққа юра бошладим. Хона борган сари кўзимга файзли кўринар, бундан бир-икки соат илгариги қўланса, бурунни қичиштирадиган аччиқ ва тахир ҳидлар ўрнини бокира қизлар вужудидангина таралиб турадиган дилни эркаловчи, қалб қаърида чўкиб ётган лоқайд ҳис-туйғуларни жунбушга келтирувчи хушбўй ҳидлар эгаллаганди. Аёл зоти нақадар буюк қудрат соҳиби-я! Унинг қадами етган

жойда, нозик ва сеҳргар бармоқлари тсскан парсада гўзаллик ва эзгулик ўз муҳрини қолдирмай иложи йўқ ва бу муҳр узоқ вақтгача, уни ҳис қилган, қадрига ета билганлар учун завол билмай яшайди.

Эшик очилганда мен ана шу фикрларни ҳаёлимдан ўтказардим. Нусрат хонага олазараклик билан кўз югуртириб остонада туриб қолди. Уларнинг истиқболига юрдим. Шу аснода зинадан ҳансираб чиқиб келишаётган Дўлтавой бува билан Сожида хола кўринди.

— Ия, Аслонбойм шедайкан-у,— Дўлтавой бува қўлидаги сандиқдай келадиган жигарранг чамадонни ерга қўйиб, қучоғини очди. Кўриша туриб галати аҳволга тушдим. Кўзимга отам кўриниб кетди. Сожида хола икки қўли билан бошимни эгиб, пешанамдан ўпаётганда эса ўлкам тўлиб, йиғлаб юбораёздим. Улар билан гўё отам-онам, ака-сингилларим қиёфаси, қишлоғимиз нафаси, ялпизлару райҳонлар иси кириб келгандай эди.

Меҳмонлар Нусратнинг каравотига, биз курсиларга ўтирдик. Дўлтавой бува кафтларини ёзди:

— Илоҳо омин, ҳар ким ниятига етсин, мартабанглар улуғ бўлсин.

Кейин улар мендан ҳол-аҳвол сўрай кетишди.

— Хўш, Аслонбой, ўқинилар яхшимми?

— Тан-жанингиз сағқина юринисизми, болам?

— Раҳмат, раҳмат. Бизникидагилар ҳам эсон-омонми?

— Ҳаммаси тинч, кўпдан-кўп дуо дейишди. Ўтган кунни Азмидинди кўрувдим, бозорга редиска обкетаятка-накан. Кейинроқ бориб қоларман, деди.

— Уларам сизни ташвишингизда юрпити-да, болам. Боргушимизча, деб кичкина мева-чсва берворинди.

— Ҳа, қаярда бўлсангларам бошинглар омон бўсини ишқилиб. Нусратбек, чамадонди оч.

Мен чой қўйиш учун сирли тунука чойнакни олиб, ташқари чиқдим. Орқамдан Нусрат чоғиб борди.

— Лилия кетдимми? Нима деб айтдинг?

— Ҳозир келаман, деб чиқувди. Ростини гапирингга тўғри келди.

— Тоза боплабсану. Келиб қолса нима қиламиз? Бўлар иш бўпти. Энди гап бундай: мен уни отамларга сенинг курсдошинг деб таништираман.

— Нилуфарнинг кўнглига келмайдими?

— Унгаям шунингга қўямиз.

— Ўзинг биласан.

Майли дейингга дедим-у, кейин ўйлаиб қолдим. Ахир Нусратнинг ота-онаси менинг тўғримда ёмон фикрга бориб, бизникидагиларга гуллаб қўйишса-чи? Лекин начора? Кейин тушунтирармиз. Ҳозирча таъблари тир-риқ бўлиб кетишмасин.

Қайтиб кирсам столнинг усти сутга қорилган тандир пони, яхна гўшт, тухум, шичаларда куйдирилган сарёғ, ёнгоқ, хандон писта, қуртопларга тўлиб кетибди.

Энди «олинг, олинг» қилиб тургандик, эшик оҳиста, қия очилиб, остонада Нилуфар кўринди. Қўлида бир даста гул бор эди. Ҳаммамиз унга қарадик. Мен беихтиёр ўрнимдан туриб кетибман.

— Қираверинг, Нилуфар. Мана меҳмонларам келишди.

Нилуфар секин-секин юриб, бизга яқинлашди. Юзлари қизарган, ийманарди.

— Ассаломуалайкум.

Нусрат худди сири фош бўлиб қолишдан чўчигандай шоша-пиша уни оталарига бояги келишувимиз бўйича таништирди. Нилуфар ялт этиб менга қаради. Кейин бўшашибгина гулни менга узатиб, ёнимдаги курсига омонатгина ўрнашди.

— Яхши етиб келдингларми? Қийналмадингларми?

— Ҳа, йўқ, қизим, Нурсатжон чиқиб турганакан. Шаҳарниям сал-пал айландик. Ўзингиз тинч юрибсизми, ўқишларман чарчамай?..

Дўлтавой бува Сожида холанинг гапларини маъқуллагандай бошини лиқиллатарди. Нилуфар паст товушда

жавоб қайтарарди. Бу шаддод қизнинг бирданига шу даражада мулойимлашиб, майинлашиб қолгани мени таажжубга солар, айна вақтда ўзини бундай тутиши назаримда унинг фазилатларини яна ҳам ошираётгандай эди.

Уёқдан-буёқдан гаплашиб чой ичдик. Нусрат Нилуфарга қарамасликка тиришар, ҳадеб қишлоқдаги янгилликлар, қариндош-уруғлари ҳақида суриштирар, Нилуфар бўлса очиқ тиззаларига кафтларини қўйганча сукут сақлар, ўзини ноқулай сезарди. Сожида холанинг мевалардан олиб ўтиришга қисташи, қайта-қайта ҳол-аҳвол сўрашларигина унинг жонига оро кирарди. Секин-аста тетиклашиб, давра руҳига мослаша бошлади.

Қишлоқдан девзира олиб келишган экан, Нилуфар иккимиз палов қилншга киришдик. Нусратдан хафа бўлмаслигини, вақтинча шундай йўл тутишни маъқул кўрганлигимизни айтдим. Ҳар қалай, Нусрат кечирим сўраганида, тушундим, деб унинг кўнглини тинчитди.

— Ишқилиб улар сизни менга бичиб кетишмаса бўлгани, тўғри бориб отамларга айтишса...— Нилуфар билан ҳазиллашмоқчи бўлдим. Бироқ бу гал ҳам хол қўйишимга сал қолганди. У капгирни ҳавога кўтарганча, менга тикилди.

— Сиз ҳам қўрқяпсизми?

— Қўрқсам бўйнимга олармидим.

Нилуфарнинг юзидаги нохуш ифода, кўзларидаги истеҳзоли маъно ёрқинроқ, мамнуниятдан дарак берувчи белги билан алмашинди.

Ош устида, кейин ҳам Нилуфар иккимиз курсдошлар ролини ўйнаб ўтирдик. У ўзини Нусрат билан шунчаки, мен орқали танишдек тутишга уринар, Нусрат эса иш ўйлаганидек кетаётганидан хурсанд эди.

Соат ўн яримларда Нилуфар қайтишга чоғланди. Мен меҳмонлардан узр сўрадим-да, ҳозир келаман, деб Нилуфарни кузатиб чиқдим. Нилуфар бир оз айланишни таклиф қилиб қолди. Бинолар оралаб кетдик. Транспорт

ҳаракати камайган бўлса ҳам, у ер-бу ердан қаҳқаҳа, хиргойи эштиллар, онда-сонда жуфт-жуфт бўлиб юрган йигит-қизлар учраб турарди. Баҳор осмони чароғон юлдузлар билан тўла, салқин шабада эсар, акация баргларининг бир-бирига урилиб, майин шитирлаши куйдай ёқимли эди. Нилуфарнинг кайфияти мен ўйлагандан созроқ эди. Нусрат ҳақида гап очинини кутардим, лекин у бу ҳақда лом-ним демас, шундай кечада сайр қилишининг гашти, бу гаштнинг инсон саломатлиги ва руҳига ижобий таъсири ҳақида сўзлаб борарди. Бир пайт унинг енгил титраганини сезиб қолдим. Дарҳол костюмимни ечиб, елкасига тутдим. У қаршилиқ кўрсата бошлади:

— Йўқ, йўқ, ўзингиз-чи?

— Йигит кишига ҳеч нарса қилмайди. Қизлар — гўзаллик демак. Гўзаллик нафис ва нозик бўлади. Уни авайлаш бизнинг бурчимиз.

Нилуфарнинг ёруғ юлдуз акси тушиб турган кўзларида бир нур ярқ этиб кетгандай бўлди. У костюм билан маҳкам ўранди.

Қоровул кампир иккимизнинг ҳам таъбимизни тирриқ қилди. У эшикни очмади, деразадан гупчакадай билагинда пашшадай бўлиб турган соатини кўрсатиб, жаврай кетди:

— Ун бир бўлгани қачон эди... Қаерда юрган бўлсанг, ўша ерга боравер. Кеча, майли, дедим. Яна солланиб келишингни қара. Сени тузук қиз деб юардим...

Нилуфар йиғлаб юбормаслик учун остки лабини тишлаб, ерга қараб олганди. Мен илтимос қилувдим, кампир багтар тутоқди:

— Қондани ҳаммангиз биласиз-ку, қош-кўзига термиллиб ўтиравермай, вақтида олиб келиб қўйиш керак!

Нилуфарнинг билагидан тутдим.

— Юринг, кетдик.

У қаёққа деб сўрамади. Ўзим ҳам қайга стаклаётга-

инини билмасдим. Лекин ўз хонамдан бошқа олиб борадиган жойим ҳам йўқ эди.

Оҳиста, сўзсиз юриб ётоқхонага яқинлашганимизда иккимиз ҳам бенхтиёр тўхтадик.

— Менни кечиришг...

Нилуфарнинг овози ўкинчли ва аламли эшитилди.

— Зарари йўқ, бир амаллаймиз. Бари бир кечаси билан юриб чиқишнинг иложи йўқ. Менга ишонсангиз бас.

Хонага кирдик.

— Мана, сиз бемалол дам олаверинг. Мен таниш болаларникига чиқиб ётаман.

Нилуфар шоша-пиша қўлимга ёпишди.

— Йўқ, йўқ, бир ўзим қўрқаман! Ахир менга ишонинг дедингиз-ку!

— Майли, бўлмаса мен китоб ўқиб ўтираман.

Чойшабни алмаштириб ўринни ростлаб бергач, дераза рахига қадаб қўйилган стол ёнидаги стулга астойдил ўрнашиб олдим-да, Тургеневнинг «Арафа»сини варақлай бошладим. Нилуфар бир оз иккиланиб тургач, ўринга кириб, чойшаб билан ўранди. Мен уйқунни қочириб ва хонанинг ҳавосини янгилаш учун деразани қиялатиб, каравот томон кўз югуртирдим. Нилуфар мен тарафга қараб ётар, кўзларида меҳрга ўхшаш алланима жилваланарди. Ёир-гир эсиб кирган шабада унинг болиш атрофига ёйилган паршон сочларини ҳилширатиб юзларига ура бошлади. Нилуфар соч толаларини қайириб, қулогин орқасига қистирди. Бироқ шамол яхши эрмак топгандай унинг зўлфини ўз ҳолига қўймасди.

— Деразани ёнайми?

— Йўқ, менга хуш ёқанти.

Уқнишга тутундим. Бир оздан кейин каравот гичирлади. «Девор томонга ўгирилиб олди»— ўйладим. Ўзимни китобдан бош кўтармасликка ундаб, ўқнишда давом этдим. Ярим соатлар чамаси ўтгач, яна гичирлаш эшитилди. «Ухлаёлмаяпти шекилли» — хаёлимдан ўтди ва бошимни бурмай кўз қиримни ташладим. У ҳамон уйгоқ

эди. «Е хижолат бўляпти ё чироқ халақит бер-
япти».

— Ёруғда ухлашга ўрганмаганимиз дейман, Нилу-
фар?

— Сиз бунақа азоб чекиб ўтирсангиз, мен қандай ух-
лайман.

— Бир кеча—минг кеча эмас. Имтиҳон пайтларида
тонготар қилиб юборамиз-ку.

— Лекин ҳозир имтиҳон пайти эмас-да.

Миямга «бу қандай имтиҳондан кам» деган фикр лоп
этиб келди-ю, нидамадим. Нилуфар давом этди:

— Ҳар ҳолда эрталабгача ўтириб чиқолмайсиз. Мен-
га ҳам татимайди. Яхшидан каравотга кела қолнинг. Мен
сурилиб оламан.

Қулоқларимга ишонмадим! Наҳотки... Ахир... Қан-
дай қилиб!.. Нусратнинг олдида нима деган одам бўла-
ман?! Лекин... лекин виждоним пок-ку. Йўқ десам, Ни-
луфар энди изза бўлади...

Нилуфар девор томонга ўтирилиб, жой бўшатиб қўй-
ган эди. Иккилана-иккилана бу томонга қараб каравот-
нинг қирғоғига омонатгина ёнбошладим. Юрагим гушил-
лаб урарди. Узимни чўғдан эҳтиёт қилгандай анчагача
қимир этмай ётдим. Бўлмади. Нусратнинг ота-онаси
олдига қайтиб бормаганим, устига-устак ҳозирги ҳола-
тимни тарозига солиб ётган эдим, юмшоқ соч толалари
бўйнимни қитиқлагандай туюлди. Худди шу пайт шаба-
да қандайдир ёқимли ҳинд куйини олиб кела бошлади.
«Эҳ, студентлар, ярим кечадаям тинчншмайди-я...» Диқ-
қат билан қулоқ тутдим. Соқини тун чокини сўқиб янгра-
ётган куй «Сангам» фильмидаги «Дўсти-дўст...» қўшиғи-
нинг ҳазин ва полакор оҳанги эди.

Қўнғимга «Нилуфарга далда бериш керак» деган
фикр келди.

— Нилуфар, менимча Нусратдан хафа бўлшингиз
ўринсиз.

Сезиб турибман: у ўғирилмаедан, бошини шифтга
бурди.

— Дўстнингизга ачшияписизми?

— Ҳар ҳолда у сизни...

— Шунақа денг,— гапимни бўлди Нилуфар, унинг овози титраб чиқа бошлаганди, — маслаҳатнингиз учун раҳмат.

Шундан кейин Нилуфар тинчиб қолди. Негадир кўнглим хижиб бўлди. Яна нимадир дейиш керак, деб ўйладим-у, аммо миямга бирон жўяли гап келмади. Ҳар қалай бу аҳволда ухлай олмаслигимга кўзим етиб, туриб кетдим. Чироқни ўчирдим-да, стулга ўрнашиб ўтирдим. Қўлларимни болиш қилиб, столга бош қўйдим.

Жунжикиб уйғондим. Пешамам қўлимга, қўлим столга ёпишиб қолгандай аранг ажралди. Билакларимга тарам-тарам чизиқлар муҳрланиб қолганди. Бармоқларим увишиб, ҳаракатга келмас, баданим эса совуқдан қалтирарди.

Қаравотга қарадим. Ўрни кечаги Нусратнинг каравотидай саришта, тумор шаклидаги болиш остига учи қис-тирилган бир варақ қогозни шамоли учириб ўйнардди. Шоша-пиша олиб ўқидим. Унда қўйидаги сўзлар ёзилганди:

«Кеча оқшом қоровул хотини ётоқхонага қўймай, маломат тошларини ёғдираётган вақтда мен аламиндан йнглашим керак эди. Лекин, нимагадир бундай бўлмади. Аксинча, ёнимда ҳимоячим, дўстим бор-ку, деб, янги, сирли олам ичра қушдай енгил парвоз қилаётган эдим. Назаримда баланд қоялару тубсиз жарликлар, жазира-маю музликлар ҳам писанд эмасдай... Ўзимни қанотималлигини эндигина англаб, чинакам, дадил парвозга шай бўлган полюнондай ҳис қила бошлагандим. Негашундай бўлаётганини ўша лаҳзада ўзим ҳам тушуниб етмовдим. Сиз ухлаб қолдингиз... Мен уйқум келмай, ўйлайвердим, ўйлайвердим. Сиз мулойим ва жуда ёқимли нафас олардингиз. Қўлларингизнинг юзингизга ботиб кетганини ҳам сезмай ухлардингиз. Деразадан кираётган шабада жингалак сочларингизни беозоргина тўзғи-

тарди. Мен сизга қараб ётиб, ҳамон ўйлардим. Бир пайт, бирданга ўша қоп-қора, чиройли сочларингизни силлагим, бармоқларим билан тараб ўйнагим келиб кетди-ю, чўчиб тушдим. Ўзимдан, тентакларча истагимдан хафа бўлдим. Ахир мен кечагина, йўқ, йўқ, ҳалигина бошқа бировни... Қанақа одамман ўзи? Ахир, ахир... сиз ҳам буни истамайсиз-ку... тўғримасми?.. Йўқ, менинг устимдан кулгилариниям, иккинчи марта янглигиниям (илтимос кўнглингизга олманг) истамайман. Хайр.»

Нилуфар хатга имзо ҳам қўймаган эди.

КЎНГИЛ КЎЧАЛАРИ

Студентлар пахтага жўнаб кетишди. Ётоқхона бир кунда эгаси кўчиб кетган ҳовлидай ҳувиллаб қолди. Зафар касаллиги сабабли пахтага бормади. Кечқурун ўртоғи Комилни Фаргона поездига кузатиб қайтди. Трамвайларда одам сийрак эди. Гўё ҳамма пахтага кетгандай. Зафар студентлар шаҳарчасига чалкаш хаёллар билан етиб келди. Бекатда тушди-ю, қалби бўм-бўш бўлиб қолганини сизди. Одатда қий-чув, бақир-қ-чақир-қлар осмонни тўлатган, ётоқхоналарнинг деразаларидан турли хил тилда, овозининг борича ҳайқириб турадиган магнитофонларининг ҳам уни ўчган, талабалар билан гавжум бўладиган кўча деярли ҳувиллаб қолган эди.

У истар-истамас ётоқхонага яқинлашар экан, ҳамма хоналарининг чироқсиз эканлигини кўриб, юраги увингандай бўлди. Фақат биринчи қаватнинг коридоридагина чироқ ёниқ эди. У столга эгилганча, мудраб ўтирган қоровулга ҳам эътибор қилмай, зиналардан шонилмай юқорига кўтарила бошлади. Уларнинг деразаси ётоқнинг орқа томонига қараган эди. Коридорнинг чирогини ёқмоқчи эди, ёнмади. Гугурт чақиб, эшикка калит солди. Чироқни ёқди-ю, ҳатто туфлисини ҳам ечмай каравотга ўзини ташлади. Орадан унча кўп вақт ўтмаган ҳам эдики, эшик оҳиста чертилди. Зафар бошини ёстиқ-

дап хиёл кўтариб, бир зум озроқ ҳадик, ҳам гижинини билан индамай қулоқ солди. Эшик яна чертилди.

— Ким у?— Зафар ирғиб ўрнидан турди.

— Мен, Зафар ака,— бу Қароматнинг овози эди.

— Қираверинг,— Зафар бўшашиб каравотга қайта ёнбошлади. «Ё тавба, бу қиз нима қилиб юрибди шу пайтда? Пахтага бормадимикми?»

Зафар Қароматни ёқтирмасди. Қизнинг дуч келган йигит билан чақчақлашиб кетаверини, бўлар-бўлмасга илжаявериши йигитнинг гашини келтирарди. «Табассуми текки қиз», дерди у. Ўзининг фикрича, «қизлик назокатидан, нафосатдан маҳрум бўлган, ҳасдан, гурудан сал кечроқ тугилган» Қароматнинг текис қоши, сийрак кийриклари, яссироқ бури, дўрдоқ лабларига аҳён-аҳёнда ачиниб билан назар ташлар ва юзини буриштириб бош чайқаб қўярди. Шунга қарамай қизнинг улар хонасидан оёғи узилмаслиги йигитнинг ошкора газабини қўзғатарди: «Ёмон кўрганинг пешонанга битибди, дегандай, бунча суйкалмаса?..»

— Мумкинми?— эшикдан Қароматнинг кенг пешонаси ва яси бури кўринди.— Шу ердасиз, Зафар ака? Қўрқиб чироқни ҳам ўчириб ётувдим. Сизнинг пахтага кетмаганингизни билувдим. Ҳозир оёқ товушингизни эшитиб қолдим,— Қаромат хона ўртасидаги стуллардан бирнга омонатгина ўтирди.

— Қаёқдан эшита қолувдингиз меннинг пахтадан қолганимни?— Зафар ҳамон ёнбошлаганича ажабланиб унга қараб ётарди.

— Қизлар айтишувди.

— Шунақа денг. Ўзингиз нега пахтага бормаддингиз?

— Академотпускадаман-қу. Қарзларимни топиширим керак.

— Думларимни, денг. Ундай бўлса ётоқдан қанақасига жой беришган сизга?— Зафар бошини ёстиқдан баландроқ кўтариб қизга ҳайратомуз тикилди. Шу пайтгача у қизнинг шахсий ҳаёти билан қизиқмаган эди.

— Комендантни авраганман. Мени биласиз-ку, ҳар қандай одамни ҳам гап билан эритиб юбораман.

— Фақат гап биланми ё...

— Гап билан-да, яна қандай йўл билан бўлиши мумкин?— Каромат бир оз қизаришиб, бошини қуйи эгди, кейин ўз жавобидан кўнгли тўлмади шекилли, Зафарнинг кўзига дадил боқиб қўшимча қилди:— Шунингга бир биллигини, шаддод қизлар фақат гапдагина шаддод бўлишади. Сиз ўйлаган нарсалар писмиқлардан чиқади.

Зафар қалтироқ гапириб қўйганини сезд. Шунинг учун ҳазилга бурмоқчи бўлди:

— Ҳа, эрптишингиз мумкин, фақат алюмин одамларни эритасиз. Бизга ўхшаган пўлат одамларни эритиб бўлмасиз!

— Хоҳласам сизни ҳам эритаман.

— Икки дунёдаям!— Зафар ўнг қўлини ёстиққа тираб ўриндан турди ва оёқларини каравотдан пастга осилтириб ўтириб олди.

— Гаров ўйнаймизми?

Қизнинг саволи жавобсиз қолди. Зафар гапни чўзишнинг ўзига эп кўрмади. Унинг ҳозирги ҳолатида: «Сен билан гаров ўйнашиб ўтирайми?»— деган ифода бор эди. Кейин қарийб буйруқ оҳангида деди:

— Гаров-паровни қўйинг, яхшиси битта аччиқ кўк чой қилинг. Бошим огриб турибди.

Улар нонсиз, қуруқ чой ичишди. Лекин Зафарнинг кўнгли очилмади, дурустроқ гаплашиб ўтиришга ҳам хуши йўқ эди. Каромат уни гапга солишга ҳаракат қилди-ю, бўлмади. Сўнг тирсагини столга қўйиб, чап қўлини юзига тираганича, ёш боладай оёқларини ўйнатиб, журнал варақлаб ўтирди. Унинг чаккасида тиришлар ҳосил бўлиб, писта қовоқлари, қушникидай юм-юмалоқ кўзлари яна ҳам кичраиб, Зафарга баттар хунуклашиб кетгандай кўринди. Ухлаб ором олгиси келди.

— Энди ётсак-а, ойимтилла,— Зафар атайин кери-

шиб ўрнидан турди-да, қўйлагининг тугмаларини сча бошлади.

— Бир ўзим қандай ухлайман? Яна озроқ ўтирайлик.— Каромат ростланиб ўтирди-да, илтижолни кўзларини жавдиратиб Зафарга тикилди.

— Қўрқсангиз, шу ерда ёта қолинг.— Бепарволлик билан жавоб берди йиғит.— Ана, бўш каравот бор. Чой-шабларни янги, тоза...

— Сиз билан бир хонада ётиб бўладими? — ҳазиллашмоқчи бўлди қиз.

— Бўлмаса нима қилмоқчисиз?— Зафарнинг овози бу гал анчагина дағал чиқди. У дераза ёнига бориб, ётоқ орқасидаги экин майдонида чироқнинг хира етиб бораётган нурларида элас-элас йилтираётган жўхори донларини кузата бошлади.

— Қўшни ётоққа олиб бориб қўйсангиз, девдим. Рабига ҳам пахтадан қолган эди.— Кароматнинг сўзлари тобора қатъиятсизланиб, майинлашиб борарди.

Зафар дераза олдидан қайтиб келиб, ўзини каравотга ташлади. Каравот ғичирлаб кетди. Йиғит кўзларини катта-катта очиб қизга қадади.

— Жуда чарчаганман, бир қадам ҳам босгим йўқ. Тўртинчи қаватдасиз-ку, нимадан қўрқасиз, эшикни ичкаридан қулфлаб олиб ётаверасиз-да, деразадан хавотирланмасангиз ҳам бўлади, осмондан ҳеч ким тушмайди.— Бу сўзлар Зафарнинг энсаси қотаётганини яққол сездириб қўйди.

— Бўлмаса қараб туринг, хонага кириб олай...— Қиз иложсиз қолган эди. У ажабланибми, ҳавас биланми, йиғитнинг очиқ ёқасидан чиқиб турган жингалак, қоп-қора ёлидан кўз узмай жойидан қўзғалди.

Зафар уни хонасига кузатиб қўйди. Қайтиб кириб ўрнига ётди-ю, донг қотиб ухлаб қолди.

Каромат уйғотмаганда, ким билсин, қачонгача ухларди. Қуш ёйилиб кетган эди. У ўрнидан дили гаш бўлиб турди. Ёмон тушлар кўрнбди... Каромат билан хил-

ват жойларда юрган эмиш... Эшикни очиб қизининг ҳам уйқуга тўймаганини сизди; унинг кўзлари қизарган, қо-воқлари ичига ботган эди. Магазинга бориб келишга ҳам улгурибди: қўлида қант, нон, сариеғ бор эди.

Зафар уйқусини қочириниш, кўнглини очиш учун май-качан бўлиб узоқ ювинди. Каромат чой қўйди. Кейин поношта қилишди. Зафарнинг таъби ҳеч нарса тилама-ди. Қиз ҳам тузукроқ бир нарса емади.

Каромат дугоналарини қидириб кетди, Зафар поликлиникага жўнади. Лекин иши битмади. У учраш керак бўлган врач Москвага, қандайдир семинарга кетибди. Бошқаси кўрмас эмиш. Баттар таъби тирриқ бўлди. Пахтага кетавермаганига афсусланди. Кўчага чиқиб, бирпас нима қилишини билмай туриб қолди. Борадиган жойи, қиладиган ишининг тайини йўқ эди. Авваллари, одатда, бундай пайтда ичарди. Ҳозир ичолмайди, врач тақиқла-ган. Қон босимининг ошиши шундан экан.

У «Санъат саройи» томон йўл олди, «Мунофиқлар» номли АҚШ фильми кетаётган экан. Кирди. Кино унга қаттиқ таъсир қилди. Қайфиятини баттар тушириб юбор-ди. Беҳудага калтаклашлар, ўлдиринишлар, бузуқлик, хиё-нат, фоҳишабозлик... Айниқса бош қаҳрамон мистер Браун образи уни жуда эзиб юборди. Ҳаддан ташқари оғир, босиқ характер. Ҳамиша ғамгин, иши ҳеч ўнгидан келмайди. Одамлар ичида ёлғиз, ҳимоясиз. Икки серия давомида бирор марта ҳам тишининг оқини кўрсат-майди.

Кинодан чиқиб Зафар Хадрагача бўлган уч бекат йўлини пиёда босди. Ён атрофига қарамас, ҳеч нарса би-лан иши йўқ эди. Шу пайтда ёнида бирор кўнгли очар дўсти бўлишини ёки бутунлай ёлғиз қолишни истарди.

У тўғри келиб Кароматларнинг хонасини тақиллат-ди. «Ишқилиб уйда бўлсин-да», хаёлидан ўтказди. Айни вақтда ўзининг бу истагидан ажабланди. Каромат билан кўришини, суҳбатлашини бўлган иштиёқ унда биринчи марта уйғонган эди.

Каромат Зафарга олдиндан таниш бўлган дугонаси Рабига билан дарс тайёрлашаётган экан. Рабига ҳам Кароматнинг ўзгинаси эди: эрка, шўх ва бола табиат. Лекин, ҳар қалай, Зафарнинг у билан муомаласи яхши эди. Чунки Рабига анчагина келишган, кўзга яқин қиз эди. Узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Зафарнинг дили бирмунча ёрилиди, кейин хонасига чиқиб кетди.

Қунарлар шу тариқа кеча бошладди. Улар ҳар кун эрталаб бирга чой ичишар, кейин Каромат имтиҳон топшириш учун домла қидириб кетар, Зафар эса ётоқда қолиб китоб ўқир ё шаҳарга чиқиб айланиб келарди. Бир неча марта бекорчиликдан Каромат билан институтга ҳам борди. Кечқурунлари эса Каромат овқат пиширар, овқатдан сўнг ё Зафарнинг, ё Кароматнинг хонасида алламаҳалгача гаплашиб ўтиришарди.

Бир кун Зафар курсдошларини қумсаб, Сирдарёга жўнади. У ерда бир кеча ётиб, эртасига анча ёзиллиб қўйди.

У келганда Каромат каравотда ётиб китоб варақларди. Зафар кириши билан қизнинг кўзлари пирпираб кетди-ю, лекин ўрнидан турмади. Унинг хафароқ эканини йиғит сизди. Тезгина юриб дераза пардаларини икки томонга қайириб қўйди-да, Каромат ётган каравотнинг бир четига ўтириб, қизга ташвишли назар ташлади. Унинг ранги хийла заъфаронлашиб, қовоқлари салқиб қолгандай кўринди.

— Сизга нима бўлди, пучуқчам, бирон жойингиз оғрияптими?

— Сиз қаердапам тушунардингиз, умуман ҳеч қачон тушунмасангиз керак.— Қизнинг сўзларида порозилик, ўпкалаш ва таъна оҳанги бор эди.

— Нега унақа дейсиз?

— Чунки сиз буни истамайсиз.

— Ишмами?

— Ишмапи бўларди, тушунишни-да... Билмайман, нимагадир диққат бўлиб кетяпман.

— Бирончасини яхши кўриб қолгандирсиз,— ҳазилга бурмоқчи бўлди Зафар.

— Эҳтимол. Балки сизнидир. Мен буни сизга ҳеч қачон очиқ айтмайман-ку, тўғрими?— Каромат йигитга синчковлик, айти вақтда умидсизлик билан тикилди.

— Қўйсангиз-чи, бўлмаган гапни!— яйраб кулди Зафар, лекин пинда гурурланиб қўйганини ошкор этгани келмади. Рост-да, қайси йигит ё қиз: «Мен сизни яхши кўраман», деган гапни эшитса тўлқинланмайди, фахрланмайди дейсиз, гарчи ўша одам аслида унга ёқмаса ҳам.

— Нима, бўлиши мумкин эмасми, ё мендан ор қиласизми?

— Йўғ-э, нималар деяпсиз? Мен ундай демоқчи эмасман,— Зафарнинг овози жаранглаб, қувноқ оҳангда чиқа бошлади.— Бу нарса менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ. Айтмоқчиманки, сиз мени ҳали яхши билмайсиз, бунинг устига менинг характерим ҳам бешқача, сизнинг характерингиз билан мутлақо мос эмас.

Албатта, Зафар, «сиз менга ёқмайсиз», дея олмади. Бундан ўн беш-йигирма кун олдин бўлганда балки шундай деб айтиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас эди.

— Айнан сизнинг характерингиз менга ёқса-чи?

Йигит жуда ноқулай аҳволга тушиб қолди. Кароматнинг гапларига нима деб жавоб беришни билмасди. Бунинг сизди шекилли, қиз гапни бошқа ёққа бурди:

— Бошим огрияпти, касал бўлиб қолмасам, деб кўрқяпман, иситмам баланд, кўринг-а.

Зафар қизнинг пешанасига кафтини босди. Чиндан ҳам ҳарорати бор эди. Бир лаҳза кечди. Кейин Каромат Зафарнинг қўлини олиб ташламоқчи бўлди-да, суриб юзига туширди. Йигитнинг кафти қизнинг иссиқ ёноғига тегди. Зафар қўлини тортиб олди, Каромат дарҳол девор томонга ўгирилиб, бошини аёл билан ўраб олди-да, яна секин «уф» торта бошлади.

— Чой қўяйми, ичасизми?— сўради Зафар.

— Овора бўлмаг, кераги йўқ.— Қаромат юзини очмай жавоб берди.

Зафар ўз хонасига чиқиб, кийимларини алмаштириб, чойнак олиб кирганида қиз ухлаб қолган эди. Унинг шунча тез уйқуга кетганига ҳайрон бўлди. Аста юриб газга чой қўйиб кирди. Чироқни ўчириб, стол лампасини ёқди, қизнинг усти очилиб қолган экан, ўради. Қўлини унинг пешанасига қўйиб кўрди. Харорати сал пасайибди. Қаромат ҳеч нарса сезмай, ювош мушукдай мулойим пишиллар эди.

Зафар чойни дамлади. Секин-секин чақирган эди, Қаромат индамади. Уйғотгиси келмади. Қиз ярим соатлардан кейин кўзини очди.

— Кечирасиз, ухлаб қолибман,— узр сўради у. Чой совиб қолган эди, бир пиёла ичди, кейин Зафар янгитдан чой қўйди.

— Нечага кирдингиз Зафар ака? — Бирдан савол бериб қолди Қаромат.

— Чорак асрин яшаб қўйдим.

— Нега уйланмай юрибсиз?

— Нима эди?

— Шунчаки ўзим сўрадим-да. Анча катта кўрниасиз-ку, шунинг учун қўшини қизларимиз ҳадеб сизни сурштиришарди. Сен билан яқин-ку, сўраб кўр, деб мени қисташарди, ҳозир эсимга тушиб кетди.

Зафар «анча катта кўрниасиз» деган иборадан оғригиса ҳам сир бой бермади.

— Қизик, нега энди менинг уйланиш-уйланмаслигим бошқаларни қизқитириб қолдиргани? Уйланган, кейин хотини билан ажрашган экан, деб қўя қолнинг уларга.

— Кечирасиз, сиз биронтасини севганмисиз?

— Ҳа, севганман, бир эмас, икки марта севганман.

Зафар Қароматни калака қилар, қиз эса унга чиппачин ишонаётган эди.

— Кейин нима бўлган?

— Иккиси ҳам ҳозир болалик бўлишди.

Каромат Зафарнинг севгилари тарихини эшитгиси келмади.

Аслида Зафарнинг сўзлаб беришга арзигулик муҳаббат достони йўқ эди. Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтида Зулайҳо исмли синфдоши билан хат ёзишиб турарди. Китоб, дафтарлар ичига солиб бериладиган мактублар ва уларнинг жавобларида, албатта, севги ҳақида жиддий гаплар бўлмас, кўпинча муҳаббат тўғрисидаги шеърлару айрим ҳикоялардан олинган парчалар билан тўлиб-тошарди. Зафар шаҳарга ўқишга кетгандан кейин қизнинг ота-онаси қистови билан турмушга чиқиб кетганини эшитди. Аввалига хуноб бўлди, эзилди. Зулайҳони бевафолликда айблаб юрди. Лекин кўп ўтмай у қизни эсидан чиқариб юборди. Эндиликда у қалин жилдли романлардаги ишқий саргузаштларни ҳам лоқайдлик билан ўқир ва уларга ишонмай қўйган эди. Муҳаббат қиссалари айрим романтик ёшлар ва умуман одамлар учун эрмак сифатида ўйлаб чиқарилган уйдирмалардан бошқа нарса эмас, деган қарорга келиб қолган эди. «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра»лар ҳам ҳаммаси афсона-ку, деб ўз фикрини асослашга уринарди. Ҳозир у ана шуларни эслаб ўйга чўмган эди, Кароматнинг навбатдаги «ҳужуми» хаёлини бўлди.

— Учинчи марта севаман, деб ўйламанг.

— Мен ҳам умид қилаётганим йўқ.

— Мени ҳам биронтаси севса эди!— қиз ўзининг беихтиёр ҳаракати натижасида титраб кетгандай бўлди, баданига ёпишиб турган пуштиранинг жуи кўйлагин остидаги тараиғ сийпаларни бир қалқиб тушди. Зафарнинг қараётганини сезган Каромат унинг ингоҳидан яширмоқчи бўлиб, қўлларини кўксига қовуштирди. Аммо кўкраклари баттар бўртиб чиқиб қолди. Қизнинг ҳаракатларини кузатиб ўтирган Зафар унинг гавдасига номуносиб, бўлагина сийнасига шу пайтгача эътибор қилмаганини хаёлидан ўтказди. У Кароматни ноқулай вазиятда қалол

қилниш ва кўнглини кўтариш учун суҳбатни давом эттирди:

— Хушторларингиз кўн-ку.

— Ахир мен уларни севмайман-ку, мен севган одам мен севса деяпман.

— У мен мен истаганлар суҳбатига аржуманд этмас, мен истар кишини суҳбатини кўнглим иссанд этмас, дег. Ҳали ёшсиз, орзуингиз амалга ошиб қолар,— Зафар энди қизнинг саволларига самимий, астойдил жавоб қайтаришга ҳаракат қиларди.

— Энди амалга ошмаса керак.— Қароматининг кўзлари билан хира тортиб, маъюслашиб қолди.

— Нега бундай деб ўйлайсиз?

— Турмушга чиқишим керак.

— Нима учун?

— Шаронтимиз шунақа. Рабига ҳам шундай дейди. Сиз қандай маслаҳат берасиз?

Унинг шаронти қанақалиги, нима мақсадда бундай деяётгани билан Зафар қизиқмади. У яна аввалги лоқайдлигига, масхарабозлигига қайта бошлаган эди. «Бу суҳбатлар шунчаки вақт ўтказиш учунгина-ку», деган фикрини ўз онгида қатъийлаштиришга уринарди.

— Мен ҳам қўшиламан,— деб қўя қолди.

— Кимга турмушга чиқаман, сизгами?— қизнинг овози дадиллашди. Зафар эса ўз оҳангида жавоб берди.

— Нега энди, хоҳлаган кишингизга.

— Агар сизни хоҳласам-чи?

Зафар яна тутилиб қолди, хуноби ошди. «Нега бу қиз менга ёпишиб олди? Ҳазиллашянтими ё синамоқчимми? Бунақа ҳазил, бунақа бемаъни синовларининг нима кераги бор экан унга?— ўйлади у.— Бари бир ёқтирмаслигини билди-ку! Қиз болада ғурур бўлмаса қийинда. Ё шунча гап-сўзлардан фаҳламаянтими? Бунчалик овсармас-ку! Ё кўнглимни юмшатиб, менда ўзига инсбатан меҳр-шафқат уйғотмоқчимми? Овора бўлади! Қизиқ,

одатда қизларга ёқин учун уни пуқул мақтанинг, дунёда яккаю ягона малика қилиб кўрсатишинг керак, дейишарди. Мен бу қизни бирор марта сийлаб, хушомад қилганимни эслай олмайман. Аксинча кесатиқларимни ҳар ҳолда англаши керак. Тўғри-да, нимасини ҳам мақтайман? Дўнг пешасинимни ё яналоқ буришинимни?»

— Айтнинг-чи,— яна сўроққа тута бошлади қиз,—сизга иккимиздан қайси биримиз кўпроқ ёқамиз: Рабиғамни, менми?

Бу антиқа саволдан Зафарнинг ниҳоятда ҳайратли оғиб, энсаси қотди. Ҳатто «бу қизнинг эси жойида-ми ўзи»— деган мулоҳазага борди.

— Менга иккингииз ҳам бирдай.

— Ҳеч фарқимиз йўқми?

— Фарқингиз бор, жуда катта!— Зафар қизини бошлаган эди.— Иккингииз икки оламси, фақат менга баб-баравар ёқасизлар.— У асаби қўзиганидан «Рабиға кўпроқ ёқади», деб юборишдан ўзини аранг тийиб қолди.

— Шунақаси ҳам бўлар эканми?— Қаромат ҳамон ёш боладай сўрарди. Афтидан, у ҳам Зафарнинг ғашини келтирмоқчи, кесатиқлари, масхаралари, қолаверса ҳисларини тушунмагани, қадрламагани учун ўч олмоқчи эди.

— Баъзан бўлар экан, — кескин, бир оз баландроқ овозда жавоб берди Зафар.

Орага жимлик чўкди. Кейин қизнинг кўнгли қаттиқ ўқсиганини билган Зафар сал мулоиймлашиб сўради:

— Ўзингиз биронтасини яхши кўрганмисиз?

— Йўқ... Сизнинг характерингизга ўхшаш характерли йигитни учратмагандим...— Қизнинг овози хаста, синиқ эшитилди. У анча бўшашиб қолган эди.

— Қандай характер?— қизиқсинди Зафар.

— Босиқлик, жиддийлик. Бу ҳислатлар ўзингизга жуда ярашади. Рабиғанинг орқасидан бир-иккитаси эргашиб юришади. Эркакка ўхшамайди. Рабиғанинг қарини-сида шунақа қисиниб-қимтиниб ўтиришадики, шунақа

мулоҳим гапиринишадикӣ, уларнинг олдида артистлар ҳам ип эшолмайди. Қошки ўша гаплар юрагидан чиқса. Башараларига тушириб қолгим келади. Чизаб туролмай чиқиб кетаман. Рабига ҳам куладн. Сиз дилингизда борини айтасиз. Мени ёқтирмаганингизни ҳам яширмайсиз. Пок, ҳалол одамсиз. Мапа, печа кундан бери иккаламиз ёлғизмиз... Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлганда...

— Бу хушомадми?— Зафар жипмайди.

— Қўнглимдагини, тўғри гапини айтяйман.

— Миннатдорман.

— Ташаккур.

Қулишди. Кейин Зафар стулдан Кароматнинг каравотига ўтиб ўтирди. Қиз қаршилиқ кўрсатмади, аксинча, сочини босиб ётиб қолган экан, ёнбошлади-да, чиқариб қўйишни илтимос қилди. Зафар бу илтимосни бажарди, албатта. Лекин шу лаҳзада кутилмаган ҳодиса юз берди. Қизнинг бир сиқим, майин қора сочи йиғитнинг кафтларини орасида юмшоқ сиргалар экан, томирларида нимадир ўрмалагандай эти ёқимли жимирлаб кетди. Димоғига хушбўй, эҳтиросни қитиқловчи ҳид урилди. У қўйиб юборгиси келмай, сочинини бир зум кафтида эзгилаб, силаб турди. Шунда Зафарнинг ёдига тўсатдан улуг бир адибнинг «хотинлар жисмоний ёки руҳий хислатларимиз учун бизни яхши кўришади, деб ўзимизни алдаб юрамыз, аслида ҳамма нарсани баданининг биринчи марта баданга теггани ҳал қилади», деган сўзлари келди. Кейин «тавба, бу қиз кўрқмайди-я...» деб қўйди ичиди.

Зафар тунги соат бирларда хонасига чиқди. Бироқ алламаҳалгача ухлай олмади. У ёнбоннида-бу ёнбошига ағдарилар, ҳар замон-ҳар замонда «ух» тортиб қўярди. Тонгга яқин кўзи илгирди шекилли...

Эрталаб йонуштадан кейин Зафар соқол олишга киришди. Каромат унинг шимига дазмол босди. Улар ўртасида ҳеч қандай гап бўлмагандай эди. Шаҳар айлангани чиқинди. Гагарин хиёбонини, анҳор бўйларини кезинди. Зафар киного киришини таклиф қилган эди, Қа-

ромат «айланиб юра қолайлик», деб унамади. Суҳбат мавзун анҳор сувининг совуқлиги, арчаларнинг яшиллиги ва кўп яшашлик хислати, гуллар, умуман табиат, қисман кинолар ва айрим борди-келди гаплардан нарига ўтмади. Кўпроқ Каромат сўзларди. У ниҳоятда хурсанд эди. Юпқагина, ихчам ва бежирим кўйлакда бўлгани учун елкалари, кўкраклари аниқ билиниб турар ва бу ҳол Зафарнинг ҳам эътиборини ўзига тобора кўпроқ торта бошлаган эди. У қизга тез-тез зимдан кўз ташлаб, мийиғида кулимсирар, «дурустгина экан-ку», деб қўярди ўзича. Ўз навбатида йигитнинг шодон кайфияти қизни янада завқлантирар, у очилиб гапирар ва кулар эди. Зафарнинг диққатини айланиб қизнинг иккита қилиб ўрилган сочлари жалб этарди. Шунчалик ажойиб сочи борлигига илгари эътибор бермаганига таажжубланарди. Ҳатто ана шу сочларни кечқурунгидай қўллари билан ушлашни, кафтлари орасига олиб силашни хоҳлаётганини аниқ сезди. «Қамчиликсиз инсон бўлмайди, фақат ундан яхши хислатлар қидириш ва топа билиш керак», деганлари рост шекилли, хаёлидан ўтди унинг.

...Гарчи бу сайрни Зафар аввал юрагидан истамаган ва таклиф этмаган бўлса-да, уни ҳурмат қилгани, унга овқат пиширгани, уни деб дугонасиникига кетмагани ва нима бўлса ҳам уни зериктирмагани, умуман, катта одамгарчилик қилгани учун бу армонли ёш қизнинг ана шу инсонийлигига яраша лоақал одоб юзасидан жавоб қайтариш, унинг кўнглини кўтариш ўзининг йигитлик бурчи эканлигини ҳис эта бошлаган ва бундан ўзи ҳам бир қадар мамнун эди.

Сайрдан кейин Каромат шаҳар чеккасида яшовчи амакисиникига кетди. Кечқурун келмоқчи эди, келмади. Зафар негадир унн кутди, қўмсади. Бирон ишга қўли бормади. Эртасига эрталаб ҳам, кечқурун ҳам келмади. Зафар куни билан ҳеч қаёққа чиқмади. У кечга бориб астойдил хавотирлана бошлади, безовта бўлиб қолди. Ҳар хил хаёлларга борди, ўзини койиди. Қимсасиз ётоқ-

да ўтган биргина куннинг ўзида у чунонам дикқат бўлдики, юраги тарс ёрилиб кетаёзди. Кечани бир амаллаб ўтказди-да, кейинги куни эрталаб ўзини овутиш, вақт ўтказиш учун шаҳарга чиқиб кетди. Лекин узоқ юролмади.

Ётоққа қайтиб келиб ҳайрон бўлиб қолди. Поллар чиннидай қилиб артилган, унинг кўйлаклари, сочиқлари ювилиб балконга ёйилган, пикета шимми дазмолланиб каравотга ташлаб қўйилган, ҳаммаёқ саранжом-сариншта эди. Зафар кўнгли жойинга тушиб, енгил эптикди. Столдаги бир варақ қоғозда қўйидаги сўзлар ёзилган эди: «Зафар ака, мен Рабиғаларникига кетдим. Хоҳласангиз кечқурун олиб келишга борарсиз. 15- ётоқ, 23- хона. Қаромат».

Зафар кечқурунни кутмай, ҳозирнинг ўзидаёқ йўлга тушди. Ташқарида ёмғир томчилай бошлаган эди. У ялангбош, ёмғирпўшсиз чиққанига афсусланди. Кириб чиқишга эринди-ю, кетаверди. Ярим йўлга етганда кутилмаганда рўпарасидан Қаромат чиқиб қолди. Аммо Зафар кутган ҳодиса рўй бермади. У жуда қуюқ кўришсак керак, деб ўйлаганди. Зафар ажабланмади, ҳаяжонланмади, қалбида ҳам ҳеч қандай ҳис қўзғалмади. Соvuққина кўришишди.

Шиддатли ёмғир остида ётоққа қайтишди. Зафар негадир шошилмасди. Йўлнинг икки томонида ёмғирдан ивиб, донлари эгилган, шумшайиб қолган жўхориларга қараб ачинди. «Эсиз, вақтида ўриб олишмабди-да», деб ўйлаб кетди.

Улар Қароматнинг хонасида чой ичишди. Зафар унинг нима учун йўқ бўлиб кетгани ҳақида сўради, Қаромат келиннинг ёрдам берганини айтди. Кейин Зафарга «тескари қараб туринг», деди-да, счина бошлади.

— Хонамга чиқиб кета қолай, ухласангиз,— Зафар қизга қарамай гапирди.

— Йўқ, йўқ, ухламайман, фақат чарчаганман, дам олиб ётмоқчиман, холос. Амакимнинг болалари тинкам-

ни қуриштиди.— Қаромат ечиниб, ўзини адёл ичига олди.

— Бўлди, ўтираверинг.

— Қаерга ўтирай?— Зафар нимага бундай савол берганини ўзи ҳам тушунмади.

— Истасангиз жойингизга — стулга, хоҳласангиз ёнимга...

Улар тунги соат тўртгача ўтиришди. Зафар бир неча кундан бери анчагина зериккан, бунинг устига ҳозир уй-қуси ҳам қочган эди. Қаромат ҳам ухлаш тўғрисида индамасди. Аксинча, жиянларининг шўхлиги, қилиқлари, қизиқ-қизиқ сўзларини, одатларини ҳикоя қилиб, кулдириб ётди. Энди улар унча ётсирашмай қолганди. Эҳтимол, бунга бир-бири билан кўришмаган кейинги икки-уч кун ҳам сабаб бўлгандир. Қароматнинг эркалангиси келаётгани сезилиб турар, Зафар ҳам уни эркаламоқчи бўларди-ю, лекин нимадир тўсқинлик қиларди. Балки аслида бунга ҳожат ҳам йўқдир.

Зафар адёлни тузатиб қўйиш баҳонаси билан қўлини Қароматнинг бўйнига олиб борди. Афтидан унда яна қизнинг сочларини ушлаш истаги тугилган эди. Бу ҳолнинг тўсатдан бўлганин учуми, қиз чўчиб қўлларини кўтариб юборган эди, адёл сурилиб тушиб, унинг устига сиғилиб кетди, елкалари, кўкраклари кўриниб қолди. Гарчи Қароматнинг юзлари бугдойранг бўлса ҳам, бадани офтоб кўрмагандай оппоқ, рангсиз, лекин жозиба-ли эди. У «уятсиз», деди-да, дарҳол адёлни томогигача тортиб, тескари қараб ётиб олди. Бу пайтда Зафарда ҳам аллақандай пинҳоний майллар жунбушга келиб, юраги тез-тез ура бошлаган эди. Бу юрак уни нимагадир ундарди. У ўйлабми, ўйламайми, қўлини адёл ости-дан қизнинг бели томон узатди.

— Жиминг, бўлмаса хонангизга чиқариб юбораман.

Қароматнинг сўзларида кескин оҳанг йўқ эди. Бундан дадиллашган Зафар тез-тез, қисқа-қисқа нафас олиб қизнинг устига энгашди. Лаблари унинг юзига тегай-

тегай деб қолди... Қаромат Зафарнинг қўлини нари суриб, унга ўгирилди:

— Нима қилмоқчисиз? Бари бир сизда ҳеч қандай ҳис йўқ-ку, Зафар ака? Энди ҳалоллигингизни ҳам йўқотмоқчимисиз?..— Қизнинг овозида таҳқирланишдан нолиш бўлса-да, лекин қатъий эди. У яна тескари қараб олди ва адёл билан бошини ҳам ўради. Кейин адёл ичидан эшитилар-эштилмас «энди ухлайлик», деди.

Зафар қаддини ростлаб ўрнидан турди, бир лаҳза ўй суриб қолди, сўнг қизга хайр ҳам демай тез-тез юриб чиқиб кетди. Хонанинг чирогини ҳам ёқмай, деразаларни ланг очиб юборди. Ташқаридан баданни жунжиктирувчи намхуш шамол ёпирилиб кирди-да, жон ҳолатда деворларга урилиб, яна орқага қайтди. Зафар мезоннинг салқин шабадасидан енгил энтикиб, титранди, бироқ у бу ҳолдан нечукдир роҳатлангандай, қалби ёқимли ҳислардан тўлқинлангандай бўлди. У наздида тобора тиниқлашиб бораётган юлдузли осмонга одатдагидан ўзгача бир иштиёқ ва ҳавас билан тикилар экан, ўзини қанча хотиржам ва осойишта тутишга уринмасин, юраги бесаранжом типирчилар, ҳаяжони тобора ортар, кўнгил қаъридан аллақандай туйғуларга йўғрилган наволар отилиб чиқмоққа талпинарди. Йигит ўзини майдондан бўйин эгиб чиққан курашчидай сезар, лекин мағлубликни тан олгиси келмас, шундай бўлса ҳам «ҳарифи»нинг ғолибона, бироқ илтижоли, чақноқ, аммо маъносига нигоҳи кўз олдидан кетмас, «энди ухлайлик» деган сўзлари қулоқларни остида гоҳ ғамгин, гоҳ тантанавор жарангларди.

РАССОМ МУҲАББАТИ

Уруш тугади. Замину осмон чуқур энтикди. Гўзалликка эҳтиёж қолмаган пайтда у ўз хусусиятини, моҳиятини йўқотади. Йўқчилик, меҳр-муҳаббатсизлик, эъозсизлик туфайли, кераксизлик туфайли қарахт қотган табиат уйғонди — ҳушига келди, қуёшнинг заҳиллашган, ранг-

Пар йўзи яна аслига қайтди, кўкда йўлдузлар гужгон ўйнади, тўлин ой яна ғамзалар қила бошлади; замин бир ёнбошидан иккинчисига ағдарилди, сойликларда қурбақалар қуриллаб, чигирткалар чириллади, япроқлар майин ва мамнун шитирлай, шивирлай бошлади, гуллар шох ташлаб рақсга тушди, гулбарг булбулга лаб тутди, сувлар яна ўйноқлаб-ўйноқлаб оқа бошлади. Олам яна тароват, малоҳат, гўзаллик қўйнига кирди.

Сувонқул қишлоғининг жозибадор табиатига, мафтункор манзараларига соғинч билан, қувонч билан тикилиб, тўйиб-тўйиб нафас олар экан, қуролдош дўсти Турдиматни эслаб, фикри қочди. Олисдан шовқин солиб оқаётган Қорадарёнинг овозини берилиб тинглаётган одамдай ўша томонга тикилиб қолди. «Табиатни нақадар яхши кўрарди-я», хаёлидан ўтди унинг. Сувонқулнинг ёдига ўртоғининг окопларда, ертўлаларда бир дақиқа бўш қолди дегунча гимнастёркасининг чўнтагида асраб юрадиган қогоз-қаламини ола солиб расм чиза бошлаши тушди.

* * *

Турдимат манзара чизишни яхши кўрарди. У тасвирлаган баланд-баланд, ўрқачли, ям-яшил тоғлар, кўпириб оқаётган дарёлар, бепоён далалар, ўтлоқлар, мажнунтолу тераклар ҳаётийлиги, ҳамманинг кўнглига яқинлиги билан жангчиларга маъқул тушар ва эсдаликка сўраб олишарди. Турдимат суратларини қизғанмас, қайтага ғурурланиб, мамнуният билан тақдим этарди. «Урушдан кейин мени эслаб юарсизлар» деб қўяр эди гоҳо жилмайиб, гоҳо жиддий тарзда. Унинг расмлари жангчиларга бадий завқ бериш билан бирга, ҳордиқ пайтларда асосий мавзу: ўз қишлоқлари, боғлари, дарёларини эслашга, дардлашиш, ҳасратлашишга, ҳазил-мutoибага баҳона ҳам бўларди. Фақат унинг одам расмини чизмаслигига афсусланишарди.

— Рассом, шуни бир амаллаб каттароқ чизиб берсанг-чи, — дерди Славик қўйнидан севгилиснинг бош бармоқдай келадиган суратини чиқариб.

— Жон деб чизиб берардим-у, дўстим, шу, муаллимга сўз берганман-да, одамнинг расмини солмайман деб. Асли сўз бермасам бўлар экан.

Шундан кейин Турдимат мактабда ўқиб юрганда та-рихда ўтган улуг шахслардан бирининг суратини чизиб ўхшатолмагани, шунда муаллими унга танбеҳ бериб, инсон ниҳоятда улуг хилқат, унинг сурати ҳам азиз ва қадрли бўлиши керак, келса-келмаса ҳар хил шакллари чизиб танилаётган билан иш битмайди, деган гапларини нечадан мартадир такрорлайди. Қурулдошлари ҳам унга эътироз билдиришмай, сўзини бўлмай тинглашади. Фақат озарбайжонлик Ханжар ҳазиллашиб луқма танилайди:

— Қизиқсан, муаллимнинг кўриб ўтирибдими сени?

— Ўзинг ақлли йигитсану, шу, сал ўйламайроқ гапирасан-да, баъзан, — астойдил куйиниб кетади Турдимат. — Сўз бергандан кейин кўрадим, кўрмайдими, барибир эмасми!

— Бу, ўзбеклар ҳазилни тушунадиган, аскияга уста халқ бўлади, деб эшитардим, — илмоқли гапини давом эттиради Ханжар.

Сувонқул Турдиматнинг ённи олади:

— Ўзинг ҳам жуда нозик жойдан оласан-да, Ханжар. Турди билан ҳамма парса тўғрисида ҳазиллашсанг ҳам, қасам ҳақида ҳазиллашма. Умуман, қасам билан ҳазиллашиб бўлмайди.

— Ахир у қасам ичмаган-ку, фақат сўз берган холос, — қайсарлигини қўймайди Ханжар.

— Биз қасамни ҳам, сўз беришни ҳам бир деб тушунамиз.

Орага Павел тушади:

— Э, қўйсаларинг-чи, роса чувадиларинг-ку. Яхшиси, Толик, битта эшакни расмини чизгин, ҳеч кўрмаганман. Ё эшакни ҳам чизмасликка сўз берганмисан?

— Туяни чиза қол, туяни, ажойиб экзотика!— дейди суратни қайта қўйнига солаётган Славик.

— Экзотикаси нима экан,— Сувонқулга юзланди Турдимат. У елкасини қисади. Турдимат қўлидаги қоғозни ғижимлаб бир четга олади-да, узунлиги жимжилоқдай келадиган қаламни чўнтагига солиб даврадан нари кетади. Ўтирганлар пиқ-пиқ қилиб кулишади.

— Яхшимас-да шу ишларинг, ахир ҳазилни кўтармаслигини биласанлар-ку,— дейди Сувонқул Ханжарга қараб.

— Унча-мунча ҳазиллашиб турмасак сиқилиб ўламиз-ку, Суван. Парво қилма, оғайнингнинг арази бир лаҳзалик, гина сақлайдиганлардан эмас. Кўнглида кири йўқ.

Дарҳақиқат, Турдимат кўп ўтмай ҳовуридан тушиб қайтиб келади-да, яна даврага қўшилади. Ханжарнинг пинжига кириб, икки букланган ва чеккалари титилиб кетган дафтар билан қаламни чиқаради:

— Хафа бўлдингми, Ханжар? Қишлоғингни тасвирлаб берайми? Айтиб турсанг бас, бирпасда чизиб ташлайман. Қўлимдан келганича...

Бироқ суҳбат одам расмини чизиш масаласига тақалганда ҳазилни яна Ханжар бошлайди:

— Биронта париваш юрагидан урмаган-да, бўлмаса қасам-пасам деб ўтирмай жонончасининг суратини чизиб ташларди-я.

— Ҳали ёш-да бола. Орамизда биронта қизам йўқ. Энди бир йўла урушдан кейин топади.

Турдимат аввалига қоғозини уюб олади-ю, кейин билинар-билинемас жилмаяди ва чизишдан тўхтаб, бир нуқтага тикилганча хаёлга берилади.

Унинг Жамила исмли қизни яхши кўришидан фақат Сувонқулгига хабардор. Турдимат Жамилалар ҳовлисининг ташқи кўриниши — занжирни осилиб турган бир табақали дарвоза, унинг чап томонидаги иккита қозиққа ўрнатилган ўриндиқ, ўнг томонда эса қийғос гуллаган

олча дарахти тасвирланган суратни Сувонқулдан бошқа ҳеч кимга кўрсатмаганди. Ҳолбуки унинг энг яхши чиққан расмларидан бири ҳам шу эди. Бироқ ҳамма расмлари ичида ўзларининг қишлоғи тасвирланган сурат иккаласи учун ҳам бениҳоя қадрли ва ардоқли эди. Унда қишлоқнинг қоқ белидан кесиб ўтган тўғри ва текис йўл, йўлнинг икки бетида аскарлардай саф тортган, бўйи, йўғонлиги баб-баравар мирзатераклар, уфқларга туташиб кетган пахтазор далалар ниҳоятда ҳафсала ва дид билан қоғозга туширилганди. Турдиматнинг бисотида ноёб манзаралар қаторига кирадиган яна битта расм — Қорадарёнинг баҳор чоғи ўзанига сиғмай, марзаларга тошиб оқаётган ҳолатининг тасвири бор эди. Умуман олгандаку, Сойқишлоқнинг минг хилча кўринишини чизиб ташлаганди у. Қишлоқда нечта кўча ва маҳалла борлиги, қаерда қандай дарахт ўсиши — ҳамма-ҳаммаси Турдиматга қарийб ёд бўлиб кетган эди.

У қишлоғини, Фарғона водийсини, умуман Ўзбекистонни ўзи ҳам англаб етмаган бир туйғу, эҳтирос билан севар, эъзозлар эди. Аммо у буёққа келгунча деярли Сойқишлоқдан бошқа жойни кўрмаган ҳисоби эди. Шунинг учун суратларининг мавзун, доираси, макони тоғ эди. Ўзи ҳам бу камчилгини тан оларди-ю бари бир Сойқишлоқ манзараларини қайта-қайта чиза берар ва ўзи уларга суқланиб узоқ-узоқ термиларди. Фақат кейинги пайтларда анча-мунча ўрмон, қарағай, пасттекислик, ойдин кўлларни ҳам тасвирлай бошлади.

— Нима бало, муаллимнингга Сойқишлоқдан бошқа ҳеч нарсани чизмайман, деб сўз берганмисан?— жигига тегишарди ўртоқлари.

— Бошқа нарсалар ҳақида ҳам гаплашсаларинг-чи, нуқул менга осилишганинг осилишган,— астойдил хафа бўла бошлайди рассом,— қишлоғимни яхши кўраман, вассалом.

— Вой-бў, ким туғилган жойини ёмон кўраркан ё сенинг қишлоғинг жудаям бошқачами-а?

— Бошқачами, йўқми, унисини билмайман-у, лекин яхши кўришда ҳам яхши кўриш бор.

— Ушанақа яхши кўришни бизга ҳам ўргатгин бўлмаса...

— Бирда бўлмаса бирда уришиб қоламиз-да, Ханжар,— шундай дейишдан бошқа чора тополмайди Турдимат. Зора бас қилса, деб умид қилади, лекин Ханжар баттар ғашини келтиради.

— Ҳали шошма, кафтинг қичишаётган бўлса муштлашасан ҳам. Фақат мен билан эмас, фашистлар билан. Ушангача кучингни эҳтиёт қилиб тур. Ҳозир менга сарфлаб қўйсанг, кейин ўзингга жабр бўлмасин.

Хонада енгил кулги кўтарилади. Кимдир томоқ қиради. Турдимат жаҳл билан нариги ёнбошига ағдарилиб, адёл билан бошини ўраб олади.

— Бечорани ҳоли-жонига қўймас экансан-да,— кўрпа остидан Павелнинг овози эшитилади.— Ундан кўра жонингни ўйлаб, душманга ўлим тилаб ётсанг-чн.

— Улим тиласам-тиламасам барибир бир кун ўлади-да. Жон масаласига келсак, уни ўйлашдан ҳеч маъни йўқ. Қайтага васвасага тушиб, қўрқоқ бўлиб қоласан.

— Жангга кирганда кўрамиз ҳали,— гап қотди Славик.

Суҳбатга фақат Сувонқулгина аралашмайди. У ўртоқларининг гапларига жимгина қулоқ солиб, хаёл суриб ётади. Жанг қанақа бўларкин? Кўнглидан кечиради у. Тарих китобларидан ўқиган, кинофильмларда кўрган жангларни эслаб кетади. Кейин Турдиматни ўйлаб унга ичи ачийди. Шўрликни бунча калака қилишмаса. Ҳадеб орага тушавериш ҳам ноқулай. Яхшиямки Турдимат бўлар-бўлмасга ёқа тутавермайди. Бўлмаса Ханжарга ўхшаганларни бир уриб абжагини чиқариб қўйиш мумкин... Сувонқул бундан кейинги ҳодисаларни хотирлагиси келмайди. Гарчи тўрт йил ичида ўлимни кўравериб дийдаси қотиб кетган бўлса-да, Турдимат ёдига тушса аъзои бадани титраб кетарди. Уша куни разведка-

га жўнаш олдидан Турдимат Сувонқулнинг кўзига бир неча дақиқа сўзсиз тикилиб турди, сўнг бағрига маҳкам босди. Сувонқулнинг қовурғалари қисирлаб кетди. У ҳамқишлоғи, ўртоғининг илтижолли, бутун меҳр-муҳаббатли, дард-ҳасрати билан қорачўғларини тўлдириб умрбод хайрлашаётгандай тўймай, кўнглини узолмай, нимадир демоқчи бўлиб, айтолмай тикилган кўзларини эсласи ўзининг нигоҳини қаерга яширишини билмай қолади. Ушанда Турдимат расм дафтарини унга бериб туриб шундай деган эди:

— Агар қайтиб келмасам, ўзинг кўриб, қишлоғимизни, мени эслаб юрасан. Фақат эҳтиёт қил, дўстим. Фашистлар қўлига тушмасин. Ватанимни ҳатто сурати ҳам лаънати душман қўлига тушишини сира-сира истайман. Ҳозир ҳам шунинг учун ташлаб кетяпман...

Турдимат қайтиб келмади. Ханжар Сувонқулни қучоқлаб ҳўнграб йиғларди.

— Сенга ҳавасим келади, қандай ажойиб инсон билан ҳамюртсан-а! Иккита немисни деразадан қандай улоқтириб юборганини кўрганингда эди... Мени қутқарман деб ўзи қўлга тушиб қолди... Биз ҳаммамиз Турди учун фашистлардан ўч олишимиз керак...

Ханжар Сувонқулдан Сойқишлоқ тасвирланган расмини сўраб олди.

— Мен Турдини, унинг қишлоғини эслаб юришим керак!..

* * *

Уруш тугади. Сойқишлоққа яна баҳор келди. Катта йўлнинг икки бетидаги тераклар алам ва армон билан шовуллай бошлади. Қорадарёнинг пўртана, долғалари жонланиб қолди. Жамилалар ҳовлисига кираверишдаги бир туп олча яна қийғос гуллади. Бироқ уларга ҳаммадан кўра кўпроқ завқ-шавқ билан, меҳр-муҳаббат билан боқадиған, уларни қадрига етадиған, янги-янги бўёқлар

билаи япа чирой бахш этадиган одам энди йўқ эди. Тераклар ҳам, сувлар ҳам, олча гуллари ҳам кўплаб оталар, оналар, келинчаклар ва қизлар каби мунғайиброқ, кексайиброқ қолгандек эди...



М У Н Д А Р И Ж А

Балиқ ови	3
Оқ тераклар	14
Толе юлдузидм .	22
Ёруғ юзлар . . .	41
Бир кеча — минг кеча . . .	58
Қўнгил кўчалари	69
Рассом муҳаббати	84

К 37

Кенжа Қамчибек.

Қўнгил кўчалари. Ҳикоялар.

Т. «Ёш гвардия», 1979. 96 б.

Кенджа Камчибек. Желанне
сердца. Рассказы.

Ўз 2

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ
КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТДИ

Д. Н у р и й.
ОСМОН УСТУНИ.
Роман.

*

М. М а ҳ м у д о в.
БУЛОҚЛАР.
Ҳикоялар.

*

Р. Т а г о р.
ДОНИШМАНД РОЖА.
Роман.

П. Қ о д и р о в.
ЯИРА ИНСТИТУТГА КИРМОҚЧИ.
Қисса ва ҳикоялар.

*

Ҳ. С а л о ҳ.
ОҲУ
Шеърлар.

*

З. О б и д о в.
ҚУЛИНГНИ БЕР.
Достон ва шеърлар.

*

С. Қ о д и р о в.
ЕФРЕЙТОР КУНДАЛИГИ.
Лавҳалар.

На узбекском языке

КЕНДЖА КАМЧИБЕК

ЖЕЛАНИЕ СЕРДЦА

Р а с с к а з ы

Издательство «Еш гвардия»,
Ташкент — 1979

Редакторлар Эмин Усмонов, Тўлқин
Рассом И. Вахитов
Расмлар редактори Қ. Алиев
Техн. редактор Л. Буркина
Корректор М. Ортиқова

ИБ — 433

Босмахонага берилди 23/II-1979 й. Босишга
рухсат этилди 20/IV-1979 й. Қогоз № 1. Фор-
мати 70×108¹/₃₂. Босма листи 3,0. Шартли
босма листи 4,2. Нашр. листи 4,07. Тиражи
15000. Р 13528. Шартнома № 85—78. Заказ
№ 73. Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш
гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129. Навоий
кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва
китоб савдоси ишлари бўйича Давлат коми-
тети Тошкент «Матбуот полиграфия ишлаб
чиқариш бирлашмасининг 2- босмахонаси
Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44.